



Кенг күламлы,  
фикрий, сақоғий журнал

# Ал-Валі



## Ҳизб үт-Таҳрір ҳамда Ресулуллоҳ нинг таріқатида мустаҳкам туриш

Нусрат талаб қилишда  
німа учун құшинларға  
мурожаат қилиниши  
ва күч-құдрат әгалари  
үйғотилиши керак?

Уммат қокимиятини қайтариб  
олиш режимларни құлатиб,  
Халифалик давлатини барпо  
этіш орқали амалға ошади

Мустамлакачиларнинг  
жиловлаш сиёсатига қарши  
туриш ва қарамлиқдан  
қутулиш йўллари



424

Ўттиз олтинчи  
йил чиқиши  
Ж. аввал 1443ҳ  
Декабр 2021м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Чишибу сонда

- **Ал-Ваъӣ сўзи:** Ҳизб ут-Таҳрир ҳамда (Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик)ни барпо этишда Росууллоҳ (ﷺ)нинг тариқатида мустаҳкам туриш ..... 3
- Нусрат талаб қилишда нима учун қўшинларга мурожаат қилиниши ва куч-қудрат эгалари уйғотилиши керак? ..... 7
- Уммат ҳокимиятини қайтариб олиш режимларни қулатиб, Халифалик давлатини барпо этиш орқали амалга ошади ..... 13
- Мустамлакачиларнинг жиловлаш сиёсатига қарши туриш ва қарамлиқдан қутулиш йўллари ..... 29
- Капиталистларнинг ўз манфаатлари йўлида илмий назариялар ёрдамида манипуляция қилиши ..... 40
- Британиянинг Мағриб юртларидағи таъсири илдизларини бошидан охиригача геостратегик ўрганиш ..... 49
- **Олам мусулмонлари хабарлари** ..... 62
- **Қуръони Карим сұхбатида** ..... 66
- **Жаннат бөғлари:** Дўстим менга васият қилди... ..... 72
- «Янги Иброҳимий дини»га даъват Исломга қарши урушнинг навбатдаги босқичидир ..... 78

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР ҲАМДА (ПАЙҒАМБАРЛИК МИНҲОЖИ АСОСИДАГИ ХАЛИФАЛИК)НИ БАРПО ЭТИШДА РОСУЛУЛЛОҲ НИНГ ТАРИҚАТИДА МУСТАҲКАМ ТУРИШ

Атийя Жабборин – Фаластин

Аллоҳ Таоло Ҳалифалик қулатилиши оқибатида фикрий ва сақоғий ўзлигини йўқотиб, бўлинишдан азият чекиб келаётган Исломий Уммат орасидан динни янгилайдиган кишиларни чиқариш билан Умматга мурувват кўрсатди. Аллоҳ Таолонинг аллома шайх Тақийюддин Набаҳонийни ҳидоятга бошлашни истashi ҳам Умматга кўрсатилган катта меҳрибонлик бўлди. Аллоҳ Таоло Набаҳонийга Умматнинг воқелигини тўғри англаш ҳамда унинг уйғониши ва тараққиётга эришиши йўлини аниқ кўра олиш имконини берди. Тақийюддин роҳимаҳуллоҳ Ислом Уммати етиб келган бундай аҳвол Исломнинг ҳаёт ва жамият воқелигидан четлатилиши натижаси эканини англаб етди. Яъни бундай аҳвол Ислом ва унинг аҳлини ҳимоя қиласидиган давлатни қулатиш орқали Исломни амалий татбиқдан четлатилиши натижаси эканини англади. Тақийюддин роҳимаҳуллоҳ яна шуни ҳам англаб етдики, ушбу давлатни, яъни Ҳалифалик давлатини қайта барпо этиш Ислом ақидасига асосланган ҳамда Росулуллоҳ Нинг илк Исломни давлати барпо этишдаги тариқатларини маҳкам ушлаган бир сиёсий уюшма орқали бўлиши шарт... Бу уюшма Ҳалифалик давлатини барпо этишга олиб борувчи ўз мақсад ва ғоясини ҳам, ушбу ғояга олиб борадиган йўлни ҳам аниқ белгилаб олган бўлиши, бундан ўзга йўлнинг айни ғояга олиб бормаслигини аниқ билиши керак.

Шунинг учун шайх Набаҳоний роҳимаҳуллоҳ Ҳизб ут-Таҳрирга асос солди ҳамда унинг ғояси Ҳалифалик давлатини қайта барпо этиш эканини эълон қилди. Шунингдек, Ҳизб юриши лозим бўлган тариқатни белгилаб, бу тариқатдан оғиши мувваффақиятсизлик эканини баён қилди. Ҳизб баён қилган ва унга кўра фаолият қилаётган тариқат эргашиб вожиб бўлган шаръий ҳукмдир. Чунки Росулуллоҳ Қанчалик мешакат ва озорларга дучор бўлмасин, кофиirlар ундан буришга ҳаракат қилмасин ўша йўлдан юрдилар ва унда собит турдилар. Бундан ташқари, бугунги воқелик Ислом аҳкомлари билан бошқарилмаётгани жиҳатидан Маккадаги воқеликка мос келар эди. Ҳизб ут-Таҳрир ташкил топган кундан бошлаб мана шу тариқатдан юрди. Аҳвол қанчалик оғир бўлмасин, Ҳизбни бу йўлдан буришга қанчалар ҳаракатлар қилинмасин

ва унинг йигитлари қанчалар зулм ва босимларга йўлиқмасин уни ўзгартирмади.

Шайх Тақийюддин роҳимаҳуллоҳ Росууллоҳ ﷺ кўрсатиб берган ҳамда Ҳизб ўзгартириш ва Ислом давлатини қайта барпо этиш амалиётида юриши лозим бўлган тариқат уч босқичдан иборат эканини баён қилди. Улар сақофат бериш, жамият билан ўзаро муносабатга киришиш ва ҳокимиятни қўлга олиш босқичларири. Демак, ғояга етиш учун Ҳизб амал қилиши лозим бўлган асос ва қоидалар Росууллоҳ ﷺ нинг тариқатларири. Ғояга етиш учун олиб бориладиган ҳизбий фаолият фикрий ва сиёсий кураш олиб бориш, нусрат талаб қилиш ва моддий иш қилмаслиқдир. Шунинг учун Ҳизб ўзининг ўзгартириш йўлида ташкил топганидан шу кунгача мана шу йўлдан юрди. У Аллоҳнинг изни ила ғояси рўёбга чиққунига қадар мана шу йўлда событ қолажак. Ҳизб бу йўлнинг самарасизлиги ва бугунги кунда у билан ўзгартириш рўёбга чиқмаслигини ҳужжат қилиб, ундан ўз йўлини ўзгартиришни талаб қилаётган чақириқларга жавоб бермади. Ҳизб ўз фаолиятида бошқа оқимлар каби моддий кучни ишга солиш керак, деб талаб қилаётган ва унга чақираётган овозлардан, гарчи улар холис бўлсалар-да, эҳтиёт бўлди. Ҳизб ташкил топган кундан бошлаб кучли ҳужумларга учради. Чунки бу йўл мустамлакачи ва унинг малайларига катта хатар туғдираётган эди. Шунингдек, бу йўл мусулмон юртларидағи ҳарбий қувватни ҳукмдорлар қўлидан олиб, ўзгартириш учун ҳаракат қилаётгандар қўлига топширишни илгари суроётган ягона йўлдир. Чунки ҳарбий қувват юртларимиздаги режимларни йўқ қилиш ва ўзгартириш учун фаолият қилаётгандарга ҳокимиятни беришнинг ягона йўлидир. Агар мустамлакачилар Ҳизбни бу йўлдан буриб юбора олсалар ютуққа эришган бўладилар. Бу билан у воқеликни ўзгартириш учун фаолият олиб бораётган ҳизблик сифатини йўқотади ва муваффақиятсизликка учраган бошқа гуруҳлар қаторига қўшилиб қолади.

Мустамлакачи давлатларга хизмат кўрсатиш учун турли оқимлар, ҳаракатлар, мустамлакачининг муфакир малайлари ва Умматнинг жоҳил вакиллари воқеликни ўзгартириш фаолиятида Ҳизб асосланган тариқатга қаттиқ ҳужум қилишди. Мақсад одамларни Ҳизбдан буриш, уларнинг қалбида Ҳизб ут-Тахрир ва унинг манҳажига нисбатан ноумидликни солиш эди. Шунинг учун улар Ҳизбнинг ўз тариқатида сабот билан туришини турғунлик ва хаёлпарамастлик деб аташди. Шунингдек, Умматни унинг қўшинларидан нусрат сўрашга ҳаракат қилиш тушунчасидан нафратлантиришга уринишиди. Буларнинг барчаси Ҳизбни ўз мақсадидан буриш, унинг йўлида тўсиқ пайдо қилиш ва одамларни ундан узоқлаштириш учун амалга оширилди. Лекин Ҳизб Аллоҳнинг фазли билан ўз тариқатида сабот билан туриб, ундан бир қарич ҳам

оғишмади. Натижада, Уммат Ҳизбга ишонадиган ва унинг тақлифларини, шу жумладан ўзгартериш тариқатини қабул қиласидиган бўлди.

Инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат шундаки, Ҳизб ташкил топган кундан бошлаб, ўзи қабул қилган ўзгартериш тариқатида қатъият билан турибди. Бу Ҳизб фаолият юритаётган барча давлатларда бир хилдир. Ҳизб бу давлатларнинг бирортасида моддий ишларни қўлламади. Агар шундай қилганида Росулуллоҳ дан ўрнак олишдек сифатни йўқотар ва очиқ муваффақиятсизликка юз тутган бўлар эди. Шунингдек, Ҳизбдек пок вужудни йўқотган бўлар эди.

**﴿مِنَ الْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا مَا عَنَهُدُوا أَلَّهُ عَلَيْهِ فَمِنْهُمْ مَنْ قَضَى نَحْبَهُ وَمَنْهُمْ مَنْ يَنْتَظِرُ ﴾  
وَمَا بَدَلُوا تَبَدِيلًا﴾**

**«Мўминлар орасида ўзлари Аллоҳга берган** (У зотнинг йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлиш ҳақиқадаги) **аҳду паймонларига содик бўлган кишилар бордир.** **Бас улардан** (айрим) **кишилар ўз аҳдига вафо қилди,** (Яъни шаҳид бўлди), **улардан** (айрим) **кишилар эса** (шаҳид бўлишга) **интизордир.** **Улар** (мунофиқларга ўхшаб Аллоҳга берган аҳду паймонларини) **ўзгартиргандари йўқ»** [Аҳзоб 23]

Ҳизбнинг ҳақда сабот билан туриши ва Уммат унинг фикратини ўз бағрига олиши мустамлакачи ва ундан таъсирланганларнинг ғазабини қўзғади. Улар Ҳизбга барҳам бериш учун унга моддий ишларни қўллаш айбини юклашга уринишмоқда. Турли давлатлар Ҳизбни йўлдан озган ва хароб қилувчи деб сифатлаш учун унга мазкур айбни ёпиштирмоқчи. Лекин Ҳизб Росулуллоҳ нинг тариқатига бўлган ишончи ва садоқатидан келиб чиқиб, моддий ишга қўл урмаслигида, уни фойдасиз ва Умматга зиён олиб келади деб билишида қаттиқ турди.

**﴿قُلْ هَذِهِ سَيِّلٌ أَذْعُوا إِلَى اللَّهِ عَلَى بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي وَسُبْحَنَ اللَّهُ وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾**

**«Айтинг: «Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиласман. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга-ишончга эгамиш. (Хар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман. (Зоро) мен мушриклардан эмасман»** [Юсуф 108]

Ҳизб ушбу тариқатда сабот билан туриши айримлар айтаётганидек турғунлик ва қотиб қолишлиқ эмас. Аксинча, у ҳақда сабот билан туришдир. Чунки биз нафсу ҳавойимиз хоҳлаганидек эмас, балки Аллоҳ хоҳлаганидек ва бизга тузиб берганидек унга ибодат қиласмиш. Бу саботни шундай ифодалаш мумкин; Ҳизб Росулуллоҳнинг тариқатини маҳкам ушлаш, унда сабот билан туриш вожиб ва ундан бир қарич ташқарига чиқиш гуноҳ деб қатъан ишонади. Ҳизбнинг қийинчилик ва тўсиқларга қарамай, ўзи танлаган ўзгартериш тариқатида сабот билан

туриши биринчидан Аллоҳ Таолонинг сийлови бўлса, иккинчидан, Ҳизб аъзоларининг ҳақ устида сабот билан туриши ва Росууллоро қўрсатиб берган тариқатни маҳкам ушлашидандир. Чунки Ҳизб ва унинг аъзолари шаръий ҳукмларга мувофиқ иш юритадилар. Улар дунёвий манфаатларга эътибор бермайдилар, қарор эгалари ва иш бошлиқларининг розилигини истамайдилар.

Аллоҳнинг ҳар бир буйруғини сабот билан бажариш вожибdir. Энди эътиборсизлик қилиб бўлмайдиган даъват йўлида сабот билан туриш лозимлиги ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Акс ҳолда тойилиш, зое кетиш, қулаш, чекиниш ва йўлдан оғиш рўй беради. Бу эса, Аллоҳ ва Росулини ғазаблантиради. Аллоҳ Таоло бир банда ёки жамоатни қўллаб-қувватлар экан, уларни событ позиция ҳамда дунё ва охиратда устувор сўз (имон калимаси) билан событқадам қиласди.

﴿يُبَشِّرُ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا بِالْقَوْلِ الْثَّابِتِ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ وَيُضْلِلُ اللَّهُ الظَّالِمِينَ ﴾  
﴿وَيَقُولُ اللَّهُ مَا يَنْسَأُ ﴾

«Аллоҳ имон келтирган кишиларни ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам устувор сўз (имон калимаси) билан событқадам қилур. Золимларни эса Аллоҳ (ҳақ) йўлдан оздирур. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилур»

[Иброҳим 27]

Аниқки, Ҳизб ут-Таҳrir Аллоҳнинг фазли ва тақдири билан яхшилик ва ҳақиқат уруғи бўлиб, у мустаҳкам ва боқийдир. Шунинг учун унинг аъзолари событқадамлик билан туриб, ўз фаолиятларини давом эттиришлари лозим. Бу улуғ шарафdir. Аллоҳ Таоло бизларни ўз нусрати ва азизлиги билан сийласин.

﴿إِنَّا لَنَصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ الْأَشْهَدُ ﴾

«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва имон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз» [Фофир 51]

﴿وَرِيدُ أَن تَمَنَ عَلَى الَّذِينَ أَسْتَضْعِفُوا فِي الْأَرْضِ وَتَجْعَلُهُمْ أَئِمَّةً وَتَجْعَلُهُمُ الْوَرِثِينَ ﴾

«Биз эса у ерда хорлангган кишиларга марҳамат қилиши, уларни (хор-бечораликдан чиқариб), барчага пешво зотларга айлантиришин ва уларни (Фиръавн мулкининг) ворислари қилишини истаймиз»

[Қасос 5] □

## НУСРАТ ТАЛАБ ҚИЛИШДА НИМА УЧУН ҚҰШИНЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНИШИ ВА КУЧ-ҚУДРАТ ЭГАЛАРИ ҮЙФОТИЛИШИ КЕРАК?

М. Мусо Абдушшакур – Халил

Мұсулмонлар аянчли түрмуш шароитларини бошдан кечираётган бир пайтда... шунингдек, Аллоҳга, Унинг Росули ва динига хиёнат қилған, Уммат масалаларини сотған ҳұммдорлар ҳаддан ташқари малайлик ботқоғига боттан лаҳзаларда... биз Умматда ўзgartириш ғояси пишиб етилганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу ғоя унинг умумий талаби ва умидига айланди. Уммат бундай шароитларни ўзgartириб, ўзининг аввалги улуғворлигини қайта тиклаш учун бир қанча уринишларни амалга ошириди. Бироқ у бугунги кунгача истаганига эриша олмади ва бу уринишларнинг тўлови унга оғир бўлди. Уммат орасидан қуролли гуруҳлар чиқиб, агрессор давлатларга қарши жангга кирди. Бу гуруҳлар баъзида ҳужум қилса, баъзида чекинди. Улар томонидан душманнинг ҳарбий техникалари портлатилди, аскарлари ўлдирилди. Бироқ, бу уринишлар душманни янада ғазабга миндириб, уни мұсулмонларга қарши жиноятларини ва азоб-үқубатларини кучайтиришга унлади. Охир оқибат қуролли гуруҳлар кўзлаган мақсадига эриша олмадилар... Уммат қўзғолонларида ҳам айни шу ҳол такрорланди. Воқеликни ўзgartириш умидида миллионлаб одамлар кўчага чиқди. Ҳұммдорлар эса уларни аямай ўлдириди, қувғин қилди, қамоққа олиб қийноққа солди ва турли чекловларни жорий қилди. Бунинг натижасида одамлар ўзлари истаган ўзgartиришни амалга ошира олмаётгандарини ва нимадир етишмаётганини ҳис қилишди... Ҳұммдорлар реакцияси бутун халқлар учун фожиага айланди. Умматнинг асосий талаби ва мақсади Ислом бошқарувини қайта барпо этиш бўлгани учун оммавий ахборот воситалари эътибори Ислом бошқарувини ва уни барпо этиш учун фаолият олиб борувчиларни обрўсизлантиришга қаратилди. Умматга нисбатан бу қаршиликларни парда ортидан бошқараётган Ғарб бўлиб, ҳұммдорлар унинг қўлидаги заҳарли ханжар эканлиги ҳеч кимга сир эмас эди.

Бизнинг ушбу мақоламизда армияларнинг Ўзгартириш амалиётидаги роли ҳақида гап боради. Ўзгартириш учун қуролли ҳаракат олиб бориш услугбини танлаган гуруҳлар армияларга мутлақо салбий кўз қарашда қарадилар. Ҳұммдорларга қандай муносабатда бўлсалар, армияларга ҳам душман сифатида муносабатда бўлдилар ва бунга Аллоҳ Таолонинг қўйидаги оятини далил қилдилар:

﴿إِنَّ فِرْعَوْنَ وَهَامَانَ وَجُنُدُهُمَا كَانُواْ خَطِئِينَ﴾

«Албатта Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашкарлари хато қилгуевчи бўлдилар» [Қасос 8]

Қўзғолонларга келсак, уларда бутун эътибор ҳұммдорларни қулатишига қаратилди-ю, аммо бу ишда армиялар ёрдамига таяниш

кераклиги ҳисобга олинмади. Ҳақиқат шундаки, үзгартериш амалиёти куч-қудратга мұхтож. Мудом, үзгартериш амалиёти шариатта мувофиқ бўлиши керак экан, демак қуролли кучдан фойдаланиш ҳам шариат асосида бўлиши лозим. Хўш, биз үзгартериш амалиётида қандай қилиб ҳарбий кучдан шаръий асосда фойдаланишимиз керак?

Мавзуга киришишдан олдин үзгармас ҳақиқат олдида тўхталиб ўтиш лозим. Бу ҳақиқат шуки, ҳар қандай давлатда армияларнинг роли давлатни ташки тажовуздан ҳимоя қилиш ва давлат ичкарисида хавфсизликни таъминлашдир. Бошқарув иши унинг роли доирасига кирмайди. Чунки армиялар бошқарувга лаёқатли эмас. Армия зобитлари одатда кучга таянади ва доим ғалаба қилишга интилади. Фуқароларнинг ишларини бошқариш ва сиёsat юритиш ҳақида бош қотирмайди. Армия конституцион тузумни ҳимоя қилади ва одатда сиёсий раҳбариятнинг бўйруқларини бажаради...

Армияларга боғлиқ навбатдаги ҳақиқат шуки, армиялар бугунги кунда мунтазам бўлиб, бўлинмаларга бўлинган ва ҳар бир бўлинма ҳарбий ишларда ўз ихтисослигига эга. Бу бўлинмаларнинг ҳар бири ўз ихтисослига кўра қуроллантирилади, маблағ билан таъминланади ва машғулотдан ўтказилади. Уларнинг ҳарбий режалари ҳам ихтисосига қараб тузилади. Бундай армияларга қарши курашаётган қуролли гурӯҳлар бошқа малай давлат ва режимлардан ёрдам сўрашга мажбур бўладилар. Охир оқибат ўзлари қарши курашаётган режимлардан ёмонликда кам бўлмаган малай режим ва давлатларнинг тузоғига илинадилар.

Бу ерда армияларга боғлиқ бошқа ҳақиқат ҳам бор. Бу ҳақиқат шуки, бугунги армиялар сафидаги аскар ва зобитлар мусулмонлардир. Уларни ҳукмдорлар билан бир сафга қўйиб, уларга Умматнинг душманлари деган эътиборда қарамаслик керак. Улар ҳам Ислом Умматининг бир бўллаги бўлиб, уларнинг орасида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам бор. Умматга етган яхшилигу-ёмонлик уларга ҳам етади. Ҳаётимизда ўзгаришларни амалга ошириш биз учун қийин бўлганидек, армияда ўзгаришларни амалга ошириш улар учун ҳам қийин. Ҳукмдорлар хиёнатини биз қандай ҳис қилсан, улар ҳам шундай ҳис қиладилар. Армиялардаги аскар ва зобитлар ҳам эҳтиросли туйғуларга эга. Улар ҳам душмандан халос бўлишни ва уларга қарши жиҳод қилишни истайдилар. Ҳукмдорлар улардан ва уларнинг инқилоб қилишидан қўрқишиади. Шунинг учун ҳам ҳукмдорлар ўзларига ўхшаган хоин зобитларни юқори лавозимларга тайинлашади. Албатта бундай хоин зобитлар ўз садоқатини пўлга сотади ва Умматга қарши урушда душман билан бир сафда туради. Шу боис, биз учун муаммо бўйруқ берувчи хоин армия қўмондонлари ва улар эга бўлган сақофатдир. Чунки улар Исломга душманлик қилиш, унга қарши курашиш, ҳукмдорларга садоқатли бўлиб, уларнинг тахтини ва Сайкс-Пико чегараларини ҳимоя қилиш асосида

тарбияланишган. Шундан аён бўладики, мусулмонлар масалаларига ёрдам бериш учун армияларнинг ҳаракатга келмаслигига сабаб мусулмонларни ўлдиришни ёки қуфрни яхши кўриш эмас. Аксинча, бунинг сабаби Ислом Уммати вакилларида қўрқув бўлгани каби, уларда ҳам қўрқувнинг мавжудлигидир. Уларнинг катта қисми, худди оддий мусулмонлар каби, ҳукмдорларни йўқ қилишни ва кофириларга қарши курашишни астойдил хоҳлайди. Шунинг учун биз айтамизки, армиялардаги ҳар бир зобит ва ҳар бир аскар, агар улар мусулмонларга қарши турсалар, ҳукмдорларнинг жиной буйруқларини бажарсалар, ҳукмдорларга ҳокимиятларини сақлаб қолишида ёрдам берсалар, гарчи бунга мажбурланган бўлсалар ҳам Аллоҳнинг олдида сўраладир...

Гап шундаки, армиялардаги аскар ва зобитлар кофир эмас. Агар ҳукмдорлар қалбида Исломга нисбатан нафрат бўлса, бу аскар ва зобитлар қалбида ҳам нафрат бор, дегани эмас. Аксинча, уларни Исломга ёрдам беришга ва Халифаликни барпо этишга чақириш керак. Ҳукмдорлар армиянинг уларга қарши инқилоб қилишларидан қўрқишиади. Шунинг учун улар томонидан ўзларига зарар келмасин деб, уларнинг устига ўз айғоқчиларини қўяди. Агар биз уларни ҳукмдорлар сафига қўшиб қўйсак, ҳукмдорларга катта хизмат кўрсатган бўламиз.

Ўзгартириш амалиётида куч ишлатиш ва армиялардан ёрдам сўраш ҳақида шариат нима дейди? Бу саволнинг жавоби аввал изланиши, жавоб топилгач, ўша жавоб асосида нусрат талаб қилиниши лозим. Росууллоҳ ﷺ куч эгаларидан ёрдам сўрадилар. Аллоҳ уларни Қуръонда зикр қилди ва уларни мақтади. Шариат уларга Ислом давлатини барпо этишда ҳам, кейинги жиҳодда ҳам ҳал қилувчи ролни берди. Ҳар икки ҳолатда ҳам уларга юксак ажр ваъда қилинди. Бу ажрнинг қанчалик юксаклигини фақат Аллоҳ билади.

Агар биз ушбу воқеликдан келиб чиқсак, нусрат талаб қилишда шаръий ҳукмни қўллаймиз. Чунки Росууллоҳ ﷺ:

«مَنْ يَنْصُرِيْ حَتَّىٰ أَبْلَغَ عَنْ رَبِّيْ؟»

«Ким менга Роббимнинг буйруғини етказишим учун ёрдам беради», дея куч эгаларидан ёрдам сўрадилар. Бу билан, қувват қаерда бўлиши, нусратнинг ҳақиқий маъноси ва уни кимдан талаб қилинишини баён қилиб бердилар. Аллоҳ Таоло агар мусулмонлар қувват аҳлидан динлари борасида ёрдам сўрасалар уларга ёрдам беришга буюрди.

﴿وَإِنْ أَسْتَنْصَرُوكُمْ فِي الَّذِينَ قَعَدَيْكُمُ الظَّرْرُ﴾

«Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зиммангиздадир» [Анфол 72]

Росууллоҳ ﷺ динни ҳаётда татбиқ қиласлигига сабаби ажрни барпо этиш учун нусрат талаб қилдилар. У зот ﷺ фақат ўзи ва мўминларни ҳимоя қилиш учунгина ёрдам сўрамадилар... Ҳа, нусрат

фақат Исломга киришлари учунгина сўралмаган эди. Аксинча, Росууллоҳ ﷺ ёрдам сўраган қабилалар масала бир вужуд тиклаш эканини, уруш ва давлатга алоқадорлигини тушунишган эди. Зеро, Бану Омир ибн Саъда Росууллоҳ ﷺдан: «Агар биз шу иш устида сенга байъат қилсан, сўнгра Аллоҳ сени душманларинг устидан ғолиб қилса, ҳукмронлик сендан кейин бизнинг қўлимизда бўладими?», деб сўради. Росууллоҳ ﷺ:

«الْأَمْرُ إِلَى اللَّهِ يَضَعُهُ حَيْثُ يَشَاءُ»

«**Бу иш Аллоҳнидири, уни хоҳлаганига беради**», дедилар. Шунда улар: «Сен ўзингдан олдин арабларга бизни нишон қилмоқчимидинг? Аллоҳ сени ғолиб қилсао ҳукмронлик биздан бошқаларники бўлса, сенинг бу ишингга бизнинг эҳтиёжимиз йўқ», деб юз ўгиришди. Бошқача айтганда, улар Росууллоҳ ﷺнинг давлат барпо этиш учун ёрдам сўраётганини билишган эди. Шунинг учун Росууллоҳ ﷺдан кейин ҳукмрон бўлишни хоҳлашди. Росууллоҳ ﷺ Бану Шайбондан ёрдам сўраганларида улар бу ҳукмронлик ҳамда араб ва ажамларга қарши жиҳод эканини тушунишди. Шунинг учун улар арабларга қарши урушга рози бўлиб, форсларга қарши урушдан бош тортдилар... Чунки масала ҳукмронлик ва ҳокимият ҳақида эди. Аниқки, бу қабилалар Росууллоҳ ﷺ улардан ёрдам сўрар экан, улардан ҳукмронликни топширишларини сўраётганини тушунишди. Росууллоҳ ﷺ уларнинг мана шу тушунчаларини маъқуллаган эдилар.

Иккинчи Ақаба байъати Росууллоҳ ﷺ излаётган нусратнинг ҳақиқатини кўрсатиб берди. Чунки бу ерда ҳукмронликни топшириш сўралаётган эди. Уббода ибн Сомит айтади:

«دَعَانَا الَّهُ، فَبَأيْنَاهُ، فَقَالَ فِيمَا أَخَذَ عَلَيْنَا: أَنْ بَأيْنَاهُ عَلَى السَّمْعِ وَالظَّاعَةِ فِي مَنْشَطِنَا وَمَكْرُهِنَا، وَعُسْرَنَا وَيُسْرَنَا، وَأَثْرَةَ عَلَيْنَا، وَأَنْ لَا نُنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ إِلَّا أَنْ تَرُوا كُفُراً كَفُراً بَوَاحًا عِنْدَكُمْ مِنَ اللَّهِ فِيهِ بُرْهَانٌ»

«Набий ﷺ бизни даъват қилдилар. Биз у кишига байъат бердик. Биздан байъат олар экан, хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам, оғир кунларимизда ҳам, енгил кунларимизда ҳам, бошимизга нима келса ҳам қулоқ солиб, итоат этишга, ишни эгасидан талашмаслигимизга байъат беришимиизни айтиб, фақат агар очиқ куфрни кўрсангиз ва сизда бу ҳақда Аллоҳдан аниқ ҳужжат бўлса, (шундагина ҳокимиятни талashiшингиз мумкин), дедилар». Бухорий ривояти. Росууллоҳ ﷺнинг

«بَأيْنَاهُ عَلَى السَّمْعِ وَالظَّاعَةِ... وَأَنْ لَا نُنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ»

«Эшитиб итоат этишга... ишни эгасидан талашмаслигимизга байъат бердик», деган сўзларидан бу ерда масала Пайғамбар бўйруғига эмас, балки ҳукмронлик ва ҳокимиятга алоқадорлиги кўринади. Бу нарса Саъд

Шунинг жавобидан ҳам билинади. Зеро у: Эй инсонлар бу одамга нима учун байъат берәётганингизни биласизми ўзи? – деб сўраган эди, улар: «Албатта» дейишиди. Саъд: «Сизлар унга инсонларнинг қизилу қорасига қарши жанг қилишга байъат бермоқдасиз. Аллоҳга қасамки, бу нарса араб ва ажамлар бир бўлиб сизларга қарши чиқишига олиб боради...», деди.

Исломий давлатни барпо этиш ва куч-қудрат эгаларига хитоб қилишда Росууллоҳ дан ибрат ва намуна олишимиз керак. Исломий давлат эшигини очадиган яхшилик калити бўлмиш ушбу фарзни тиклаш учун қувват аҳлига боғланишимиз лозим. Росууллоҳ ўн етти ёки ундан ҳам кўпроқ марта ушбу фарзни амалга ошириш учун ҳаракат қилдилар. Шунинг учун мусулмон юртларда қувват аҳлидан ёрдам сўрашни тўхтатмаслик ҳамда бунда сон-саноқ ва рўйхатга эътибор бермаслик лозим. Аксинча, иш мақсад амалга ошгунича ва Умматнинг ҳаётдаги ўз ролини бажариши олдидаги тўсиқлар йўқолгунинга қадар давом этиши керак. Умматнинг ҳаётдаги роли даъват ва жиҳод орқали одамларни оламлар Роббиси бўлган Аллоҳга ибодат қилишга чақириш ва бу йўлдаги барча тўсиқларни йўқ қилишdir.

Қувват ва ҳимоя аҳли ушбу фарзни амалга ошириш ва шу ишга ҳаракат қилаётганларнинг Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишларига имконият яратиб бериш ҳамда жиҳод қилиш ва душманни қўрқитиш каби ишлардан жавобгар эканликларини яхши англашлари лозим... Шунингдек, улар ҳукумат аҳли эмас, балки уруш аҳли эканини ва Халифаликни барпо этиш вазифаси уларнинг бўйнида эканини яхши англашлари лозим. Чунки Халифалик барпо этилгач уларга яна ҳам қийинроқ ва машаққатлироқ бўлади. Бу ерда масала ким бошқариши ҳақида эмас, балки Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан бошқариш вожиблиги ҳақидадир. Ҳизб ут-Тахрир ҳокимииятни хоҳламайди, унда ҳуқмронлик қилиш истаги йўқ. Агар шундай бўлганида бундай қийин йўлга, Яъни Росууллоҳ йўлига юргмаган бўлар эди. Шунингдек, шунчалик сабр қилмаган ва тоғлар ҳам кўтара олмайдиган юкларни кўтартмаган бўлар эди. Балки савдолашиб, сотган ва сотиб олган бўлар эди. Лекин у Аллоҳга ва у зотнинг ваъдасига ишонади. Ҳизб ва унинг аъзолари Росууллоҳ :

«مَنْ تَكُونُ خَلَفَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبِيِّ»

«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади», деб башорат қилган ва охири замонда бўладиган иккинчи рошид Халифалик барпо этилишини ва бу иш уларнинг қўлида бўлишини жуда хоҳлайдилар. Улар учун бундан ҳам ортиқ шараф борми?!

Барча аломатлар охири замонда бўладиган Халифаликнинг яқин орада барпо этилишидан далолат бермоқда. Уммат эса, ўз вазифасини бажаришга тайёр. Farb фақат ёмонликни пайдо қиладиган ҳамда

адашиш ва адаштиришни тарқатадиган ҳазорати билан қуролланмоқда. Шунинг учун биз унга чек қўйишимиз лозим... Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни барпо этиш учун фаолият қилаётгандарга муваффақият бўлсин.

Мустамлакачи коғир Ғарб қувват аҳлининг Аллоҳнинг динига ёрдам беришидан қўрқади. Унинг қўрқуви бежиз эмас, чунки у уларнинг етакчилари устидан ҳукмрон бўлса ҳам уларга ишонмайди. Шунинг учун уларни Аллоҳнинг динига ёрдам беришидан қайтариш мақсадида уларга жосусларини тайинлади. Шунингдек, ахборот воситалари орқали уларни тўғри йўлдан буради. Натижада улар ботилга ёрдам бериб, ҳақиқатга қарши курашишади. Шунинг учун Ғарб хабарсиз қолиб, мусулмонлар ўз давлатларини барпо этишларидан қўрқади. Чунки у қайси томондан унга қарши чиқишларини билмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, Аллоҳ ўз пайғамбарларига ваъда берганидек, биз Аллоҳнинг ваъдасига ишонамиз.

Хотима сифатида айтамизки: Қувват аҳлида кўп яхшиликлар бўлиб, ўзгартириш амалиёти уларсиз бўлмайди. Аллоҳ Таоло мусулмонларга зафар бўлишини хоҳлаган кун нусрат аҳли мусулмонларнинг катта сонли армиясига қўшилади ва мусулмонлар халифаси уларни белгилаб қўйилган иш сари етаклайди. Шунда улар тортиб олинган Уммат ҳокимиятини қайта барпо қилишади. Ундан кейин мусулмонлар ва қувват эгаларини динга ёрдам бериш, давлатни ҳимоя қилиш ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш каби кўп вазифалар кутиб турибди...

Армиялар Исломий Уммат учун катта улкан бойлиkdir. Шунинг учун уларни хоин етакчилардан тозалаш лозим. Агар қувват эгалари Ислом давлатини барпо этиш орқали динни ўрнатиш Ислом ва мусулмонларни азиз қиласидиган ҳамда Аллоҳнинг розилигига сабаб бўладиган шаръий вожиб эканини англаб етсалар, бу йўлда ўзларини қурбон қиласидилар ва гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини қўйиб ўзгаларни ийсор-ихтиёр қиласидилар... Аллоҳнинг изни билан яқинда Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик қайта барпо этилади. Шунингдек, яқинда ансорлар чиқиб, нусрат берадилар, ҳукмронлик мусулмонларга ўтади ва жиҳод бошланади. Ана ўшанда барча мусулмонлар: Аллоҳ ва Росули нақадар тўғри сўзлагувчидир дейдилар.

«مَنْ تَكُونُ خَلَفَةً رَاشِدَةً عَلَى مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ»

«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик бўлади». □

**УММАТ ҲОКИМИЯТИНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ РЕЖИМЛАРНИ ҚҰЛАТИБ,  
ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИНИ БАРПО ЭТИШ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШАДИ**

**Мұхандис Носир  
Ваҳон Лаҳабий – Яман**

Бир неча асрлар ҳукмронлик қилиб келган Усмоний давлатдаги энг сүнгги халифа 1924 йилда құлатилғанидан кейин Уммат ҳокимиятини йүқотди. Айтиб ўтиш лозимки, Халифалик давлатида ҳокимият шариат томонидан Умматта унинг шаръий ҳуқуқларидан бири сифатида берилған. Ҳокимиятнинг Уммат қўлида бўлиши ҳокимият устидаги сиёсий кураш натижасида бўлмаган. У ҳукмдор билан халқ ўртасидаги мувозанатни сақлаш учун конституция томонидан кафолатланган сайлов ҳуқуқи ёки демократиядагидек конституциявий ҳуқуқ ҳам эмас. Ҳокимиятнинг Уммат қўлида бўлиши шаръий аҳкомдир. У жамоат ҳуқуқлари, байъат ҳуқуқи, шунингдек, муҳосаба, шаръий ҳукмдорга итоат қилиш ва ҳокимиятни босиб олган зўравонга итоат қилмаслик ҳуқуқи каби шаръий аҳкомларга асосланади. Агар ҳокимиятни босиб олган зўравон ҳокимиятдан кетишдан бош тортса ёки Умматдан байъат талаб қилиш орқали босқинчilikни тузатишни рад этса, унга қарши жанг қилиш вожиб бўлади. Агар Уммат унга байъат берса, ҳокимият Умматта қайтган бўлади ва агар байъат беришни рад этса, бу ҳолда ҳам ҳокимият унинг қўлига қайтади. Чунки ўз ҳукмдорини тайин этиш шаръан Умматнинг ҳуқуқидир.

Байъат бериш, шўро ва итоат қилиш далиллари, шунингдек, очиқ куфрни зоҳир қилган ҳукмдорга қарши чиқиш аҳкомлари ва ундан бошқа аҳкомлар Қуръонда тўлиқ келган. Улар Набий ﷺ суннатлари ва У зотнинг сийратларида ҳам очиқ ойдин зикр қилинган. Бу аҳкомлар Росууллоҳ ﷺдан кейинги рошид халифалар даврида ҳам очиқ татбиқ этилган. Аллоҳ Таолони рози қилиш ҳамда ҳокимиятнинг Уммат қўлида сақланиб қолишини кафолатлаш учун бу аҳкомлар мусулмонларнинг ҳамма даврида энг гўзал суратда татбиқ этилиши вожиб. Чунки ҳокимият (салтанат) Умматнинг қўлида бўлиши керак ва агар у бу масалада хатога йўл қўйса қиёмат куниди Аллоҳнинг олдида жавоб беради. Шунинг учун Уммат байъат бериш ва муҳосаба қилишда ўз ҳуқуқини сақлаб қолиши, шунингдек, итоат қилиш, қўллаб-қувватлаш ва садоқатли бўлишда ўз бурчини адо этиши лозим...

Уммат ҳокимияти масаласида Ислом бошқарувининг турли даврларида тойилишлар юз берди. Тойилишларнинг биринчиси бошқарувни мерос қилиб қолдириш масаласи эди. Бугунги кунда Уммат Аллоҳ нозил қилган аҳкомларга асосланган бошқарувни барпо этиши, шунингдек, шаръий далилларга асосланган қоидаларни ўрнатиш орқали ҳокимиятни қайта тиклаши лозим. Шунда «Хўжайнлик шариатга, ҳукмронлик эса Умматга тегишли» қоидаси Исломдаги бошқарув низоми

қоидаларидан бирига айланади... Шунингдек, Уммат ҳокимиятининг тортиб олинишини... ҳукмдорга байъат беришга мажбурланишини... қизиқтириш ёки қўрқитиш йўли билан иродаси сохталаштирилишини ёки ҳокимият давлат тўнташи ва босқинчилик билан эгаллаб олинишини кескин рад этиши лозим.

Мусулмон юртларда бошқарув жиловини ўз қўлига олган ва Умматнинг душмани бўлган кофир капиталистик Ғарб «Хўжайнлик шариатга, ҳукмронлик Умматга тегишли» деган қоиданинг кучини англаб етди. У исломий бошқарувнинг кучи ва бошқарув тизимининг сақланиб қолиши ҳокимиятни Умматга беришда эканини тушунди. Ғарб Умматнинг ҳокимиятни ўз қўлига олишига йўл қўймаслик учун режа ва услубларни ишлаб чиқди. Шунинг учун у сунъий ҳокимиятни (мусулмонларнинг бугунги кундаги ноқонуний ҳукмдорларини) пайдо қилди. Бундан мақсад, Умматни динга асосланган бошқарувдан узоқлаштириш ва уни душманларига хизмат қилдириш эди. Бугунги кунда Ғарб зўравон ҳукмдорларни Умматнинг бўйнига ўтқазиб қўйди. У шу ҳукмдорлар орқали юрту фуқарони бошқаришга... фикр ва сақофатларни ўзгартиришга... бойликларни талон-торож қилишга... ҳаётнинг ҳамма соҳаларида Умматни қолоқлаштиришга ва куч тўплашига йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқда... Ушбу сохта ҳокимиятни ҳимоя қилиш учун армияларни ва жамиятдаги таъсирли кучларни тайёрлади. Умматда «ҳокимият ўз қўлимизда, ҳукмдорни танлаш ва унга ҳокимият бериш ҳуқуқига эгамиз» деган тасаввурни пайдо қилиш учун ҳукмдорлардан ва уларнинг атрофидаги сиёсий доирадан ҳокимият вакилларини яратди.

Демак, тұғыр шаръий тушунчага күра, ҳокимият Умматтаға тегишилі бўлиб, Уммат номидан уни бошқарадиган ҳукмдорни унинг ўзи сайлайди. Бироқ коғир ғарб ўрнатган, динни ҳаётдан ажратиш мағкурасига асосланган воқелик шаръий тушунчага зиддир. Мана шундай воқелик қаршисида Аллоҳ Таоло Ўз инояти ила ер юзида Ислом ҳукмронлигини ўрнатиш учун шаръий далилларга асосланган программани қабул қилган ўғлонлар етишиб чиқишини Умматга насиб этди. Улар «Хизб ут-Тахрир» аъзоларидир. Хизб ут-Тахрир исломий ҳаётни қайта тиклашга, иккинчи рошид Халифалик давлатини барпо этиш орқали Аллоҳ Таоло нозил қилган аҳкомлар асосидаги бошқарувни ўрнатишга ҳаракат қиласи. Зоро, Халифалик давлатида ҳокимият Уммат қўлида бўлади. Халифалик Аллоҳ Таолонинг душмани бўлган салибчилар, сионистлар ҳамда уларга боғланган малай ва мунофиқларнинг тил бириктирувларига, шунингдек, уларнинг Исломни бошқарувдан четлатишга қаратилган барча режаларига якун ясайди.

Султон сўзининг араб тилидаги маъноси:

Султон сўзи куч билан кенгайган деган маънода бўлиб, қувват ва куч ишлатиш маъносини билдирувчи (سلط) сўзидан олинган. Демак султон куч, нуфуз, хукмронлик ва имконият деганидир. Уни хужжат маъноси

ҳам бор. Султон сўзи ҳоким, волий, халифа ва раис маъносида ҳам келган. سلطه عليه سلطان دеса үнга ҳокимият, куч ва қудрат берилди, деса имконият берди, ҳоким қилди, ҳукмрон қилди деган маънодадир. Султон иш ва нуфузли гап эгасидир, яна у гарчи подшоҳ бўлмаса-да қудрат эгасидир. Масалан, сени фалончидаги ҳаққимни олиш учун султон қилдим деганингиз каби. Шунингдек, ердан кўп фойдаланиб, унда турли манёврларни қилгани учун зийрак султон деб кўйишади. У яна ҳужжат маъносида ҳам келади. Масалан, Халифани султон эгаси, ҳужжат эгаси дейилади. Шунингдек, у билан ҳужжатлар ва ҳуқуқлар қоим бўлади дейилади.

Абу Бакр султон ҳақида икки хил фикр борлигини айтади: биринчиси унга ҳокимият (салтанат) берилгани учун султон дейилса, иккинчиси Аллоҳнинг ҳужжати бўлгани учун султон дейилади. Бу сўзни қўйидаги хадис ҳам кувватлади:

«السُّلْطَانُ ظَلَّ اللَّهُ فِي الْأَرْضِ يَأْوِي إِلَيْهِ كُلُّ مَظْلُومٍ مِّنْ عِبَادِهِ فَإِنْ عَدَلَ كَانَ لَهُ الْأَجْرُ»

«Султон Аллоҳнинг ердаги сояси бўлиб, Аллоҳнинг ер юзидағи барча мазлум бандалари унинг ҳузуридан бошпана топади. Агар у одил бўлса, унга ажр ёзилади»... Фароъ айтади: Султон музаккар ва муаннас бўлади, араблар уни ҳужжат дейишиади. Ким уни музаккар ўқиса, киши маъносини беради, ким муаннас ўқиса ҳужжат маъносини беради.... Султон яна ишни амалга оширувчи куч ёки қудрат маъносида ҳам келади.

## Султон сўзининг Қуръони Каримда келиши:

Султон сўзи Қуръони Каримнинг 39та жойида келган, икки ўринда эса феъл сийғасида келган. Улардан бири мана бу оят

وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَسَلَطُهُمْ عَلَيْكُمْ

«Агар Аллоҳ истаса әди, уларни сизлардан устун қилиб қўйған бўлар әди» [Нисо 90]

Иккинчиси мана бу оятдир.

وَلَا كِنَّ اللَّهَ يُسْلِطُ رُسُلَهُ وَعَلَىٰ مَن يَشَاءُ

«Лекин Аллоҳ Үз пайғамбарларини Үзи хоҳлаган кимсалардан (манас шундай) устун қилиб қўюр» [Ҳашр 6]

Үттиз етти ўринда исм сийғасида келган:

﴿أَتُجِدُ لُونَنِي فِي أَسْمَاءٍ سَمِّيَّهَا أَنْتُمْ وَعَابَوْكُمْ مَا نَزَّلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَنٍ﴾

**«У айтди: Энди устингизга Парвардигорингиз томонидан азоб ва ғазаб тушиши аниқ бўлди. Мен билан ўзингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган (бутларингизнинг номлари ҳақида баҳслашмоқчимисизлар? Ахир Аллоҳ (уларга ибодат қилиш ҳақида) бирон ҳужжат туширмаган-ку?!»** [Аъроф 71]

Агар султон сўзи келган оятларни ўрганадиган бўлсак, у икки хил маънода келган:

**Биринчиси: ҳужжат ва бурҳон маъносида:**

Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿قَالُوا أَنْخَدَ اللَّهُ وَلَدًا سُبْحَانَهُ وَهُوَ الْعَظِيْمُ لَهُ وَمَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ إِنْ عِنْدَكُمْ مِنْ سُلْطَانٍ يَهْدِي أَتَقُولُونَ عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

««Аллоҳнинг боласи бор», дедилар. У зот (буларнинг бад гумонидан) мутлақо покдир. У беҳожатдир. Осмонлар ва ердаги бор нарсалар Уникидир. Сизларнинг ҳузурингизда бу түғрида (Яъни Аллоҳнинг боласи бор, деган) ҳеч қандай ҳужжат йўқ-ку! Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсангизни айтаверасизларми?» [Юнус 68]

Яъни сизларда бу ҳақда ҳужжат йўқ маъносида. Аллоҳ Таоло яна айтади:

﴿فُلِ إِنَّمَا حَرَمَ رَبِّ الْفَوْحَشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ وَإِلَّا ثُمَّ وَالْجَنَّى بِغَيْرِ الْحَقِّ وَأَنْ تُشْرِكُوا بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنَزِّلْ بِهِ سُلْطَانًا وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

«Айтинг: «Парвардигорим фақатгина ошкор ва яширин бузукликларни, (барча) гуноҳ ишларни, ноҳақ зулм қилишни ва Аллоҳга (шерик эканлигига) ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни Үнга шерик қилиб олишингизни ҳамда Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилган, холос»

[Аъроф 33]

﴿قَالَ قَدْ رَقَعَ عَلَيْكُمْ مِنْ رَبِّكُمْ رِجْسٌ وَعَصْبٌ أَتُجَدِلُونَ فِي أَسْمَاءِ سَمَيَّتُهَا أَنْتُمْ وَءَابَاؤُكُمْ مَا نَزَّلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَانٍ فَأَنْتُظِرُوْا إِنِّي مَعَكُمْ مِنَ الْمُنْتَظَرِينَ﴾

«У айтди: Энди устингизга Парвардигорингиз томонидан азоб ва ғазаб тушиси аниқ бўлди. Мен билан ўзингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган (бутларингизнинг номлари ҳақида баҳслашмоқчимисизлар? Ахир Аллоҳ (уларга ибодат қилиш ҳақида) бирон ҳужжат туширмаган-ку?! У ҳолда (Аллоҳнинг азобига) кўз тутаверинглар, мен ҳам сизлар билан бирга кутувчиларданман»

[Аъроф 71]

Яъни Аллоҳ Таоло сизларнинг илоҳларга ибодат қилишингизда сизлар ҳужжат қиласидиган бирор ҳужжат нозил қилмаган ёки бирор узр юбормаган маъносидадир. Чунки ибодат зарар ва фойда берадиган, итоат этгани учун савоб берадиган, маъсиятга эса азоб берадиган, ҳамда ризқ бериб, уни тортиб оладиган зотга қилинади. Аллоҳ Таолонинг:

﴿هَلَكَ عَنِ سُلْطَانِيَّةٍ﴾

«Бурҳон-ҳужжатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!»

[Ал-Ҳаққо 29]

ояти мана шу қабилдан бўлиб, у ҳақда Ибн Аббос: Ҳужжатим йўқ бўлиб кетди маъносида деган. Аксар саҳобалар ҳам бундай дейишган. Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مُوسَى بِآيَاتِنَا وَسُلْطَانٍ مُّبِينٍ﴾

**«Дарҳақиқат, Мусони ўз оят-мўъжизаларимиз ва очиқ ҳужжат билан юбордик»** [Худ 96]

оятининг маъноси очиқ ҳужжат. Яъни асо билан юбордик деганидир. Баъзилар асо ва бошқа мўъжизалар билан юбордик маъносида дейишган.

**Иккинчиси: Ҳукмронлик ва куч ишлатиш:**

Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَمَا كَانَ لَهُ وَعَلَيْهِمْ مِنْ سُلْطَنٍ﴾

**«(Иблиснинг) улар устидан ҳукмронлиги бўлмаган»** [Сабаъ 21]

Яъни иблис улардан ўзи хоҳлаётган нарсада уларга ҳукмронлик бўлмаган эди маъносидадир. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَمَا كَانَ لِي عَلَيْكُمْ مِنْ سُلْطَنٍ إِلَّا أَنْ دَعَوْتُكُمْ فَأَسْتَجَبْتُمْ لِي فَلَا تَلُومُنِي وَلَوْمُوا نَفْسَكُمْ﴾

**«(Лекин) мен учун сизларнинг устингизда ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди, илло мен сизларни (куфр йўлига) чақиришим биланоқ ўзингиз менга итоат этдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз»** [Иброҳим 22]

Яъни менда сизларни дунё ҳаётида куфр ва залолатга мажбурлайдиган куч-қудрат ва ҳукмронлик йўқ эди. Лекин мен сизларни куфрга чақирдим ва гуноҳларни зийнатли қилиб кўрсатдим. Сизлар эса менга шошилиб эргашдингиз. Энди адашганингиз учун мени эмас, ўзингизни маломат қилинг. Чунки шу маломатга лойиқ деган маънодадир. Аллоҳ Таолонинг

﴿لَا تَنْفُذُنَ إِلَّا بِسُلْطَنٍ﴾

**«Сизлар фақат куч-қудрат билангина ўта олурсизлар»** [Роҳман 33] ояти ҳақида Ибн Аббос Менинг ҳукмронлигим ва куч-қудратимдан чиқиб кета олмайсиз маъносида, деган. Замахшарий

﴿إِلَّا بِسُلْطَنٍ﴾

**(Фақат куч-қудрат билангина)** ояти ҳақида куч-қудрат ва ғолиблик билан маъносида деган. Бағавий: Султон ишга ҳукмронлик қилувчи куч маъносида деган. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَمَنْ قُتِلَ مَظْلُومًا فَقَدْ جَعَلْنَا لَوْلَيْهِ سُلْطَنًا فَلَا يُسْرِفُ فِي الْقَتْلِ﴾

**«Кимки мазлум бўлган ҳолида (Яъни ноҳақ) ўлдирилса, биз унинг эгаси-вориси учун (қасос олишга) салтанат-ҳуқуқ бергандирмиз. Бас, у (қотилни) ўлдиришда ҳаддан ошмасин»** [Исро 33]

Яъни иш устидан куч ва қудратни унга бердик, хоҳласа ўлдиради, хоҳласа кечирада, хоҳласа ҳунини олади. Ибн Аббос бу ҳақда: Ҳеч ким уни ўлдириш ҳуқуқини ишлатишга мажбурлай олмайди маъносига деган. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿إِنَّمَا لَيْسَ لَهُ وَ سُلْطَنٌ عَلَى الَّذِينَ ءَامَنُوا وَ عَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿ إِنَّمَا سُلْطَنٌ عَلَى الَّذِينَ يَتَوَلَُّونَهُ وَ الَّذِينَ هُمْ بِهِ مُشْرِكُونَ ﴾

**«Албатта, имон келтирган ва ёлғиз Парвардигорларига таваккал қиласидиган зотлар устидаги (шайтон) учун ҳеч қандай салтанат-ҳуқмронлик йўқдир. Унинг (шайтоннинг) ҳуқмронлиги фақат (уни) дўйст тутуб, (Аллоҳ)га шерик қилиб оладиган кимсалар устидадир»**

[Наҳл 100]

оятидаги султон йўқ дегани куч ва йўл йўқ деган маънодадир.

Хулоса шуки, (султон) сўзи Қуръони Каримда ҳужжат, далил ва бурҳон маъносига, айрим ўринларда эса куч-қудрат ва ҳуқмронлик маъносига келган. Лекин бу сўз Қуръонда ҳоким ва иш бошқарувчи маъносига келмаган.

#### **Султон сўзининг Пайғамбаримиз суннатидаги маъноси:**

Султон сўзи Пайғамбаримиз суннатида ҳоким, волий ва раис маъносига келади. Султон Аллоҳнинг ердаги сояси дейилади. Яна Аллоҳнинг султон ва ҳужжати дейилади. Ҳадисларда Аллоҳ Таоло уламоларни султонлар ҳузурига келишдан қайтаради ҳамда султонлар нуфуз, қудрат ва бойлик эгаси бўлгани учун улар билан бирга бўлиш, уларни мақташ, ишларини чиройли қилиб кўрсатиш ва уларга ёқадиган фатволарни беришни тақиқлайди.

Абу Довуд ва Байҳақий Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ бундай дейдилар:

«مَنْ بَدَا فَقَدْ جَفَّا، وَمَنْ إِتَّبَعَ الصَّيْدَ غَفَلَ، وَمَنْ أَتَى أَبْوَابَ السَّلَاطِينِ أُفْتِنَ، وَمَا إِزْدَادَ عَبْدًا مِنْ السُّلْطَانِ دُنُوا إِلَّا ازْدَادَ مِنْ اللَّهِ بُعْدًا»

**«Саҳрода яшаган одам (диний таълимотдан узоқлашгани сабабли) бетамиз-қўпол одам бўлиб кетади. Ким овга чиқиб, (кўп вақтини овлаш билан ўтказса) ғафлатда қолибди. Ким султонлар остонасига келса, фитнага йўлиқибди. Банда султонга қанчалик яқинлашса, шунчалик Аллоҳдан узоқлашади».** Ибн Адий Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ бундай дейдилар:

«إِنَّ فِي جَهَنَّمْ وَادِيًّا تَسْتَعِدُ مِنْهُ كُلَّ يَوْمٍ سَبْعِينَ مَرَّةً، أَعَدَ اللَّهُ لِلْفَرَّارِ الْمُرْئَاتِنَ بِأَعْمَالِهِمْ، وَإِنَّ أَبْغَضَ الْخُلْقِ إِلَى اللَّهِ عَالَمُ السُّلْطَانِ»

«Жаҳаннамда бир водий бўлиб, жаҳаннам ундан (яъни унга тушмаслиқдан Аллоҳдан) бир кунда етмиш марта паноҳ сўрайди. Аллоҳ уни ўз амалларида риё қиласидиган қори-илмилар учун тайёрлаб қўйган. Бандалар ичидаги энг Аллоҳга ғазаблироғи сарой уламосидир». Дайламий «Муснадул Фирдавс» китобида Абу Ҳурайрадан Росулуллоҳнинг бундай деганини ривоят қилган:

«إِذَا رَأَيْتَ الْعَالَمَ يُخَالِطُ السُّلْطَانَ مُخَالَطَةً كَثِيرَةً فَاعْلَمْ أَنَّهُ لِصٌّ»

«Агар олимни сulton билан кўп вақт аралашиб юрганини кўрсанг, билгинки у ўғридири». Термизий чиқарган ва саҳиҳ деган ҳамда Насоий ва Ҳоким чиқарган ва саҳиҳ деган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ айтади:

«سَيْكُونُ بَعْدِي أُمَّرَاءُ، فَمَنْ دَخَلَ عَلَيْهِمْ فَصَدَّقُهُمْ بِكَذِبِهِمْ وَأَعْنَاهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ فَلَيْسَ مِنِيْ وَلَسْتُ مِنْهُ، وَلَيْسَ بِوَارِدٍ عَلَيَّ الْحَوْضَ. وَمَنْ لَمْ يَدْخُلْ عَلَيْهِمْ وَلَمْ يُعْنِهِمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ وَلَمْ يُصَدِّقُهُمْ بِكَذِبِهِمْ فَهُوَ مِنِيْ وَأَنَا مِنْهُ وَهُوَ وَارِدٌ عَلَيَّ الْحَوْضَ»

«Мендан кейин амирлар бўлади, ким уларнинг олдига кириб, ёлғонларини тасдиқласа ва зулмига ёрдам берса, у мендан эмас ва мен ҳам ундан эмасман. Шунингдек, у менинг хавзимдан сув ичмайди. Ким уларнинг ҳузурига кирмаса, зулмига ёрдам бермаса ва ёлғонларини тасдиқламаса, у мендан ва мен ҳам унданман. Шунингдек, у менинг хавзимдан сув ичади». Ҳасан ибн Суфён ўзининг муснадида, Ҳоким ўзининг тарих китобида Абу Нуайм, Ақилий, Дайламий ва Рофиий ўзининг тарихида Анас ибн Моликдан Росулуллоҳ ﷺ бундай деганини ривоят қилишган:

«الْعُلَمَاءُ أَمْنَاءُ الرُّسُلِ عَلَى عِبَادِ اللَّهِ مَا لَمْ يُخَالِطُوا السُّلْطَانَ، فَإِذَا خَالَطُوا السُّلْطَانَ فَقَدْ حَانُوا الرُّسُلَ فَاحْدُرُوهُمْ، وَاعْتَرُلُوهُمْ»

«Уламолар модомики сultonларга аралашмас эканлар, пайғамбарларнинг Аллоҳ бандалари устидаги ишончли кишилариридир. Агар улар сultonларга аралашса, пайғамбарларга хиёнат қилибдилар. Ундан кишилардан эҳтиёт бўлинглар ва узоқ туринглар».

Ҳоким Абдуллоҳ ибн Ҳорисдан Росулуллоҳ ﷺ нинг бундай деганини ривоят қилган:

«سَيْكُونُ بَعْدِي سَلَاطِينُ، الْفِتْنَ عَلَى أَبْوَاهِمْ كَمَبَارِكِ الْأَبِيلِ، لَا يُعْطُونَ أَحَدًا شَيْئًا، إِلَّا أَخْدُوا مِنْ دِينِهِ مِثْلَهُ»

«Мендан кейин шундай султонлар бўладики, фитна – худди туялар чўқтириладиган жой каби – уларнинг эшиги олдида бўлади. Султонлар кимга бир нарса берса, унинг динидан худди шунча нарсани тортиб олади». Байҳақий Али ибн Абу Толибдан ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ  айтади:

«اتَّقُوا أَبْوَابَ السُّلْطَانِ»

«Султоннинг эшигига боришдан эҳтиёт бўлинглар». Зайд ибн Касиб Адавийдан ривоят қилинишича, у киши айтади: Абу Бакра  билан бирга Ибн Омир минбари остида эдик. У хитоб қилас экан, эгнида нафис либоси бор эди. Шунда Абу Билол: Амирилизга қаранглар, фосиқлар либосини кийиб олибди деган эди. Абу Бакра: жим бўл, чунки Росууллоҳ нинг:

«مَنْ أَهَانَ سُلْطَانَ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ، أَهَانَهُ اللَّهُ»

«Ким Аллоҳнинг ердаги султонини хорласа, Аллоҳ уни хорлайди», деганини эшитганман, деди. (Хизб ут-Таҳрир асосчи шайх Тақийюддин Набаҳонийнинг Исломда бошқарув низоми китобига ва Абдулқодим Заллумнинг 2002 йилдаги олтинчи босмасига мурожаат қилинг). Абу Мусо Ашъарий Росууллоҳ нинг бундай деганларини ривоят қилган:

«إِنَّ مِنْ إِجْلَالِ اللَّهِ تَعَالَى إِكْرَامَ ذِي الشَّيْبَةِ الْمُسْلِمِ، وَخَامِلَ الْقُرْآنِ عَيْرِ الْغَالِيِّ فِيهِ، وَاجْتَنَابَ عَنْهُ، وَإِكْرَامُ ذِي السُّلْطَانِ الْمَقْسِطِ»

«Аллоҳ Таолони улуғлаш оқсоқол мусулмонга ҳамда ғулу кетмаган ва чегарасидан ўтиб кетмаган қорига иззат-икром кўрсатиш билан, шунингдек, адолатли султонни ҳурмат қилиш билан бўлади». (Тақийюддин Набаҳонийнинг Исломий давлат китобига мурожаат қилинг. 1953 йил биринчи босма ва 2002 йил еттинчи босма, Байрут, Дорул Умма босмахонаси). Ҳузайфа ибн Ямон  айтади:

«مَا مَشَى قَوْمٌ إِلَى سُلْطَانِ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ لِيُذْلِلُوهُ إِلَّا أَذْلَمُهُمُ اللَّهُ قَبْلَ أَنْ يُمَوْتُوْا»

«Қайсики бир қавм Аллоҳнинг ер юзидағи султонини хорласа, Аллоҳ уларни ўлишидан олдин бу дунёнинг ўзида хор қилиб қўяди». Фузай ибн Иёз айтади: «Агар менинг дуойим ижобат бўлганида, имом учун дуо қилас эким. Чунки одамлар имом туфайли ислоҳ бўлади. Агар имом яхши бўлса, одамлар ва юртлар тинч бўлади». Саҳл ибн Абдуллоҳ раҳимаҳуллоҳ айтади: «Модомики одамлар султон ва уламоларни улуғлашар экан, яхшиликда бўладилар. Агар шу иккисини улуғласалар, Аллоҳ уларнинг дунё ва охиратини ислоҳ қиласди. Агар иккисини хорласалар, дунё ва охиратини бузади».

«Ҳўйжайнлик шариатга, ҳокимият эса Умматга тегишли» қоидаси

Исломий ақида мусулмонларга Аллоҳ ёлғиз ҳокимдир, буюриш ва қайтариш ҳамда ҳалол қилиш ва ҳаром қилиш ҳуқуқи фақат Уникидир

деб қатъий тасдиқлашни буюради. Шунингдек, ҳокимият Аллоҳники, хўжайинлик шариатники ва ҳокимият Умматники деган шубҳа аралашмайдиган эътиқодни фарз қилади. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ يَقْصُدُ الْحُقْقَ وَهُوَ خَيْرُ الْفَحْسِلِينَ﴾

«Хўкм қилиш фақат Аллоҳнинг йўзига хосдир. У фақат ҳақни сўйлар. У (ҳақ билан ноҳақни) ажратгувчиларнинг энг яхшиси дидир» [Анъом 57] Яратиш ва буюриш фақат Аллоҳга хосдир.

﴿أَلَا لَهُ الْحُكْمُ وَالْأَمْرُ﴾

«Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уницидир» [Аъроф 54]

﴿يُدَبِّرُ الْأَمْرَ يُفَصِّلُ الْآيَتِ لَعَلَّكُمْ بِلِقَاءَ رَبِّكُمْ تُوقَنُونَ﴾

«(Аллоҳ) барча ишнинг тадбирини қилур ва сизлар (қиёмат кунида унга) Парвардигорингизга рўбарў бўлишга имон келтиришингиз учун Ўз оятларини муфассал баён қилур» [Роъд 2]

Буюриш ва қайтариш ҳам фақат Аллоҳга хос. Инсонлар Аллоҳнинг шариати билангина ҳукм қила олурлар. Аллоҳнинг шариати эса Муҳаммад юборилган ваҳийидир.

﴿أَمْ لَهُمْ شُرَكَوْا شَرَعُوا لَهُمْ مِنَ الْدِيْنِ مَا لَمْ يَأْذِنْ بِهِ اللَّهُ﴾

«Балки улар учун Аллоҳ буюрмаган нарсаларни — «дин»ни уларга шариат қилиб берган шериклари — бутлари бордир?!» [Шўро 21] Аллоҳ изн берган нарса билангина ҳукм юритиш жоиздир.

﴿فَإِنَّهُ وَنَزَّلَهُ وَعَلَى قَلْبِكَ يٰيَاهُنَّ اللَّهُ مُصَدِّقاً لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَهُدَىٰ وَبُشْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ﴾

«Зоро у (Жаброил) Аллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги китобларни тасдиқ этадиган ва мўминларга ҳидоят ва хушхабар бўлган Қуръонни нозил қилди» [Бақара 97]

Барча амаллар Аллоҳнинг изни билан бўлади, бунда Аллоҳ мажбур эмас, аксинча, амаллар унинг илми ва амри билан бўлади. Унинг амрига хилоф иш тутиш жоиз эмас.

﴿الرَّ كَتَبَ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ لِتُخْرِجَ النَّاسَ مِنَ الظُّلْمَتِ إِلَى النُّورِ يٰيَاهُنَّ رَبِّهِمْ إِلَى صِرَاطٍ

﴿الْعَرِيزِ الْحَمِيدِ﴾

«Алиф, Лом, Ро. (Эй Муҳаммад, бу Қуръон) Биз сизга, одамларни Парвардигорларининг изни-иродаси билан зулматлардан нурга — қудрат ва ҳамду сано эгаси бўлган зотнинг ўйлига — олиб чиқишингиз учун нозил қилган Китобдир» [Иброҳим 1]

Аллоҳ Таолога мутлақ итоат қилиш У Зотнинг амри ва ҳукмига биноан бўлади. Бизнинг кимга итоат қилишимиз ва кимга қилмаслигимиз ҳамда кимга итоат қилиш вожибу кимга итоат қилиш ҳаромлигини Аллоҳ белгилайди. Аллоҳ Таоло ўзига итоат қилишдан ташқари яна кимларга

итоат қилиш кераклигини белгилаб қўйган. Чунки Аллоҳдан бошқасига бўлган итоат мутлақ эмас, балки муқайяд ва шартлидир. Масалан пайғамбарларга итоат қилишга буюриб, бундай дейди:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِن رَّسُولٍ إِلَّا لِيُطَعِّمَ بِإِذْنِ اللَّهِ﴾

«Биз қай бир пайғамбарни юборган бўлсак, фақат Аллоҳнинг изни-уродаси билан унга итоат қилинсин, деб юборганмиз» [Нисо 64]

Мұхаммад ﷺ га итоат қилиш борасида эса бундай дейди:

﴿وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَاحْدُرُوا إِنَّ تَوْلِيهِمْ فَاعْلَمُوا أَنَّمَا عَلَى رَسُولِنَا الْبَلْغُ الْمُبِينُ﴾

«Аллоҳга итоат қилингиз, пайғамбарга бўйсунингиз ва (ҳаромдан) эҳтиёт бўлингиз! Агар (итоатдан) бош тортсангиз, билингизки, пайғамбаримиз зиммасида фақат (бизнинг ҳукмларимизни) очиқ-равшан қилиб етказиш бор, холос» [Моида 92]

Қўйидаги оят билан буни таъкидлайди:

﴿مَن يُطِعِ الرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ وَمَن تَوَلَّ فَمَا أَرْسَلْنَاكَ عَلَيْهِمْ حَفِظًا﴾

«Кимки Росулга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди. Кимки юз ўгирса, бас, Мен сизни улар устидан жавобгар қилиб юбормаганман» [Нисо 80]

Росулуллоҳ ﷺ эса ўз ўрнида сultonга итоат қилишга буюрганлар. Чунки сulton шаръий иш эгаси бўлиб, Аллоҳнинг китоби ва Росулининг суннатига мувофиқ ҳукм юритиш, ичкарида Исломни татбиқ қилиш, даъват ва жиҳод орқали Исломни рисолат сифатида оламга олиб чиқиш борасида шаръий йўл билан байъат қилингандир. Бошқача айтганда, сultonга итоат қилиш учун уч иш бўлиши лозим: (байъат, Ислом билан ҳукм юритиш ва инъиқод шартлари). Аллоҳ Таоло Султонга бўлган итоатни Аллоҳга бўлган итоатга тенглаштириди.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا أَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولَئِكَ الْمُرِّمُونَ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (Яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз!»

[Нисо 59]

Кофир ва золим сultonга итоат қилишни эса енгилтаклик деб ҳисоблади.

﴿فَاسْتَحْفَفْ قَوْمَهُ وَفَاحْلَاعُوهُ إِنَّهُمْ كَانُوا قَوْمًا فَسِيقِينَ﴾

«Бас, у ўз қавмини тезлатган эди, улар унга итоат этдилар. Дарҳақиқат улар фосиқ қавм эдилар» [Зухруф 54]

Аллоҳ Таоло ота-онага бўлган итоатни Аллоҳга бўлган итоатга тенглаштириди.

﴿وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَنَا﴾

**«Аллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар!  
Ота-онангизга яхшилик қилингиз!»** [Нисо 36]

Аёлни ўз эрига итоат қилишга буюрди ва буни ҳам ўзига бўлган итоатга тенглаштириди. Ибн Ҳиббон Абу Ҳурайрадан қилган ривоятда Росууллоҳ бундай дедилар:

«إِذَا صَلَّتْ الْمَرْأَةُ حَمْسَهَا، وَصَامَتْ شَهْرَهَا، وَحَفِظَتْ فَرْجَهَا، وَأَطَاعَتْ رَوْجَهَا، قِيلَ لَهَا: ادْخُلِي  
مِنْ أَيِّ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ شِئْتِ»

«Агар аёл беш вақт намоз ўқиса, рамазон рўзасини тутса, номусини сақласа ва эрига итоат қилса, унга жаннатга хоҳлаган эшиқдан кир, дейилади».

Аллоҳ Таоло кофир ва мунофиқларга итоат қилишдан қайтарди ва бу ишни тақиқлади.

﴿يَأَيُّهَا الَّذِي أَتَقَ اللَّهَ وَلَا تُطِعِ الْكَفَرِينَ وَالْمُنَافِقِينَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْمًا حَكِيمًا﴾

«Эй Пайғамбар, Аллоҳдан қўрқинг ва кофир, мунофиқ кимсаларга бўйсунманг! Албатта Аллоҳ билгувчи ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир» [Аҳзоб 1]

Шунингдек, гуноҳкор ва фаҳш ишлари билан шуғулланадиган кишиларга итоат қилишдан қайтарди.

﴿فَلَا تُطِعِ الْكَفَرِينَ وَجَاهِهِمْ بِهِ جِهَادًا كَيْرًا﴾

«Бас сиз кофир кимсаларга итоат қилманг ва унинг (Қуръоннинг) ёрдамида уларга қарши қаттиқ жиҳод қилинг!» [Фурқон 52]

Кофир, золим, фосиқ, осий сultonга ва ҳокимиятни куч билан босиб олган кимсага итоат қилишдан қайтарди.

﴿وَلَا تُطِعِ الْكَفَرِينَ وَالْمُنَافِقِينَ وَدَعْ أَذْهُمْ وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ وَكَفَى بِاللَّهِ وَكِيلًا﴾

«Сиз кофирларга мунофиқларга бўйсунманг ва уларнинг озоразиятларига парво қилманг ҳамда Аллоҳга таваккал қилинг! Аллоҳнинг йзи етарли вакил-ҳомийдир» [Аҳзоб 48]

Яна ёлғончи ва маъсиятга буюрадиган сulton, ота-она ва ҳарбий қўмондонга итоат қилишдан қайтарди.

﴿فَاصِرِ لِكُمْ رَبِّكُمْ وَلَا تُطِعِ مِنْهُمْ إِذِمًا أَوْ كُفُورًا﴾

«Бас, сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига сабр қилинг ва улардан (кофирлардан) бирон гуноҳкор ё кўрнамакка итоат қилманг!» [Инсон 24]

﴿وَلَا تُطِعْ مَنْ أَعْفَلْنَا قَبْهُ وَعَنْ ذُكْرِنَا وَاتَّبَعَ هَوَنَهُ وَكَانَ أَمْرُهُ دُرُطَ﴾

«Ва Биз қалбини бизни зикр қилишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавойинафсига эргашган ва қиласи иши исрофгарчилек бўлган кимсаларга итоат этманг!» [Каҳф 28]

Шунингдек, нафс-ҳаво қулларига итоат этишдан қайтарди.

﴿فَلَا تُطِعُ الْمُكَذِّبِينَ ﴿وَدُواً لَوْ تُدْهُنْ فَيَدِهُنَ﴾ وَلَا تُطِعُ كُلَّ حَلَّافٍ مَهِينٍ ﴿هَمَّا زِ﴾  
﴿مَّشَاءَ يَنْمِيِرَ ﴿مَنَاعَ لِلْحَيْرِ مُعَنِّدَ أَثْيِرَ﴾﴾

«Бас, (эй Мұхаммад), сизнинг ҳақ пайғамбарлығынғызни ва Қуръони «ёлғон» дегувчи кимсаларга итоат этманг! Улар сизнинг (үзларига) күнгилчанлик-муроса қилишинғызни истарлар, шунда улар ҳам (сизга) күнгилчанлик қилурлар. (Лекин сиз уларнинг бу истакларига бүйсунманг!). (Эй Мұхаммад), яна сиз ҳар бир тубан қасамхұр, ғийбатчи-ю, ғап ташувчи, яхшиликни мань қилгүвчи-бахил, тажковузкор, гуноғта ботған, кимсага итоат этманг!» [Қалам 8-12]

﴿وَوَصَّيْنَا إِلَيْسَنَ بِوَالدِيِّهِ حُسْنَا وَإِنْ جَهَدَكَ لِتُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا﴾  
﴿إِنَّ مَرْجِعَكُمْ فَأَنْبَئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ﴾

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик (Яңни ота-она хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ мусулмон, хоҳ коғир бўлсин, уларга яхшилик қилиш фарзанднинг бурчидир, аммо) агар улар сен ўзинг билмаган нарсаларни (Яңни сохта «худо»ларни) Менга шерик қилишинг учун зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этмагин! (Барчанғиз) Менга қайтурсиз, бас (ана ўша кунда) Мен сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман» [Анкабут 8]

﴿وَإِنْ جَهَدَكَ عَلَىٰ أَنْ تُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا وَصَاحِبُهُمَا فِي الدُّنْيَا﴾  
﴿مَعْرُوفًا﴾

«Агар улар (Яңни ота-онанг) сени ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи коғир бўлсалар-да), дунёда яхши муюмалада бўлгин» [Луқмон 15]

Аллоҳ Таоло фарз амаллар ва бандаларнинг ҳуқуқларини тақиқлаётганларга итоат қилишдан қайтарди.

﴿كَلَّا لَا تُطِعْهُ وَاسْجُدْ وَاقْتَرِبْ﴾

«Йўқ! (Эй Мұхаммад), сиз унга итоат этманг ва (ёлғиз) Аллоҳга сажда-ибодат қилиб, (Унга) яқин бўлинг!» [Алақ 19]

Аллоҳ Таоло нафс-ҳавоси асосида ҳукм юритувчи кимсаларга итоат қилишни ҳаром қилиб, бундай дейди:

﴿وَأَعْلَمُوا أَنَّ فِيهِنَّ رَسُولَ اللَّهِ لَوْ يُطِيعُكُمْ فِي كَثِيرٍ مِنَ الْأَمْرِ لَعَنَّتُمْ وَلَكُنَّ اللَّهُ حَبَّبَ إِلَيْكُمْ أَلِّيَمَنَ وَزَيَّنَهُ فِي قُلُوبِكُمْ وَكَرَّةُ إِلَيْكُمُ الْكُفْرُ وَالْفُسُوقُ وَالْعِصْيَانُ أُولَئِكَ هُمُ الْأَرَשِدُونَ﴾

**«Ва билингларки, ораларингизда Аллоҳнинг пайғамбари бор. Агар у кўп иш(лар)дан сизларга (имони комил бўлмаган жоҳил кимсаларга) бўйсунса, (Яъни Аллоҳ томонидан ваҳий нозил бўлишини кутмасдан сизлар келтирган хабарларга ишонадиган бўлса), албатта сизлар бало-мусибатларга дучор бўлур эдингизлар. Лекин Аллоҳ сизларга (имони комил, тақво имтиҳонидан ўтган зотларга) имонни суюкли қилди ва уни дилларингизга чиройли кўрсатди ҳамда сизларга куфрни, (Аллоҳ ва пайғамбарга) итоатсизликни ва исённи ёмон кўрсатиб қўйди. Ана ўшаларгина (Яъни имон ўйлида собитқадам бўлиб, куфр-исённи ёмон кўрган кишиларгина), Тўғри йўлга юргувчи зотлардир»**

[Хужурот 7]

Аллоҳ Таоло еру-осмон ва бутун коинотдаги мулк ва бойликлар эгасидир. У зот хоҳлаган кишига ризқ беради. Зеро, мулк мутлақо Аллоҳники бўлиб, бандалардан хоҳлаганига йўз изни билан бойлик беради. Аллоҳнинг мулкка эгалик қилиш борасидаги изни хусусий мулк, умумий мулк ва давлат мулкини белгилаб, унга эгалик қилиш кайфиятини кўрсатиб беради. Шунингдек, эгалик қилиш жоиз бўлган конлар қайсию, эгалик қилиш ҳаром бўлган конлар қайси эканини, шаръий ва ношаръий эгалик қилиш сабаблари нималар эканини кўрсатиб беради. Сўнгра бўлиш ва тасарруф қилиш аҳкомлари ҳамда ҳаром молларнинг ҳукмларини белгилаб берди.

Шундан келиб чиқиб айтамизки, коинотдаги барча нарса; мулк, ҳукм, ҳокимият, инсон ва унинг ақли, буларнинг барчаси Аллоҳникидир. Шунинг учун инсон Аллоҳнинг ҳукми, буйруғи, қайтаруви, итоати ва мулкидан ташқарига чиқиши мумкин эмас. Одамларга Аллоҳнинг шариати билан ҳукм юритадиган кишини танлашда ҳам шу қоидага риоя қилиши шарт. Мана шу ҳоким Аллоҳнинг изни билан итоат қилинадиган сultonton бўлади. Унда шаръий сифат бўлсагина ҳукм юритиши, бошқариши, буюриши, қайтариши, ҳукмларни ижро этиши, жазо қўллаши ва бойликларни тақсим қилиши мумкин. Қонуний бошқариш ҳуқуқи сultontonга қаердан келади? Ҳокимнинг ўзиданми? Ёки оиласидан, қабиласидан, партиясидан ва гуруҳиданми? Жамиятдаги кучли гуруҳданми? Ёки душманлариданми? Ёки дин арбоблари, халқ ва Умматданми? Уни танлаш, муҳосаба қилиш, четлатиш кайфиятини ким белгилайди? Четлатиш вожиб бўладиган сабаблар нималардан иборат? Четлатиш ҳуқуқи кимларга хос?...

Юқорида айтганимиздек, Аллоҳга бўлган итоат мутлақдир. Лекин У зот кимга итоат қилиш ёки қилмасликни белгилаб беради. Мулк ҳам ўша зотники, эгалик қилишга ўша зот ўзи рухсат беради. Ҳукм ва сultontonлик Аллоҳникидир. У зот ўзи ҳокимият кимники, уни кимга бериши, кимдан қайтариши ҳамда ҳокимиятнинг шарт ва ҳукмларини баён қилиб беради.

Чунки Исломда сultontonлик шаръий ҳукмлар билан қайдланган. У мутлақ ҳукмдор ва волий эмас. Бу унга Аллоҳ Таоло берган ҳуқуқ бўлиб,

шу орқали ўзига ишонаётган Умматни бошқаради. Аллоҳ Таоло Умматга ушбу сultonни тиклашни «جاهدوا»، «بَايَعُوا»، «وَقَطَعُوا» калималаридағи каби жам аломати бўлган вов сийфасида буюрди... Шунингдек, унга Мұхаммад ﷺ га юборилган ваҳий орқали сultonлик ҳуқуқи берилди. Ҳоким (халифа) Уммат томонидан тайинланиши ва халифа ҳокимиятни байъат орқали олиши ҳақида далиллар бисёрdir. Ушбу далилларга кўра, байъат Уммат ва уни бошқарадиган киши ўртасидаги розилик ва танлаш келишувидир. Уммат ўзининг ушбу ҳаққини Аллоҳнинг китоби ва Росулининг суннати билан ҳукм юритадиган, ичкарида Исломни татбиқ қилиб, оламга уни даъват ва жиҳод орқали олиб чиқадиган кишига беради. Байъат ҳокимиятни эгаллаш бўлиб, аслида Умматнинг ҳаққидир. Уммат уни ўзидан ноиб бўлган шахсга беради. Ушбу шахс уни фақат байъат билангина олиши жоиз. Шунинг учун ҳокимиятни босиб олган, мажбурлаб тортиб олган, алдов йўли билан эгаллаб олган, душманнинг қўллаб-қувватлови орқали олган ҳамда мустамлакачи кофир томонидан тайинланган шахснинг бошқаруви ва ҳокимияти дуруст бўлмайди. Шунингдек, унга итоат қилиш, ёрдам бериш, у билан бирга бўлиш, ёмонлигини яшириш, пул, қурол ва одамлар билан қўллаб-қувватлаш, шеър орқали ёки ахборот воситаларида уни мақташ, одамлар олдида уни чиройли қилиб кўрсатиш жоиз эмас. Аксинча, унга қарши курашиш ва унинг ҳокимиятини ўзгартириш вожибdir...

Ҳокимият Умматни эканлигига далил байъат далили бўлиб, у «Ҳокимият Умматники», деган қоидага асосланган. Шунингдек, бунинг далили шариатда халифанинг Уммат томонидан тайинланишидан ва унинг ҳокимиятни мана шу байъат билан олишидан олинган. Аммо шариатда халифа Уммат томонидан тайинланишига келсак, бу нарса байъат ҳақидаги ҳадислардан очиқ кўриниб турибди. Убода ибн Сомит айтади:

«بَايَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ عَلَى السَّمْعِ وَالظَّاعَةِ فِي الْمَنْشَطِ وَالْمَكْرَهِ»

«Биз Росууллоҳ ﷺ га хурсандчилика ҳам, хафачилика ҳам итоат қилишга байъат бердик». Муттафақун алайҳ. Жарир ибн Абдуллоҳ айтади:

«بَايَعْتُ النَّبِيَّ عَلَى السَّمْعِ وَالظَّاعَةِ»

«Пайғамбар ﷺ га эшишиб итоат қилишга байъат қилдим». Муттафақун алайҳ. Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«تَلَاقَتْ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيْهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ: رَجُلٌ عَلَى فَضْلٍ مَاءِ بِالطَّرِيقِ يَمْنَعُ مِنْهُ ابْنَ السَّبِيلِ، وَرَجُلٌ بَايَعَ إِمَاماً لَا يُبَايِعُهُ إِلَّا لِدُنْيَاهُ إِنْ أَعْطَاهُ مَا يُرِيدُ وَفِي لَهُ وَإِلَّا مِنْ يَفِ

لَهُ، وَرَجُلٌ يُبَايِعُ رَجُلًا بِسِلْعَةٍ بَعْدَ الْعَصْرِ فَحَلَفَ بِاللَّهِ لَقَدْ أَعْطَيْتِ إِنَّمَا كَذَّا وَكَذَّا فَصَدَّقَهُ فَأَخْذَهَا وَلَمْ يُعْطِ إِنَّمَا»

«Аллоҳ Таоло қиёмат куни уч киши билан гаплашмайди ва уларни покламайди. Улар учун аламли азоб бордир. Улар: ортиқча суви бўла туриб, ундан (муҳтож) мусофирга бермайдиган ва имомга дунёси учун байъат берадиган кимсадир. Агар имом унга ўша дунёдан берса, унга вафо қиласди, бермаса вафо қилмайди. Учинчиси шундай кишики, асрдан кейин бир кишига мато сотаётиб, фалон пулга олганман деб қасам ичади. Шунда муштарий унинг қасамига ишониб, матони сотиб олади». Муттафақун алайҳ. Байъат мусулмонлар томонидан халифага берилади, халифа томонидан мусулмонларга эмас. Чунки мусулмонлар уни ўзларига ҳоким қилиб тайинлашади. Рошид халифалар байъатни Умматдан олишди ва Умматнинг уларга берган байъати орқали халифа бўлишди. Халифа ҳокимиятни мана шу байъат орқали олишига келсак, бу итоат ва халифанинг битта бўлиши ҳақида келган ҳадислардан очик кўриниб турибди. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос Росууллоҳ нинг бундай деганини ривоят қиласди:

«وَمَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفْقَةً يَدِهِ وَمَرَّةً قَلْبِهِ فَلَيُطْغِهِ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخَرُ يَنْازِعُهُ فَاضْرِبُوهُ عَنْقَ الْآخِرِ»

«Кимки битта имом билан байъатлашиб унга қўлини ва қалби қўрини берса қўлидан келганича унга итоат қиласин. Энди агар бошқа бирор келиб у билан имомликни талашса, уни ўлдиринглар». Имом Муслим ривояти. Нофеъ айтади: Абдуллоҳ ибн Умар Росууллоҳ нинг бундай деганини ривоят қиласган:

«مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةِ لَقِيَ اللَّهَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حَجَّةَ لَهُ، وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنْقِهِ بِيَعْمَةٍ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким итоатдан бош тортса, қиёмат куни Аллоҳга ҳужжати йўқ ҳолда ўйлиқади. Ким бўйнида байъат бўлмаган ҳолда ўлса жоҳилият ўлимини топибди». Муслим ривояти.

Ибн Аббос Росууллоҳ дан шундай ривоят қиласди:

«مَنْ كَرِهَ مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئًا فَلَيُصْبِرْ عَلَيْهِ، فَإِنَّهُ لَيْسَ أَحَدٌ مِنَ النَّاسِ حَرَجَ مِنَ السُّلْطَانِ شَبْرًا فَمَاتَ عَلَيْهِ إِلَّا مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким амиридаги бирон нарсани ёқтирмаса унга сабр қиласин. Зеро кимки сultonondan бир қарич четга чиқиб шу ҳолда ўлса жоҳилият ўлими билан ўлибди». Муттафақун алайҳи. Абу Ҳурайра Росууллоҳ нинг бундай деганларини ривоят қиласган:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسْوِهُمُ الْأَئْبِياءُ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيٌّ بَعْدِي، وَسَيَكُونُ  
خَلَفَاءُ فَيُكْثِرُونَ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُوَا بِبَيْعَةِ الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلُ، أَعْطُوهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ  
سَائِلُهُمْ عَمَّا اسْتَرْعَاهُمْ»

«Бану Исроилга пайғамбарлар сиёsat юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки: биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглар ва уларнинг ҳақларини беринглар. Зеро Аллоҳ улардан фуқарони қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди». Муттафақун алайҳ. Ушбу ҳадислар халифа ўз ҳокимиятини мана шу байъат билан олишига далилдир. Чунки Аллоҳ Таоло унга байъат орқали итоат қилишни вожиб қилди. Ким имомга байъат қилса... унга итоат қилсин. Демак, у Халифаликни байъат орқали олди. Энди унга итоат қилиш вожиб, чунки у байъат берилган халифадир. Халифа ўз ҳокимиятини байъат орқали Умматдан олди, Уммат эса байъат берган кишига итоат қилиши вожиб. Бу ҳокимият Умматники эканига далилдир. Ҳатто Пайғамбаримиз ﷺ пайғамбар бўла туриб одамлардан байъат олдилар. Бу Пайғамбарликка эмас, балки бошқарув ва ҳокимиятга бўлган байъат бўлган эди. Пайғамбаримиз ﷺ эркак ва аёллардан байъат олди, лекин балоғатга етмаган ёш болалардан байъат олмади. Мусулмонлар халифани тиклаши ҳамда Аллоҳнинг китоби ва Росулининг суннатига амал қилиш асосида унга байъат бериши ҳамда халифа ўз ҳокимиятини мана шу байъат орқали олиши ҳокимият Умматники эканига ва Уммат уни шаръий ҳукмларга биноан хоҳлаган кишига ёрқин далилдир. □

## МУСТАМЛАКАЧИЛАННИГ ЖИЛОВЛАШ СИЁСАТИГА ҚАРШИ ТУРИШ ВА ҚАРАМЛИКДАН ҚУТУЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳамд Тобиб – Байтул Мақдис

Ўтган мавзуимизда мусулмон жамоалар, шахслар ва давлатларни қарамлик ва малайлик тўрига туширишда ҳамда уларнинг сиёсий садоқатини касб қилишда кофирлар фойдаланадиган йўл ва услублар ҳақида айтиб ўтган эдик. Бу услубларнинг барчаси мустамлакачи томонидан юртларимизни, бойлик ва имкониятларимизни назорат қилиш, шунингдек, мусулмонларнинг ери, осмони ва денгизини хорижий ҳарбий кучлар, жанговар кемалар ва улкан авианосецлар учун базага айлантириш мақсадида қўлланади. Биз ўтган мавзуда жинояти мустамлакачининг исломий юртлар устидан ҳукмронлик қилиш учун мусулмонларнинг айрим жамоат ва шахсларининг садоқатига эришишда қўллаган услублари тўғрисида ҳам сўз юритдик. Ушбу мавзуда эса, мустамлакачига қарши туриш ва унга қарши курашиб услублари ҳақида гаплашамиз. Айниқса биз бугун бу мустамлакачилар билан шиддатли кураш олиб бораётган эканмиз, улар мусулмон фарзандларимизни ўз тузоги ва фитналарига илинтириш учун айёр ва ғаразли усувлар қўллашмоқда. Мақсадлари фарзандларимизнинг ўзгартириш ва қайта Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш сари олиб бораётган исломий ҳаракатларига зарба бериш ва бутунлай йўқ қилишдир.

Мустамлакачиликнинг услубларига қарши ишлатиладиган услублар ҳақида гапиришдан олдин ушбу мавзу муқаддимаси сифатида айрим ҳақиқатлар олдида тўхталиб ўтамиш.

**Биринчи ҳақиқат:** Күфр ўзининг миллати, эътиқоди, давлатлари, партиялари ва шахслари билан бирга Ислом Умматига душмандир. У доимо Умматни йўқотиш учун режа тузади ва мана шу ифлос жинояткорона ғоясини амалга ошириш учун тўрли услублар, воситалар ва йўллар орқали ҳаракат қиласи. Аллоҳ Таоло Қуръоннинг аксарият оятларида мана шу ҳақиқатни баён қиласи. Пайғамбаримиз ﷺ давридан бошлаб бугунги кунгача бўлиб ўтган тарихий ҳодисалар ушбу илоҳий хабарнинг тўғрилигини исботлаган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الْكُفَّارِينَ كَانُوا لَكُمْ عَدُوًّا مُّبِينًا﴾

«*Кофирлар сизларга очиқ душман бўлган кимсалардир*» [Нисо 101]

﴿قَدْ بَدَتِ الْبَعْضَاءُ مِنْ أَفْوَهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرٌ قَدْ بَيَّنَاهُ لَكُمْ أَلْآيَاتٍ إِنْ كُنْتُمْ

تَعْقِلُونَ﴾

«*Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир. Агар ақл юргизсангизлар сизлар учун оят-аломатларни аниқ-равшан қилиб бердик*» [Оли Имрон 118]

﴿وَدَكَيْشُرْ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَوْ يَرْدُونَكُمْ كُفَّارًا حَسَدًا مِنْ عِنْدِ أَنفُسِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ الْحُقْقُ﴾

«Аҳли китобларнинг кўпчилиги сизларни, имонли бўлганингиздан кейин (яъни ҳозир), уларнинг ўзларига ҳам ҳақиқат очиқ равшан бўлганидан кейин ҳасад қилганлари сабабли куфрга қайтаришини истайди. Бас, Аллоҳнинг фармони келгунича уларни афв қилинг ва кечиринг. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир» [Бақара 109]

Тарихдаги ҳақиқатлар кўп ва турли-туман бўлиб, улар Росууллоҳ ﷺ элчи бўлиб юборилганларидан бошланиб, 1924 йили Халифалик қулатилгунича давом этди ва бугунгача тўхтамади. Дарҳақиқат, Макка кофиirlари даъватнинг илк кунларидан бошлаб, яъни исломий давлат барпо этилишидан олдин Росууллоҳ ﷺни ўлдиришга ҳаракат қилишган бўлса, яҳудий ва мушриклар исломий давлат барпо этилганидан кейин, Мадинада У зотни бир неча бор ўлдиришга ҳаракат қилишди. Агар Аллоҳ Таоло Росууллоҳ ﷺни одамлардан сақламаганида эди, улар у зотни ўлдиришган бўлар эди. Шунингдек, улар Мадинаи Мунавварада янги барпо этилган давлатни Бадр, Уҳуд, Хандақ ва бошқа жангларда йўқ қилишга ҳаракат қилишди. Сўнgra Форс ва Рум ҳаракатлари бўлиб ўтди.

**Иккинчи ҳақиқат:** Кофиirlар Ислом Уммати ва Ислом динига қарши олиб боришган очиқ ҳарбий ва фикрий урушлари муваффақиятсизликка учрагач, душманчиликда ўз қиёфаларини ўзгартиришди. Шунингдек, Ислом ва мусулмонларга зарба бериш учун янги услублар қўллай бошлашди. Ушбу урушларнинг энг хатарлиси адаштириш, жиловлаш ва қарам қилиш сиёсатидир. Гарчи улар воқелик, ҳодисалар ва кураш табииатига қараб янги услубларни кашф қилаётган бўлса-да, лекин бу услублар даъватнинг Маккан Мукаррамадаги илк кунларидаёқ қўлланган эди. Зоро, Макка кофиirlари Росууллоҳ ﷺнинг ўзлигини ўчиришга ва янги фикридан қайтаришга, шунингдек, мансаб, бойлик ва салтанат каби дунёning жозибали матолари билан васваса қилишга ҳаракат қилишди.

Ибн Ҳишомнинг сийрат китобида шундай келади: Макка зодагонларидан бир нечтаси Росууллоҳ ﷺ билан Каъба ёнида учрашиб, шундай дейиши: «Эй Мұхаммад, агар бу келтирган сўзинг билан молдунё истаётган бўлсанг, сенга молларимиздан тўплаб берайлик, токи ҳаммамиздан бой бўлгин; агар бу билан улуғликни хоҳласанг, сени ўзимизга бош қилиб олайлик; агар подшоҳликни хоҳласанг, ўзимизга подшоҳ қилиб олайлик; агар сенга келаётган бу нарса жин бўлиб, унга кучинг етмаётган бўлса, кўпроқ шунаقا бўлса керак, у ҳолда табиб ёллаб, молларимизни сарфлайлик-да, сени даволайлик ёки ҳеч бўлмаса, олдингдаги мажбуриятимизни бўйнимиздан соқит қиласайлик», дейиши. Шунда Росууллоҳ ﷺ уларга «Асло ундан эмас! Мен сизларга келтирган

нарса на молу-дунё, на обрў ва на подшоҳлик талаб қилиш учундир. Балки, Аллоҳ мени сизларга пайғамбар қилиб юбориб, менга китоб нозил қилди ҳамда сизларга (жаннат ҳақида) хушхабар беришимни, (дўзах ҳақида) огоҳлантиришимни буюрди. Шунинг учун мен Роббимнинг амрини етказдим ва сизларга насиҳат қилдим. Агар бу келтирган нарсамни мендан қабул қилсангиз, дунё-ю охиратда баҳти инсонларга айланасиз. Агар рад қилсангиз, токи Аллоҳ сиз билан бизнинг ўртамиизда ҳукм қилгунича, Унинг фармонини амалга оширишда сабр қиласман», деди. Исломнинг йўлини тўсишга қаратилган бундай уринишлар қиёмат кунига қадар тўхтамай давом этади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَدَّ كُثِيرٌ مِّنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَوْ يَرُدُّونَكُمْ مِّنْ بَعْدِ إِيمَانِكُمْ كُفَّارًا حَسَدًا مِّنْ عِنْدِ أَنفُسِهِمْ مِّنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ الْحُقْقُ فَاعْفُوا وَاصْفَحُوهُ حَتَّىٰ يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

«Аҳли китобларнинг кўпчилиги сизларни, имонли бўлганингиздан кейин (яъни ҳозир), уларнинг ўзларига ҳам ҳақиқат очиқ равшан бўлганидан кейин ҳасад қилганлари сабабли куфрга қайтаришини истайди. Бас, Аллоҳнинг фармони келгунича уларни афв қилинг ва кечиринг. Албаттa, Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир» [Бақара 109]

**Учинчи ҳақиқат:** Мусулмонларни ва мусулмон юртларни чалғитиш, жиловлаб йўналишидан буриш ҳаракатлари янада зиёдалашди. Ғарб мана шу маккорона ғоясини амалга ошириш учун хос марказлар очди. Ушбу марказлар орқали ишларни белгиламоқда ва янги тадқиқотлар олиб бормоқда. Чунки мусулмон юртларда сиёсий Ислом кўтарилимоқда. Мусулмонлар малай ҳукмдорлар туфайли вайрон бўлган воқеликдан ўз юртларини халос этиш учун сиёсий Ислом атрофида бирлашмоқда. Шунингдек, Ғарбнинг капиталистик иқтисодидаги иллатлари кўриниб, демократия ва эркинликларнинг соҳталиги намоён бўлганидан кейин мусулмонлар Ислом фикрати атрофида бирлашиши кучайди. Мусулмонлар ўз юртларида ўзгаришишга ҳаракат қилаётган жамоалар атрофида бирлашиб, шу юртлардаги Ғарбга малай ҳукмдорларнинг айблари кўриниб қолганидан кейин Ғарб мусулмонларни жиловлашни кучайтирди. Кофирлар Эрон, Покистон, Туркия ва Суданда бўлганидек ҳатто (Исломий давлат тушунчасини) адаштирувчи ва чалғитувчи тарзда қабул қилишди. Шунингдек, Ироқ, Шом, Афғонистон ва бошқа минтақаларда бўлганидек мустамлакачилик ҳукмронлиги остида жиҳодий жамоаларни пайдо қилиш тушунчасини қабул қилишди. Бу иш эҳтимол исломий юртларда Исломий давлат тикланганидан кейин ҳам атрофдаги давлатлар орқали уни йўқ қилиш ҳаракатидаги лойиҳа тарзида давом этса керак.

Булар исломий юртларни жиловлаш ва қарам қилиш сиёсатига қарши услугуб ва йўлларни баён қилишдан олдин назар солиш керак бўлган

айрим ишлардир. Аммо мустамлакачи кофирнинг жиловлаш ва йўналишини буриб юбориш борасидаги ҳаракатларига қарши чиқиш йўлларига келсак, биз уларни қўйидаги масалаларда умумлаштирамиз:

**1 – Тушунча, онг, узоқни кўра билиш:** Биз бу ишлар билан Исломни ақида ва ҳукм сифатида тушунишни кўзда тутяпмиз. Чунки мана шу Ислом Умматнинг ҳар бир шахси, жамоатлар ва ҳатто тикланган пайдаги Исломий давлат учун биринчи хавфсизлик клапани ва мустаҳкам девордир. Аллоҳ Таоло, У зотнинг Росули ﷺ ва саҳобалар онг, билим, тўғри ва ёрқин тушунча бўлиши зарурлиги ҳақида айтишган. Масалан, Аллоҳ Таоло кўплаган оятларда мусулмонлар рўбарў келаётган ишларда тушунча ва билим бўлиши зарурлиги ҳақида айтиган:

﴿وَإِذَا جَاءَهُمْ أَمْرٌ مِّنْ أَلْأَمْنِ أَوْ أَخْوَفَ أَذَاعُوا بِهِ وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى الرَّسُولِ وَإِلَى أُولَئِكَ الْأَمْرِ مِنْهُمْ لَعَلَمَهُ اللَّهُ الَّذِينَ يَسْتَيْطُونَهُ وَمِنْهُمْ وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ لَا تَبْعَثُمُ الشَّيْطَانُ إِلَّا

﴿قَلِيلًا﴾

**«Қачон уларга** (жангга кетган мусулмон аскарлар ҳақида) **тинчликк ёки хавф-хатар** (яъни ғалаба ёки мағлубият) **хабари келса, уни ёйиб юборадилар.** Агар (улар ўзларига келган хабарни ҳар кимга ёйиб юрмасдан) **пайғамбарга ва ўзларидан бўлган бошлиқларгагина етказганиларида** эди, уни (яъни мана шу хабарнинг ҳақиқатини) **билимоқчи бўлган кишилар ўшалардан билган бўлар** эдилар. Агар **сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаса** эди, (яъни Аллоҳ ўз марҳамати билан сизларни имонда устувор қилмаса эди) **айрим кишилардан ташқари ҳаммангиз шайтонга эргашиб кетар** эдингиз»

[Нисо 83]

Ушбу оят гарчи муайян гуруҳ яъни мунофиқлар ҳақида айтаётган бўлсада, лекин унда бошқа мусулмонларга кўрсатма бор. У ҳам бўлса, ҳар қандай тасаррӯфдан олдин ишларга тўғри ёндашиш. Айниқса, кофирлар мусулмонларни йиқитиш ва йўналишини ўзgartириш борасида қиёфаларини ўзgartираётган экан, ҳиссиятларга берилмаслик зарур. Аслида воқеа ва ҳодисалар тушунча, онг ва билим эгалари орқали Аллоҳ ва Росулининг ҳукмига ҳавола қилиниши керак. Шунингдек, кофирларнинг тўхтовсиз тузётган режаларини билиш ва улар шахс ёки жамоат бўлишидан қатъий назар Исломий Умматга яхшилик истамаслигини билиш фаросатдандир.

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ لِيَصُدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةً ثُمَّ يُغْلِبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَى جَهَنَّمَ يُخْسِرُونَ﴾

**«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг ўйлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра**

**ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар. Кофир бўлган кимсалар жаҳаннамга тўпланурлар»** [Анфол 36]

Бундан ташқари, мусулмонлар атрофида бўлаётган ҳодисалар, фитналар ва маккорона услубларни билиш зарур. Бу ҳақида Рум сурасининг аввалги оятларида айтилади. Зеро, унда мусулмонлар даъватнинг бошланишида қийин аҳволда яшаб, қаттиқ машаққатлар чекаётган бир пайтда улардан узоқда бўлаётган ҳодиса ҳақида хабар берилади.

Ислом шу билан бирга мана шундай хабар ва Раббоний башоратларга беёзибормайди.

«الَّمْ ظَلِيلَتِ الرُّؤْمُ فِي أَدْنَى الْأَرْضِ وَهُمْ مِنْ بَعْدِ عَلَبِهِمْ سَيَغْلِبُونَ فِي بِصْعَدِ سِينِنَ لِلَّهِ الْأَكْمَرُ مِنْ قَبْلٍ وَمِنْ بَعْدٍ وَيَوْمَيْذِ يَقْرُخُ الْمُؤْمِنُونَ بِنَصْرِ اللَّهِ يَنْصُرُ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ وَعَدَ اللَّهُ لَا يُخْلِفُ اللَّهُ وَعْدَهُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ»

**«Алиф, Лом, Мим. Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди. (Лекин) улар (яъни румликлар) бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта ғалаба қилажаклар. Аввали-охир барча иш Аллоҳнинг (измида)дир. Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар. (Аллоҳ) Ўзи хоҳлаган кишига нусрат берур. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир. (Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин кўп одамлар билмаслар»** [Рум 1-6]

Дарҳақиқат Абу Бакр ﷺ мусулмонлар диёридан узоқда бўлиб ўтган бир ҳодиса борасида кофирлар билан гаров ўйнаган эди. Абу Бакр ﷺ бу билан мусулмонлар воқеа ҳодисаларни Ислом дини орқали тушунишини исботламоқчи бўлган эди. У иккинчи марта гаровда ютди ва мусулмонлар ҳодисаларни кўра олишини кофирларга исботлади!! Росууллоҳ ﷺ эса бизларни ишларга тушунча, онг, идрок ва билим билан муносабат билдиришни ўргатдилар. У зот ﷺ мусулмоннинг ишларга нисбатан тутадиган позицияси, огоҳлиги ва билимини ифодалар экан шундай дедилар:

«لَا يُلْدُغُ الْمُؤْمِنُ مِنْ جُنْحٍ وَاحِدٌ مَوْتَيْنِ»

**«Мўмин бир тешикдан икки марта чақтирмайди».** Муттафақун алайҳ. Умар ﷺ: «Мен фирибгар эмасман, лекин мени фирибгар алдай олмайди» деган эди. Дарҳақиқат, Росууллоҳ ﷺ ва У зотдан кейинги саҳобалар воқеликни тўғри тушуниб, яхши англар ва кофирлар ҳақидаги ҳақиқатларни йиғишар эди.

Росууллоҳ ﷺ катта Бадр ғазотидан олдин Қурайш қўшинларининг ҳаракатлари ҳақида аниқ маълумотлар йиғдилар. Росууллоҳ ﷺ Басбас ибн Амр Жуҳаний ва Адий ибн Аби Зағбөъ Жуҳанийни кофирларнинг хабари ва ҳарбий ҳаракатларини билиб келиш учун юбордилар. Аҳзоб ғазотида эса кофирларнинг лагери ҳақида маълумот йиғиш учун одам

юборар экан: «**Ким қавмнинг хабарини олиб келса, Аллоҳ уни қиёматда мен билан бирга қиласди**», дедилар. Сўнгра Ҳузайфа мана шу вазифани юкладилар. Росууллоҳ Зайд ибн Собит ни яхудийларнинг хабарини билиш ва мактубларини ўқиш учун уларнинг тилини ўрганишга буюрдилар. Зайд ибн Собит шундай деган эди: «Росууллоҳ мени яхудийларнинг китобидаги сўзларни ўрганишга буюрдилар. Мен ярим ойда уларнинг тилини ўрганиб олдим». У зотдан кейинги халифалар ҳам Шом, Ироқ, Форс ва Қуддусдаги қўшинларнинг ҳаракатларини кузатар ва улар ҳақида маълумотлар олар эдилар. Зеро улар тушунча ва билим борасида Пайғамбарлари минҳожига кўра юрдилар.

2 – Кофириларнинг барчасидан огоҳ бўлиш ҳамда гарчи улар яхши ишга буюриб, ёмон ишдан қайтаришса ҳам, уларга асло итоат қилмаслик. Шунингдек, уларнинг халқаро ва минтақавий ташкилотларига қўшилмаслик. Модомики бу ташкилотлар кофириларнинг етакчилиги ва ҳукмронлиги остида бўлар экан, юксак мақсадлар ва олий ғояларни даъво қилсаларда уларни тан олмаслик. Бундан ташқари, гарчи мусулмонларга душман давлатга қарши бўлса-да кофирилар билан иттифоқ тузиб бирорта ҳам урушда қатнашмаслик. Аллоҳ Таоло айтади:

**يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنْ تُطِيعُوا فَرِيقًا مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ يَرْدُوْكُمْ بَعْدَ إِيمَنِكُمْ**

کافرین

**«Эй мўминлар, агар китоб берилган кимсаларнинг баъзи бир гурӯҳларига бўйсунсангиз, улар сизларни имонга келганингиздан кейин яна кофирилкка қайтарадилар»** [Оли Имрон 100]

Масалан, Миллатлар Лигаси исломий давлатга зарба бериш учун ташкил топган ташкилотdir. Биринчи жаҳон урушидан кейин, 1919 йил бир неча давлатлар шу мақсадда йигилишди. Сўнгра 1945 йили яъни иккинчи жаҳон урушидан кейин БМТ ва унинг ташкилотлари пайдо бўлди. Гарчи бу ташкилотлар маъруфга буюриб, мункардан қайтаришни даъво қилсаларда, улар билан ҳамкорлик қилиш жоиз эмас. Чунки бу иш Ислом ва мусулмонларга ва уларнинг ўзгаришишдаги лойиҳаларига зарба беришни мақсад қилган маккорона ифлос ғояларни ғилоф билан беркитади. Масалан, Туркия биринчи жаҳон урушида айрим Европа давлатлари билан бирга иштирок этди. Бу давлатлар Туркияни ҳеч қачон мусулмонларга хизмат қилмайдиган, аксинча уни ҳарбий жиҳатдан парчаланиши ва кофирилар «мехрибончилиги» остига тушиб қолиши, сўнг парчаланиб қулашига сабаб бўлган ғояларига бўйсундишлиди.

Аллоҳ Таоло масжид зирор қиссасида бизга очиқ мисол келтирди. Зеро, мунофиқлар ва уларнинг ортидаги кофирилар мусулмонларга ўз ҳовлиларининг ичкарисида зарба беришни исташди. Улар бу ишни яхши амал, яъни масжид қуриш орқали амалга оширишни хоҳлашди. Бу

ишининг зоҳири яхши лекин ботини ёмон, яъни мўминларга қарши уришиш ва уларни қатл қилиш эди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مَسْجِدًا ضَرَارًا وَكُفْرًا وَتَفَرِيقًا بَيْنَ الْمُؤْمِنِينَ وَإِرْصَادًا لِمَنْ حَارَبَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَمِنْ قَبْلُ وَلَيَحْلِفُنَّ إِنَّ أَرْدَنَا إِلَّا الْحُسْنَى وَاللَّهُ يَشَهِدُ إِنَّهُمْ لَكَذِبُونَ ﴾ لَا تَقْمُ فِيهِ أَبَدًا لَمَسْجِدٍ أُسِّسَ عَلَى الْتَّقْوَى مِنْ أَوَّلِ يَوْمٍ أَحَقُّ أَنْ تَقُومَ فِيهِ رِجَالٌ يُجْبِيْنَ أَنْ يَتَطَهَّرُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُطَهَّرِينَ﴾

«Яна шундай кимсалар ҳам борки, улар (мўминларга) зиён етказиш, куфрни кучайтириб ва мўминлар ўртасига тафриқа солиши ҳамда илгари Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига қарши уришган (бир) кимсага кўз тутиш учун (фитна юзасидан) масжид қуриб олдилар. Яна: «Биз фақат яхшиликнингина истаган эдик», деб қасам ҳам ичадилар. Аллоҳ гувоҳлик берурки, улар шак-шубҳасиз ёлғончиidlар. (Эй Мұхаммад), ҳеч қачон у масжидда намозга турманг! Биринчи кундан тақво асосига қурилган масжид борки, сиз ўшанда туришингиз лойиқроқ. Унда покликни севадиган кишилар бордир. Аллоҳ эса ўзларини мудом пок тутгувчи зотларни севар» [Тавба 107-108]

3 – Кофиirlарга ва уларнинг ўз нуфузларини исломий юртларда ёйиш учун қилаётган ҳаракатларига қарши туриш. Улар буни моддий ва ҳарбий ёрдамлар кўрсатиш, мудофаа қилиш ҳамда зоҳирда яхши кўринган, лекин аслида ёвузлик, ҳийла ва уруш бўлган қилмишлар орқали амалга оширишяпти. Зоро, Аллоҳ Таоло Ислом юртларида кофиirlар сарфлаётган ҳар бир дирҳам мусулмонларни йўқ қилиш ва динларига зарба бериш учун бўлишини айтган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يُنْفِقُونَ أُمُوَالَهُمْ لِيُصْدُوْا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ فَسَيِّئُنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُونُ عَلَيْهِمْ حَسَرَةً ثُمَّ يُعْلَبُونَ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَى جَهَنَّمَ يُحْشَرُونَ﴾

«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг ўйлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар. Кофир бўлган кимсалар жаҳаннамга тўпланурлар. Ана ўшалар зиён кўргувчилардир» [Анфол 36]

Росууллоҳ эса шундай дуо қилган эдилар:

«اللَّهُمَّ لَا تَجْعَلْ لِفَاجِرٍ وَلَا لِفَاسِقٍ عِنْدِي يَدًا وَلَا نِعْمَةً، فَإِنِّي وَجَدْتُ فِيمَا أَوْحَيْتَ إِلَيَّ لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمَ الْآخِرِ يُوَادُونَ مَنْ حَادَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَ»

«Эй Аллоҳим на фожир ва на фосиқ учун менинг ҳузуримдан неъмат бермагин. Чунки менга юборган ваҳийинг ичida (Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган қавмнинг Аллоҳ ва унинг пайғамбари чизган

чизиқдан чиққан кимсалар билан дўстлашаётганларини топмассиз) деган ибораларни кўряпман». Кофирлардан ёрдам ёки қарз олиш бизни уларга тобе ва шартларини бажарадиган қилиб қўяди. Аллоҳ Таоло уларга итоат қилиш ва уларни ўз устимизга ҳукмон қилиб олишдан қайтарган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكُفَّارِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

«Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай»

[Нисо 141]

4 – Кофирларнинг мусулмон жамоатларни фасодга шерик бўлишлари учун ҳокимиятда бирга иштирок этишларига кўндириш йўлидаги ҳаракатларига қарши туриш. Чунки бу энг хатарли жиловлаш сиёсатидир. Аслида бу кофирларнинг исломий юртлардаги ҳукуматларида уларга итоат этиб бўлмайди. Чунки Аллоҳ Таоло бизга шундай буюрмоқда:

﴿وَلَا تَرْكُوكُوا إِلَيَّ الْذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّاسُ وَمَا لَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ أُولَئِكَاءِ ثُمَّ لَا تُصْرُونَ﴾

«Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманлар (эрғашмангалар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқdir. Кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас» [Худ 113]

Дарҳақиқат, Ихвонул Муслимнинг ҳукуматда иштирок этиши саҳнаси орқали кофирлар Мисрдаги қўзғолонни адаштириш ва буришда катта муваффақиятга эришди. Бу иш шундай фитна бўлдики, ҳатто унда иштирок этаётганлар унинг хатарларини идрок этмади. Кофирлар Наҳза ҳаракатини Тунис ҳукуматида иштирок эттиришда ҳамда ўзгартириш ва фасодни йўқотиш каби қўзғолоннинг олий ғояларига барҳам бериш амалиётида ҳам муваффақиятга эришди. Натижада Наҳза партияси фасодни йўқотиш ўрнига унга шерик бўлиб қолди. Кофирлар эркинликлар ва ахлоқий бузуқлик каби баъзи ишларда фасодни мустаҳкамлашди.

5 – **Мусулмонларга Исломий давлат ҳақиқатини билдириш.** Токи мусулмонлар оммаси, уларнинг сиёсий элиталари ва Умматга таъсир қиладиган марказларида бу иш тиниқ бўлсин. Чунки юқорида айтганимиздек, мустамлакачи мусулмонларни адаштириш ва уларни тўғри мақсаддан буришга ҳаракат қиласди. Ўша адаштиришлардан бири (Исломий давлат тушунчаси) бўлиб, унда Судан, Покистон ва Туркия Исломий давлатлардир, деб очиқ ёлғон ишлатилади. Ёки ИШИД каби ҳарбий тузилмалар исломий давлат дейилади. Ёки Ислом даражама даражада татбиқ қилинади деган фикр олға сурилади. Ёки баъзи шайхлар ягона давлат бўлиши шартлиги ворид бўлмаган, бу гап шаръий эмас,

исломий тарихда татбиқ бўлмаган, балки у минтақавий давлат дейишади. Шунинг учун мусулмонларга бу ҳақиқатни яхшилаб тушунтириш лозим. Токи мусулмонлар алданиб, фикрий ва сиёсий адаштирув тузоғига тушиб қолмасинлар.

6 – Уммат қалбидаги умид руҳини үйғотиш, унга доим ўтмишини эслатиш ҳамда Қуръондаги ва Росулуллоҳ ҳадисларидағи Уммат ҳақиқидаги васфни унинг қалбига ўрнатиш лозим. Токи, Уммат кофириларнинг ҳаракатлари олдида йиқилмасин ва уларнинг зарбалари олдида эгилмасдан оёғида тик турсин.

﴿كُنْتُمْ حَيْرَ أُمَّةً أُخْرِجْتُ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَاوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَوْ أَمَّا نَأْهَلُ الْكِتَبِ لَكَانَ حَيْرًا لَّهُمْ مِنْهُمُ الْمُؤْمِنُونَ وَأَكْثَرُهُمُ الْفَسِيقُونَ﴾

«(Эй уммати Мұхаммад), одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхиси бўлдингиз. Зоро сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Аллоҳга имон келтирасиз. Агар аҳли китоб ҳам имон келтирганда эди, ўзлари учун яхши бўларди. Улардан мўминлари ҳам бор ва (лекин) уларнинг кўплари итоатсиз кимсалардир»

[Оли Имрон 110]

Росулуллоҳ ҳадисларидан:

«بَشَرٌ هَذِهِ الْأُمَّةَ بِالسَّنَاءِ وَالرِّفْعَةِ، وَالدِّينِ وَالنَّصْرِ وَالشَّمَكِينِ فِي الْأَرْضِ، فَمَنْ عَمِلَ مِنْهُمْ عَمَلٌ إِلَّا خِرَّةً لِلْدُنْيَا أَمْ يَكُنْ لَهُ فِي الْآخِرَةِ نَصِيبٌ»

«Бу Умматга олий бўлиш ва дин билан юксалиш, нусрат берилиши ва ер юзида ғолиб-мустаҳкам бўлиши ҳақида хушхабар беринг. Ким улардан охират амалини дунё учун қилса, у учун охиратда насиба йўқдир». Имом Аҳмад ривояти. Бошқа ҳадисларда эса ер юзининг шарқи-ю ғарби, шу жумладан Ватикан бешиги Рим фатҳ қилиниши айтилган. Росулуллоҳ ҳадисларидан:

«إِنَّ اللَّهَ رَوَى لِي الْأَرْضَ فَرَأَيْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا، وَإِنَّ أُمَّتِي سَيِّلَغُ مُلْكُهَا مَا زُوِيَ لِي مِنْهَا، وَأُعْطِيَتُ الْكُتُرْنِ الْأَحْمَرَ وَالْأَبْيَضَ»

«Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди. Шунда унинг күн чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради. Шунингдек менга қизил ва оқ ҳазина берилди». Имом Муслим ривояти.

Абу Уқайл айтади: «Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ҳузурида эдик. Қайси шаҳар биринчи фатҳ қилинади, Константинополми ёки Римми? – деб сўрашди. Шунда у ҳалқаси бор бир сандиқни олиб келишларини буюрди. Сўнг ундан бир китобни олиб, унга қаради ва айтди: Биз Росулуллоҳ ҳузурида у киши айтганларини ёзётган эдик. Шунда: Қайси шаҳар биринчи фатҳ қилинади? Константинополми ёки Римми деб

сўрашди. Росууллоҳо эса: «**Ираклининг шаҳри, яъни Константинопол биринчи фатҳ қилинади**», дедилар». Иқтибос тугади. Шунинг учун Уммат ичидаги бўлиб ўтган ва бўлаётган зарбалар шиддатли ва каттадир. Кофирлар улар орқали Умматнинг умидлари, тириклиги ва олий мақсад сари интилишини синдиришни хоҳламоқда. Кофир жуда кўп қотиллик ва вайронагарчиликларни амалга ошириди, улардан мақсад ноумидлик руҳини пайдо қилиш, ўз режаларига кўндириш ва исломий оламдаги ечимларига рози қилишдир. Масалан 1967 йилда яхудийлар олтида давлат армиясини мағлубиятга учратганидан кейин, кофирлар Умматни парчалашга ҳаракат қилишди. Ироқ ва Афғонистон урушидан кейин эса мусулмонларни руҳан синдиришга уриниб, Афғонистондаги мужоҳидларнинг кофир давлатлар ва БМТ шартларини қабул қилишга ундаш устида тинимсиз ишлашяпти. Бироқ, инша Аллоҳ бунга муваффақ бўлишолмайди. Умматда умид руҳини пайдо қилиш аввало тил бириктирувларни фош қилиб, уларнинг ортида мустамлакачилар малайлари турганини ва бирорта ҳам холис киши бундай тил бириктирувни қилиши мумкин эмаслигини ёритиш билан амалга ошади. Шунингдек, бу мағлубиятлар ҳақиқий эмаслиги, балки улар кофир ва уларнинг малайлари ўртасидаги тил бириктирувлар натижаси эканини фош қилиш билан бўлади.

**7 – Уммат ичидаги жамоий фаолият тушунчасини ёйиш.** Шунингдек, қутилиш йўли мустамлакачиларнинг малайлари ҳамда ҳукуматда иштирок этаётган сиёсий партиялар атрофида эмас, аксинча Умматнинг холис кишилари атрофида йигилиш билан бўлишини тушунтириш.

Демак, Умматнинг холис фарзандлари ортида туриб, жамоий тарзда фаолият қилиш руҳини ёйишни давом эттириш керак. Чунки холис кишилар содиқлик, ихлос ва диққат билан ҳамда бузмасдан ва ўзгартирмасдан Уммат лойиҳасини кўтаришмоқда. Улар Ғарбдан ва унинг тубан сиёсатидан бирор нарса олишгани йўқ. Шунинг учун биз мусулмонларга Росууллоҳо  нинг қуидидаги ҳадисини эслатамиз:

«مَا مِنْ ثَلَاثَةٍ فِي قُرْبَةٍ وَلَا بَدْوٍ لَا تَقْعُمُ فِيهِمُ الصَّلَاةُ إِلَّا قَدْ اسْتَحْوَذَ عَلَيْهِمُ الشَّيْطَانُ، فَعَلَيْكُمْ بِالْجَمَاعَةِ، فَإِنَّمَا يَأْكُلُ الظِّئْبُ الْقَاصِيَةَ»

«Бир қишлоқ ёки саҳрова уч киши бўла туриб (жамоат) намозини ўқишимаса, шайтон улар устидан ҳукмрон бўлиб олади. Шунинг учун жамоатни маҳкам тутинг, чунки бўри (подадан) ажралиб қолганни ейди». (Насоий ривояти). Яна биз уларга Аллоҳ жамоат билан бирга эканини эслатамиз. Шунингдек, мусулмонларни ўз ишларини дин ва шариат билан ўлчашларига даъват этамиз. Уларга яна Росууллоҳо  нинг қуидидаги ҳадисини эслатамиз:

«إِنْ قَدْ تَرْكُتُ فِيْكُمْ مَا إِنْ اعْتَصَمْتُمْ بِهِ فَلَنْ تَضِلُّوا أَبَدًا، كِتَابَ اللَّهِ وَسُنْنَةَ نَبِيِّكُمْ»

«Сизларга икки нарсани ташлаб кетяпман. Уларни маҳкам ушласангиз, ҳеч қачон адашмайсиз. Бири Аллоҳнинг китоби, иккинчиси эса, Пайғамбарининг суннатидир». Ҳоким ривояти.

Кофиirlарнинг жиловлаш сиёсати бўйича олиб бораётган асосий мұхим услугуб ва воситалари мана шулар. Мақсадлари исломий фаолиятга чек қўйиш, мусулмон юртларини истаганларида келиб, хоҳлаганларicha кезиб юрадиган ўзларининг томорқаларига айлантириш ва иқтисодларини кучайтиришдир. Буни ушбу юртларнинг бойликларини талон-торож қилиш, у ерларда бозорлар очиш ва бошқа йўллар билан амалга оширишади.

**Хулоса ўрнида айтамизки,** бу Уммат Қуръон Умматидир. Қуръон ҳар бир оятида бизни куфр ва кофиirlардан огоҳлантиради ва Одам  давридан бошлаб Пайғамбаримиз  давригача бўлган пайғамбарлар билан қилган муносабатларини ва тарихларини эслатади. Бу Уммат жиҳод ва шаҳидлик сари интиладиган, Аллоҳ йўлида бор кучини сарфлайдиган ҳамда душманга қарши курашадиган Умматдир. У арзимас нарсани ҳам кофирга бериб қўймайди. Унга кофиirlар ёқти rmsаларда нусрат, имконият ва барча динлар устидан ғолиб бўлиш ваъдаси берилган. Шунингдек, унга ер юзининг барчаси, шарқи-ю ғарби, шу жумладан Европадаги ғарб ичкарисида бўлган Рим фатҳ қилиниши ҳақида ваъда қилинган. Шундай экан, Аллоҳ Таолодан мана шундай жиловлаш сиёсатини олиб бораётган ёки очиқ урушларни амалга ошираётган мустамлакачилар ва малайлари қаршисида Уммат шавкатини юксалтиришини сўраймиз. Шунингдек, Аллоҳдан яқин кунларда Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик сояси остида бизни жамлашини сўраймиз. Омийн. □

## **КАПИТАЛИСТЛАРНИНГ ЎЗ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАР ЁРДАМИДА МАНИПУЛЯЦИЯ ҚИЛИШИ**

**Доктор Айман Салоҳ  
Фаластин муборак замини**

Ушбу мақолани аввало илмий назариялар воқелигини тушунтиришдан ва улар ёрдамида капиталистлар қандай манипуляция қилиши мумкинлигини баён қилишдан бошлаймиз. Кейин қайси соҳаларда илмий назариялар ёрдамида манипуляция қилиниши мумкинлигини айтиб ўтамиз.

Илмий назариялар – тадқиқот олиб бориш ва илмий метод дея номланган илмий фикрлаш орқали эришиладиган билимлардир. Илмий фикрлаш тажриба қилиш мумкин бўлган ҳис қилинган моддий фактларга чекланади. У ҳис қилинган фактларни собиқ маълумотлар билан боғлашга асосланган ақлий тариқатни қўлладайди. Аммо унинг фарқли белгиси шундаки, фактлар илмий тажрибалар ёки илмий мулоҳазалардир. Собиқ маълумотларга келсак, у ушбу тариқат орқали ҳосил қилинган билимлар йиғиндицидир.

Илмий назариялар асосан гумонли билимлардир. Чунки илмий назарияларда қатъийлик ва аниқлик шарт қилинмайди. Илмий метод фақат тўғри маълумотларни келтириб чиқаради деб тасаввур қилиш хатодир. Чунки кўплаб илмий маълумотлар бир мунча вақт ўтгач нотўғри бўлиб чиқади. Шунинг учун бир-бирига зид бўлган илмий назарияларни учратишмиз мумкин. Чунки воқелик талқини баъзан турлича қарашларни келтириб чиқариши ва гоҳида ихтилоф қарама-қаршилик даражасига етиши мумкин. Мулоҳаза ва тажрибалар натижаларини тушунтирувчи ҳар қандай илмий нуқтаи назар ва илмий фикр илмий назария ҳисобланади. Чора-тадбир ва сиёсатлар илмий усул (метод) орқали яратилган билимлар асосига қурилган бўлса, улар хатога ва асосли бузилишларга мойил бўлади. Ушбу чора-тадбир ва сиёсатлар асосланган билимларнинг хатолиги аниқ бўлганда, уларнинг хатолиги аён бўлади.

Капиталистларни моддий манфаатлар ҳаракатга келтириши ҳеч кимга сир эмас. Улар бошқа ҳар қандай ҳисоб-китобларни эътиборга олмасдан фақат фойдани қўлга киритишга интилишади. Улар инсоний ва ахлоқий қадриятларга эътибор беришмайди. Аслини олганда, кўплаб капиталистик лойиҳалар инсоният учун аниқ зааралидир. Уларнинг фикрича, илмий билимларнинг уларга хизмат қиладиган қилиб соҳталаштирилишига монеълик йўқ. Капиталистик давлатлар ўз сиёсатида капиталистик компаниялар манфаатларини таъмин этишига асосланади. Бу давлатларда ушбу компаниялар ишини осонлаштириш учун қонун ва халқаро ҳуқуқ нормалари белгиланади. Айни шу мақсадни амалга ошириш учун халқаро алоқалар ўрнатилади ва келишувлар

тузилади. Кўп ҳолларда, ушбу чораларнинг илмий билимларга асосланиши талаб қилинади. Шунинг учун илмий назарияларни сохталаштиришга ва алдовга таянишади. Шунингдек, мустамлакачи капиталистик давлатлар ўзларининг халқаро сиёсатларини амалга ошириш учун халқаро муассасалардан қурол ўрнида фойдаланишади. Улар ўз сиёсатларини амалга оширишда илмий майдонда ҳукмронлик қиласидиган бир қанча халқаро илмий муассасалардан ҳам қурол ўрнида фойдаланишади.

### **Капиталистларнинг илмий назариялар ёрдамида манипуляция қилиш услублари**

#### **Биринчи: Баъзи фараз ва назарияларнинг капиталистлар томонидан илмий факт сифатида тақдим этилиши**

Биз илмий назарияларнинг қатъий эмаслигини, балки, энг яхши ҳолатда гумонли бўлишини, баъзан эса шунчаки хаёл ва хурофотдан иборатлигини айтдик. Бироқ, бу назариялар капиталистларнинг манфаатларига хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун улар олға сурилади ва ҳақиқатлар даражасига кўтарилади. Кейин жамиятдаги ҳукмрон илмий оқимнинг бу назарияларни қабул қилгани ҳақидаги сохта хаёлий ҳикоялар тўқиб чиқарилади. Бу назарияни тан олмаган ва унга қарши чиққанлар эса «илмий терроризм»да айбланади. Масалан, баъзи давлатлар ўзларининг сиёсий ва иқтисодий мақсадларига эришиш учун инсон фаолияти глобал исиш ва иқлим ўзгаришига сабаб бўлди, деган назарияни бошқаларга мажбуран қабул қилдиришади. Шунингдек, фармацевтика компаниялари маҳсулотларини сотишга йўл очиш учун баъзи касалликларнинг хавфини бўрттириб кўрсатиб одамларни алдашади.

#### **Иккинчи: Илмий масалаларнинг глобал сиёсий муаммоларга айлантирилиши**

Бу – энергия, иқлим, глобал исиш, биологик хилма-хиллик ва озиқ-овқат муаммоларида кўринади. Бундай масалалар улар ҳақидаги ҳақиқатни билиш учун тадқиқот олиб борилиши мумкин бўлган масалалардир. Бироқ, қудратли давлатлар бу масалаларнинг сайдерамизга таҳдид солаётган глобал муаммолар эканига ҳамда агар глобал миёсда ҳал этилмаса глобал фалокатларга айланниб кетиши мумкинлигига қарор қилишган. Кейин ушбу муаммоларнинг ҳар бири учун муолажа турини белгилашган. Буни амалга ошириш учун халқаро конференциялар ўтказилган, келишувлар тузилган ва барча қитъалардаги дунё давлатларидан уларни имзолаш талаб қилинган. Давлатларга саноат, қишлоқ хўжалиги ва шаҳарларни ривожлантириш соҳасидаги ички сиёсатини ушбу келишувлар доирасида амалга ошириш мажбурияти юкланган. Айрим келишувларда шундай бандлар борки, улар келишув шартлари бажарилмаган тақдирда давлат ишларига чет элнинг аралашувига йўл очади. Баъзида юртнинг табиий бойликлари чет

эл компаниялари томонидан талон-торож қилинишига йўл очадиган бандлар ҳам учраб туради. «Биологик хилма-хиллик»ни асрашга оид келишувларда айни шундай бандларни учратиш мумкин.

Янада тушунарлироқ бўлиши учун глобал исиш ва иқлим ўзгариши назариясини мисол қилиб келтирамиз. Бу – эксприментал фан тўғрилигини тасдиқлаши мумкин бўлмаган назариядир. Бу назарияни рад этган бир қатор тадқиқотлар бор бўлишига қарамасдан, БМТ уни ҳали ҳам глобал муаммо деб билади. 1997 йилда БМТ томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича «Киото протоколи» қабул қилинди, 2015 йилда эса Париж келишви тузилди. Булар иқлим ўзгаришига доир тезкор чоралардир. Бу келишувлар қудратли давлатлар ҳамда капиталистик компанияларнинг сиёсий ва иқтисодий талабларига жавоб беради. Бу – бир томондан қудратли давлатларнинг бошқа давлатлар ишларига ва уларнинг саноат сиёсатига аралashiшларига имкон беради. Бошқа томондан, бу келишувлар қазиб олинадиган ёқилғига таяниш ўрнига қуёш энергияси, шамол энергияси ва биоёқилғи каби янги пайдо бўлган энергия манбаларига кўпроқ таянишга чақиради. Бу эса, янги пайдо бўлган энергия манбаларига сармоя ётқизган компаниялар манфаатига хизмат қиласди.

**Учинчи: Илмий атамалар учун кенг (эркин) таърифлар қабул қилиниши ва уларнинг хоҳиш-истакка мувофиқ ишлатилиши**

Бу фикрга ойдинлик киритиш учун биз «барқарорлик ва барқарор ривожланиш» (Sustainability and sustainable development) атамасидан фойдаланамиз. «Барқарорлик ва барқарор ривожланиш» тўғри тушунчами? Уни бошқа тушунча билан солиштириш мумкинми? «Барқарор ривожланиш» илмий атама бўлиб, у халқаро майдонда йигирманчи асрнинг саксонинчи йиллари сўнггида пайдо бўлди. Кейин глобаллашув, ҳазоратлар тўқнашуви, замонавийлик, постмодернизм, инсон тараққиёти, геномика, информатика ва булардан бошқа бир қатор сиёсий ва сақоғий атамалар қаторида қўллана бошлади. БМТнинг «Озиқ-овқат ва Қишлоқ хўжалиги Ташкилоти» (ФАО) 1989 йилда барқарор ривожланишнинг қўйидаги таърифини қабул қилди: «Барқарор ривожланиш – табиий ресурслар базасини бошқариб ҳимоя қилиш, шунингдек, техник ва институтсионал ўзгаришларни башариятнинг ҳам ҳозирги ва ҳам келгуси авлоди эҳтиёжларининг доимий қондирилишини рўёбга чиқаришни таъмин этадиган тарзда йўналтиришdir. Бундай барқарор ривожланиш (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига) ер ва сувни, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик манбаларини ҳимоя қиласди ҳамда атроф-муҳитга зарар етказмайди. У – техник ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ, ижтимоий жиҳатдан мақбулдир».

Аслини олганда бу таъриф шиорларга яқин бўлиб, унинг якуний чегараси белгиланмаган ҳамда илмий жиҳатдан теран таҳлил

қилинмаган. Шунинг учун БМТ барқарор ривожланиш линиясига кирди ва 2015 йилда «глобал мақсадлар» дея номланган Барқарор ривожланиш мақсадларини қабул қилди. БМТ ўз сиёсатини 170га яқин давлатда амалга ошириш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастурини ишга туширди. Барқарор ривожланишнинг амалда қўлланиши сиёсатчилар билан капиталистларнинг истаклари ўртасида тебраниб (бекарор бўлиб) қолди. Қуйида баъзи мисолларни келтирамиз:

**Барқарорлик ва қишлоқ хўжалиги сиёсати:** Замонавий қишлоқ хўжалиги озиқ-овқатга бўлган талабни қондириш учун қишлоқ хўжалигида юқори маҳсулдор экин навларидан фойдаланишга таянади. Бу навлар табиий чатиштириш усуллари билан ва баъзилари генетик модификациялаш усуллари билан олинади. Генетик модификациялаш усуллари экологик жиҳатдан барқарор бўлмаган амалиётдир. Чунки бу амалиёт атроф-муҳитга ва биологик хилма хилликка хавф туғдиришидан ташкари, ўғит ва пестицид (ҳашаротларга қарши дори) сифатида кўп миқдорда сув ва кимёвий моддалар ишлатилишига олиб келади. Шунингдек, пестицидларнинг экинларга салбий таъсири туфайли ушбу усулнинг инсон саломатлигига хавфлилиги, бу турда етиштирилган маҳсулотлар озукавий қийматининг пастлиги ҳамда генетик жиҳатдан ўзгартирилган экин маҳсулотларининг эҳтимолли хатарлари ҳақида илмий баҳс мунозаралар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги сиёсати нуқтаи назаридан бу ҳам бекарорликка олиб келади. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда бундай ёндашув қишлоқ хўжалигини зааркунандаларга қарши курашиб учун уруғ, илдиз ёки турли навли пиёз етиштирувчи ва тегишли петицидларни ишлаб чиқарувчи хорижий компаниияларга қарам қилиб қўяди. Бу мамлакатлар керакли уруғларни ишлаб чиқара олмайди ва уларни қайта ишлаш учун зарур бўлган кимёвий моддаларга эга эмас. Бироқ иқтисодий муаммога ва уни ҳал қилишга капиталистик нуқтаи назардан қараш доирасида илм-фан бу усулни илгари суришда давом этмоқда. Шунингдек, унга «аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашнинг идеал ечими» сифатида таянмоқда. Бу эса, юқори маҳсулдор экин навларини етиштиришни ва уларга керакли кимёвий моддаларни ишлаб чиқаришни монополия қилиб олган капиталистик компаниялар манфаатига хизмат қилмоқда.

**Қоғоз ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишдаги барқарорлик:** Қоғоз чиқиндиларини йўқ қилишнинг анъанавий йўли уларни ёқиб юборишdir. Бироқ, бу амалиёт бекарорлик деб аталган. Бу бир томондан карбонат ангидриднинг чиқишига олиб келса, бошқа томондан, уни ёқиб юборилиши оқибатида қоғоз хом ашёсидан, яъни ёғоч целялюзасидан яна жуда кўпини ишлаб чиқаришга олиб келади, бинобарин, табиат ресурсларини тугашига сабаб бўлади. Барқарор ривожланишга мувофиқ таклиф этилган ечим қоғозни қайта ишлашdir. Лекин қоғозни қайта ишлаш учун ишлатилган қоғозларни ҳамма жойдан

тўплаб чиқиш керак бўлади. Бу амалиёт жуда кўп юк машиналарини, шунингдек, йиғиш ва ташиб воситаларини талаб қиласди. Бу амалиётларнинг барчасида кўп энергия сарфланади ва бу ҳавонинг булғанишига ва карбонат ангидрид чиқиндиларининг кўпайишига олиб келади. Бундан ташқари, қофозни тозалаш ва қайта ишлаш амалиётида жуда кўп миқдордаги кимёвий моддалар ва энергия сарфланиши керак. Натижада, қофоз аслига солиширганда сифатсиз бўлади. Кейин бу амалиёт яна такрорланади, натижада ҳаво булғаниши ортади. Хўш, бу икки амалиётнинг қайси бирини барқарорлик деб аташ мумкин?

**Баъзи озиқ-овқат экинларидан биоёқилғи ишлаб чиқаришдаги барқарорлик:** Барқарор ривожланиш назарияси баъзи озиқ-овқат экинларидан биоёқилғи ишлаб чиқаришга ундали ва бу озиқ-овқат инқизорзини кучайтириди. Мисол учун Бразилияда бир қатор тадқиқотчилар маккажўхори ва шакарқамишдан биоёқилғи ишлаб чиқаришнинг барқарорлик эмаслигини, бу атроф-муҳитга зарар келтириб, озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир қилишини ва тупроқнинг карбонатланишига олиб келишини аниқладилар. Шундай бўлса-да, сиёсатчилар ва БМТ маккажўхоридан биоёқилғи ишлаб чиқариш учун фойдаланишни «барқарор ривожланиш»нинг бир қисми, деб ҳисоблашмоқда.

#### **Тўртинчи: Меъёр ва спецификациялардаги манипуляция**

Буни тушунтириш учун меъёр ва спецификациялардан иккита мисол келтирамиз: Биринчи: саломатлик ва касаллик меъёрлари. Иккинчи: атроф-муҳит меъёрлари ва спецификациялари.

Тиббиёт соҳасида соғлом инсоннинг меъёрлари кўрсатилган. Бу меъёрлар инсон танасидаги ўзгаришларнинг ўлчовларидан иборат. Масалан, қон ҳужайралари сони ва турлари, қон босими миқдори, бир дақиқада юрак уришининг сони, қондаги гармонлар концентрацияси, қондаги шакар концентрацияси, холестерин концентрацияси, липид концентрацияси, карбамид кислотаси концентрацияси ва бошқалар. Одатда, бу ўлчовлар соғлом инсонда энг паст ва энг юқори чегараларга эга. Илмий назарияга кўра, нормадан ташқарида бўлган ҳар қандай кўрсаткич касаллик белгисидир. Аслида, бу одам касал бўлмаслиги мумкин. Чунки назарий жиҳатдан соғлом одамлар учун ўртача кўрсаткичлар кўрсатилган. Шубҳасиз, шундай ҳолатлар бўладики, бу ўлчовлар диапазондан ташқарида бўлади ва шу билан бирга одам мутлақо соғлом бўлади. Шунингдек, ҳар қандай маълумот атроф-муҳит ва психологик таъсирларга жавобан ўзгариши мумкин. Капиталистик компаниялар айниқса даволанишни ва доимий тиббий ёрдамни талаб қиладиган сурункали касалликларга нисбатан, меъёрий диапазонга тўғри келадиган ўлчовларни қабул қилишни тавсия этишга тайёр.

Масалан қандли диабет: Диабетга чалинган одамга ташхис қўйиш ва касаллик даражасини аниқлаш бўйича бир нечта тестлар ва кўрсатмалар

мавжуд. Энг машҳур тестлардан бири қон шакарини очлиқда текширишдир (FSB). Ушбу тест, қондаги шакар миқдорини кўрсатадиган қийматни бериши учун, саккиз соат давомида овқат ейишдан сақланилганидан кейин ўтказилади. Агар бу қийматлар 70-99 мг/дл оралиғида бўлса, улар нормал ҳисобланади. Агар қийматлар 100-125 мг/дл оралиғида бўлса, бу «Prediadetes» дея номланувчи диабетдан олдинги босқични кўрсатади. Агар қийматлар 126 мг/дл га етса ёки ундан кўтарилса, бу диабетни кўрсатади.

Келинг, «диабетнинг бўсағаси» дея ҳисобланган 126 мг/дл қийматига тўхталайлик. Агар биз бироз ортга қайтсан, бундан фарқли рақамлар диабетнинг чегаралари деб ҳисобланганига гувоҳ бўламиз. 30 йил олдин тасдиқланган кўрсаткич 140 мг/дл эди. Хўш, бу ерда рақамни камайтиришдан мақсад нима? Тиббиёт тили билан айтганда «даволанишни қанчалик тез бошласак, шунча яхши» тамойили асосида, бу даволанишни эрта бошлаш ва даврий текширувларни давом эттириш демакдир. Бу тамойил ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Бу шуни англатадики, одамларнинг бир қисми даволанишдан ўтар экан, хавотирлар исканжасида қолади. Диабет касаллиги ҳақида айтганларим қон босими, холестерин ва бошқа касалликларга ҳам тўлиқ мос келади.

Даволаниш ва даврий текширувлар бошланадиган чегараларни (диабет бўсағасини) пасайтиришдан ким фойда кўради? Бундан биринчи навбатда фармацевтика компаниялари фойда кўради. Диабет бўсағасининг 140 дан 126 гача пасайиши билан бирга дунёда миллионлаб янги беморлар пайдо бўлади. Бизнес тили билан айтганда, бу компаниялар фойдасининг миллиардларга ошганини англаради.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг 2016 йилги диабетга доир ҳисоботига кўра, дунёда диабет касаллигига чалингандар сони 1980 йилда 108 миллион кишини ташкил қиласа эди. 2014 йилда касалликка чалингандар сони 422 миллионга, яъни тўрт баробарга ошди. Бутун дунёда 18 ёшдан катталар орасида диабетга чалиниш кўрсаткичи 1980 йилда 4,7 %ни ташкил қиласа эди. 2014 йилда бу кўрсаткич 8,5 %га кўтарилиди. Ҳисоботга кўра, бутун дунё бўйлаб касалликнинг тарқалишига одамларнинг овқатланиши, ҳаракатланиши ва турмуш тарзидаги ўзгаришлар сабаб бўлади. Аслини олганда, касалликка чалингандар сони кўпайишининг асосий сабабларидан бири касаллик бўсағасининг ўзгаришидир. Халқаро диабет федерациясининг 2017 йилдаги баёнотига кўра, бутун дунёда диабетга сарфланган маблағ 727 миллиард долларни ташкил этган.

Атроф-муҳитни ифлослантириш меъёрлари соҳасида чиқиндиларни чиқарадиган мамлакатлар ва корхоналар экотизимдаги мувозанатни бузмаслиги учун маълум спецификацияларга жавоб бериши керак. Аммо баъзида бу спецификациялар халқаро экологик ташкилотлар томонидан тасдиқланган муайян технология ёки қурилмалардан ўтгандагина тўғри

деб ҳисобланади. Бундай технология ва қурилмалар тарғибот қилинади ва бу билан капиталистик компаниялар турли мамлакатларда ўз лойиҳаларини амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Бундай лойиҳаларга канализация ва қаттиқ чиқиндиларни тозалашда, фабрикалар чиқарган газларни филтрлашда муайян технологияларга таяниш... зарар етказилиши мумкин бўлган экологик тизимларни тиклашнинг муайян усулларини жорий этиш..., маълум ҳудудларни қўриқхона, деб белгилаш ва булардан бошқа лойиҳаларни мисол қилиш мумкин.

**Бешинчи: Капиталистлар саноат компаниялари манфаатлари йўлида нотўғри натижалар берадиган тадқиқотларни молиялаштирадилар ва ўз истакларига зид бўлган натижаларни берадиган тадқиқотларни молиялаштиришдан бош тортадилар:**

Соҳта илмий тадқиқот амалиёти илмий жамоатчиликда яхши маълум. 2018 йил май ойида «Nature» халқаро журнали 1500та тадқиқот шарҳини<sup>1</sup> нашр қилди. Ушбу тадқиқот шарҳида асосий эътибор «REPRODUCIBILITY» (эмпирик илмий билимларни қайта ишлаб чиқариш имкониятидаги кризис)га қаратилган. Маълум бўлишича, тадқиқотга киритилган олимларнинг 2 фоизи ушбу илмий натижаларда соҳталаштириш амалиётига йўл қўйилганини тан олишган.

Капиталистик компаниялар ўз маҳсулотларини илгари суриш учун кўпинча соҳта тадқиқотларга таянадилар. Бундай ёндашув бир қатор соҳаларда, хусусан, овқатланиш ва саломатлик соҳасида амалга оширилмоқда. Саноат компаниялари кўпинча ўз манфаатларига мос келадиган натижаларни ишлаб чиқариш учун илмий тадқиқотларни молиялаштиради. Масалан, ўзини нотижорат ташкилот деб атайдиган ва турли корпорациялар томонидан молиялаштириладиган Халқаро Ҳаёт Фанлари «ILSI» институти. Унинг қароргоҳи Вашингтонда жойлашган бўлиб, бутун дунё бўйлаб 17та филиалга эга. Институт тавсифида айтилишича, у «умумий манфаатлар учун илм-фан, одамлар саломатлиги ва фаровонлигини яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» билан шуғулланади. Бироқ, олимлар, журналистлар ва тадқиқотчилар<sup>2</sup> томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ILSI жамоат саломатлигини эмас, балки озиқ-овқат саноатини ҳимоя қилувчи, жумладан, баҳсли озуқавий қўшимчаларни ҳимоя қилувчи, шунингдек, салбий фикр ва тадқиқотларга қарши курашувчи лобби институтдир. Бу институт АҚШда овқатланиш бўйича тавсияларга сезиларли таъсир кўрсатади.

<sup>(1)</sup> Monya Baker, «1500 scientists lift the lid on reproducibility», Nature, May 2018.

<sup>(2)</sup> 2020 йил апрел ойи учун корпоратив бухгалтерия ҳисоботи. Corporate Accountability, 2020, PARTNERSHIP FOR AN UNHEALTHY PLANET: How big business interferes with global health policy and science.

1965 йилда Шакар Тадқиқот Жамғармаси (SRF) Гарвард университети олимларини лойиха 259 деб номланган тадқиқотни ўтказиш учун молиялаштирди. Тадқиқотнинг мақсади шакарни истеъмол қилиш ва юрак касалликлари ўртасидаги боғлиқликни йўқ қилиш ва айбни тўйинган ёғларга ўтказиш эди. Тадқиқотнинг биринчи натижалари умидни оқламагач, Жамғарма томонидан молиялаштириш тұхтатилди ва натижалар нашр этилмади. Бу ҳақда PLOS BIOLOGY илмий журналида хабар берилди<sup>1</sup>.

2015 йилда The New York Times газетаси Coca-Cola компанияси семиришнинг нотўғри овқатланиш ва газланган ҳамда шакарли ичимликлар истеъмоли билан боғлиқлигини рад этувчи баъзи диетологларни молиялаштиргани ҳақида хабар берди. 2016 йилда Associated Press ҳам шакар ишлаб чиқарувчилар томонидан сохта тадқиқотлар молиялаштирилгани ҳақида хабар берди. Бундай тадқиқотларда ширинлик истеъмол қилган болалар ширинлик истеъмол қилмайдиган болалардан камроқ вазнга эга қилиб кўрсатилди. Худди шу нарса ноқулай тадқиқотларга босим ўтказиш билан танилган фармацевтика компанияларига ҳам тегишли.

### **Олтинчى: Утилитар мақсадлар йўлида илм-фанни сақофий билимлар билан аralаштириш:**

Илмий журналлар фақат моддий масалаларга тааллуқли ҳамда тажриба ва кузатишларга асосланган илмий тадқиқотларни нашр этади. Улар эътиқод, дин ёки диний аҳкомлар каби дунёқарашга асосланган мақолаларни нашр этишмайди. Бундан ташқари, улар диннинг илмий билимга ҳар қандай аralашувини рад этадилар. Аммо капиталистик саноат компаниялари олдидаги муаммо шуки, кўпчилик мусулмонлар ҳалол сертификати бўлмаган озиқ-овқатларни рад этадилар. Ислом оламининг баъзи мамлакатларида маҳсулот импорт қилинишидан олдин «Ҳалол» сертификатини олиши кераклиги талаби пайдо бўлган. Бу ҳолат исломий мамлакатларда ва Farbdagi мусулмонлар орасида кўплаб маҳсулотларнинг сотилишига путур етказди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи компаниялар мусулмон олимлардан ҳалол маҳсулот учун техник шартларни белгилашни сўраб мурожаат қилишди. Шундай қилиб, айрим уламолар истеъмол қилиш ман этилган моддаларнинг ҳақиқатини ўрганишга киришдилар. Улар озиқ-овқат, фармацевтика, косметика ва бошқаларда бундай моддалардан фойдаланишнинг бошқа имкониятларини излай бошладилар. Олимлар бу моддаларнинг қандай ишлаб чиқарилиши ва ишлатилишини кузатдилар, сўнг улардан фойдаланиш тақиқланган ҳолатларни ва

<sup>(1)</sup> Kearns CE, Apollonio D, Glantz SA (2017) Sugar industry sponsorship of germ-free rodent studies linking sucrose to hyperlipidemia and cancer: An historical analysis of internal documents. PLoS Biol 15(11): e2003460. <https://doi.org/10.1371/journal.pbio.2003460>.

улардан фойдаланишга рухсат берилган ҳолатларни тилга олдилар. Ушбу тадқиқотларга киритилган моддаларга спирт, гиёхванд моддалар, ҳайвонлардан олинган айрим моддалар ва бошқалар киради. Бу тадқиқотларнинг барчаси, дин таъсирида бўлган ҳар қандай нарсани нашр этишдан бош тортиб келган илмий журналларда нашр этилди. Синчиклаб ўрганилса шу нарса аён бўладики, фақат мўътадил фикрлар, яъни барча Ислом уламолари томонидан тақиқланган маҳсулотлардан фойдаланиш ва уларни истеъмол қилишга рухсат берган фикрларни ўз ичига олган илмий мақолаларгина нашрга қабул қилинади. Бу мақолалар маҳсулотларнинг мусулмонлар орасида сотилишида реклама вазифасини ўтагани учунгина нашр қилинади.

**Мақола якуннида шуни айтмоқчиманки,** унда келтирилган илмий назария ва фаразларнинг аксарият мисоллари уларни инкор этиш ёки тасдиқлаш учун эмас. Балки мустамлакачилар ва капиталистик компанияларда инсоний ва ахлоқий қадриятларнинг йўқлигини баён қилиш учундир. Чунки улар сиёсий қарорлар ва саноат амалиётларида ушбу назариялардан фойдаланишар экан, ҳеч қандай қадриятга риоя қилишмайди. Инсоният қудратли давлатларга, шунингдек, уларнинг қуроли бўлган халқаро ташкилотлар ва халқаро шартномаларга қарамлиқдан холос бўлишга муҳтож. Инсоният учун капиталистлар ҳукмронлигидан мустақил бўлган илмий тадқиқот марказлари керак. Чунки мустақил тадқиқот марказларигина ҳар қандай масалада тўғри хуносаларни чиқарадиган илмий тадқиқотларни олиб боради. Бундай марказлар тадқиқотлари қўллаб-қувватловчи томоннинг манфаатларига эмас, балки, инсоният манфаатига хизмат қиласади. Инсоният манфаати учун хизмат қиласадиган бундай тадқиқот марказлари фақат Халифалик давлатида бўлиши мумкин. □

## **БРИТАНИЯНИНГ МАҒРИБ ЙОРТЛАРИДАГИ ТАЪСИРИ ИЛДИЗЛАРИНИ БОШИДАН ОХИРИГАЧА ГЕОСТРАТЕГИК ЎРГАНИШ**

**Муножий Муҳаммад**

Хорижий таъсир ҳамда ундан келиб чиқадиган қарамлик ва малайлик масаласи жуда ҳам чигал ва мураккаб масаладир. Чунки у ҳукуматнинг тор доиралари, унинг қоронғи хона ва бурчаклари билан боғлиқ ўта нозик ва яширин маълумотларни талаб қиласди. Шунингдек, қарамлик табиатини, шу жумладан малайлик ва унинг манзилини фарқлаш учун ҳодисалар, фактлар ва хатти-ҳаракатларни кузатишда ўта аниқликни талаб қиласди. Хорижий таъсир ва ундан келиб чиқадиган қарамлик ва малайлик масаласи ҳалқаро сиёsat ва ҳалқаро муносабатларнинг тузилиши билан боғлиқ. Шунингдек, бу масала ҳалқаро вазият ва ундаги асосий иштирокчилар ҳамда ҳалқаро муносабатлар ва ҳалқаро сиёsatда таъсирга эга ва якуний қарор чиқарадиган биринчи давлатга чамбарчас боғлиқдир. Шуни билиш лозимки, тарих давомида дунёни йирик давлатлар, хусусан биринчи давлат назорат қилган. Йирик давлатларнинг кучлар мувозанатидаги ҳар қандай ўзгариш ҳалқаро позиция ва муносабатлар ҳамда ҳалқаро сиёsatдаги ўзгаришга таъсир қиласди. Шунингдек, қарам ва малай давлатларнинг йўналишига таъсир қиласди. Шунинг учун буларнинг барчасини ҳалқаро майдон ва саҳнда содир бўладиган фавқулодда ўзгаришлар билан ўзаро муносабатда бўлган ҳолда ва илғор тарзда англаш лозим. Токи, ҳалқаро сиёsatни тушуниш ҳамда мустамлакачи кофир ва мусулмон юртлардаги унинг хоин малайларининг функционал давлатларни пайдо қилишларидаги ҳалқаро сиёsat ва унинг даҳшатли оқибатларини англаш мумкин бўлсин.

Ўн саккизинчи аср бошланар экан, вақт ўз йўлида давом этди. Умматнинг стратегик вужуди бўлмиш Халифалиги заифлашди. Давлат танасида парчаланиш ва бўлиниш юз берди. Таназзул бошланиб, давлатнинг самарали фикрий ҳаракати фалаж бўлди. Вазият мураккаблашиб, давлатнинг муаммолари кучайди. Сўнгра Европада саноат инқилоби рўй берди ва кучлар мувозанати ўзгарди. Европаликлар ёвуз капиталистик мабдани қабул қилишгач, Ислом давлати вайронагарчилик нишонига, Исломни йўқ қилиш эса стратегик ғояга айланди. Мусулмон юртлар ва уларнинг бойликлари тамагирлар нишонига айланди. Кейин ўн тўққизинчи аср келди ва у Европанинг капиталистик асрига айланди. Чунки кофир Европа давлатлари исломий юртларни бирин-кетин босиб олди. Сўнгра исломий таназзул бошланди.

Бизнинг ушбу тадқиқотимиз ғарбий исломий юртлардаги, шу жумладан Мағриб юртларидағи ажнабий таъсир тўғрисида. Модомики, ўн тўққизинчи аср Европанинг мустамлакачилик асри бўлган экан, демак, у ғарбий исломий юртларга тааллуқли ҳалқаро сиёsatни ўрганиш ва тушунишда ҳал қилувчи ўринда турадиган тарихнинг бошланишидир.

Чунки бу Британия нуфузи ғарбий исломий юртларга ўз уруғини экиши ва илдизларини ўрнатиши даври бўлди.

### **Ўрта ер денгизининг мустамлакачи Британия сиёсатидаги аҳамияти**

Ўрта ер денгизи ҳар доим ҳазоратлар ва халқлар тарихидаги энг муҳим геостратегик нуқталардан бири бўлиб келган. Бу денгиз мустамлакачи кучлар ва уларнинг савдоси учун сувдаги энг муҳим ўтиш жойига айланар экан, Европа мустамлакачилиги учун янги аҳамият касб этган эди. Шунингдек, у мустамлакачи Европа давлатлари учун стратегик нишонга айланди. Чунки бу денгиз Европа, Африка ва Осиё қитъаларини бир-бирига боғлайди ҳамда бўғозлари ва каналларининг дарвозалари билан маҳкам мухрлангандир. Гибралтар орқали Атлантика океанига, Дарданелл ва Босфор орқали қора денгизга, Миср ва Сувайш орқали қизил денгизга туташади. Бу бўғозлар худди шиша (идиш) бўйнига ўхшайди, улар унинг навигациясини чеклайдиган ва ҳатто ҳаракатини фалаж қиласидиган қулф ва бўғувчи нуқталардир. Ким шу бўғозларга ҳукмрон бўлса, Ўрта ер денгизига ҳукмрон бўлади.

Шундай қилиб, 19-асрнинг боши Европа мустамлакачилигининг юксалиши ва Ўрта ер денгизи устидан Европа назорати ўрнатилишининг бошланиши ҳисобланади. Биринчи стратегик мақсад Ислом давлати яъни Усмоний давлатни йўқ қилиш, Исломни халқаро майдондан ва халқаро сиёсатдан четлатиш бўлса, Ўрта ер денгизи, унинг жанубий ҳавзаси ва унга чегарадош давлатлар мустамлакачиларнинг нишонига айланган эди. Мустамлакачилар бу юртларга уруш қилиш ва мустамлака этиш керак бўлган юртлар деб қарашди. Шу сабабдан, ушбу юртлар Усмоний Халифалик географиясининг бир қисми бўлгани учун Халифаликни парчалашни исташди. Энг муҳим ўтиш йўлларига эгалик қилишни ҳамда навигация ва глобал савдо, мустамлакачилик олдидаги эшиклар ва қулфлар устидан ҳукмронлик қилишни кўзлашди. Ўрта ер денгизи ва унинг жанубий ҳавзаси бўйича мустамлакачилик тўқнашуви ўн тўққизинчи аср бошларида Европанинг йирик давлатлари ўртасида қизғин бўлди.

Француз армияси мағлубиятга учраб, Ўрта ер денгизининг шарқий дарвозаси бўлган Мисрни босиб олишда Наполеоннинг ҳарбий юриши мудаффақиятсизликка учрагач (Бу Британия флотининг 1801 йилдаги зарбаси билан амалга оширилган бўлиб, унда Французлар флоти вайрон қилиниб, бутунлай сувга чўкиб кетган эди) Франция таслим бўлиш ва Мисрдан Британия кемалари бортида чиқиб кетиш ҳақида шартномани имзолади. Сўнгра Британия Пруссия билан

Францияга қарши иттифоқ тузди. 1815 йили Ватерлоо уруши бўлиб, унда Франция Пруссиядан мағлубиятга учради. Бу Наполеон Банапарт империясининг сўнгги боби ва Француз амбицияларининг тугаши ҳамда Францияниң чекиниш даври ва Британияниң Ўрта ер денгизи ҳавзаси устидан ҳукмронлик қилиш даври бўлди.

Ватерлоодаги мағлубият 1815 йилдаги Вена конференциясига ҳамда Пруссия, Россия, Австрия ва Британия каби йирик давлатларнинг розилигисиз Франция минтақавий ўзгаришларни амалга оширмаслиги учун конференцияда қўйилган чекловларга бевосита асос бўлди. Шундан сўнг Британия конференцияда «Исломий давлатнинг Ўрта ер денгизидаги дengiz flotining маркази ва қароргоҳи бўлган Жазоирни Ўрта ер денгизидаги Мағриб қароқчилиги деб аталган бандга кўра белгилаш ва уни йўқ қилиш зарурлиги тўғрисида меморандум тақдим этди. Конференция иштирокчилари Британияга Ўрта ер денгизи ҳавзасида Европа қитъаси учун нима фойдали эканини кўриб чиқиш ҳуқуқини беришиди ва у дengiz устидан устунликни қўлга киритди.

### **Бошқалардан фойдаланиш ва иттифоқлар тузиш Британия мустамлакачи сиёсатининг моҳиятидир**

Британияниң бошқаларни жалб қилиш ва иттифоқларни мустамлакмлаш бўйича фаол сиёсати Францияни мағлуб этиш ва унинг амбицияларини йўқ қилишда энг катта таъсир кўрсатди. 1814 йилда унинг бюджети тахминан 88 миллион фунт стерлингни ташкил этди ва шундан 10 миллиони иттифоқчиларга ажратилди. Ўшанда Британия Ватерлоо жангидаги Француз уруши учун Австрия ва рус аскарларининг катта қисмини жалб қилган. Иттифоқлар тузиш ва бошқаларни жалб қилиш сиёсати бу Британияниң кам сонли аҳолиси ва орол сифатидаги тор географиясидан келиб чиқиб амалга оширадиган ишларидандир. Франция Наполеоннинг мустамлакачилик урушида мағлуб бўлгач, Британияниң дengiz floti кучайди ва мустамлакачилик қудрати ошиди. Шунингдек, бу империя халқаро сиёsat ва халқаро тижорат устидан назоратни қўлга киритди. Шунинг учун Ўрта ер денгизини Британия дengизига айлантириш ва унинг жанубий ҳавзасини ўз нуфузига бўйсундиришга ҳаракат қилди. Мағриб юртлари бошдан оёқ Британияниң мустамлакачилик бўрони нишонига айланди.

Шундай қилиб, халқаро вазият Британияниң халқаро сиёсатига бўйсунди ва ҳатто халқаро низоми Британия тинчлиги деб аталди. Сўнг дунё харитасини ва халқаро сиёсатининг хусусиятларини чизди. Ўшанда Британия дengiz ўртасидаги бир орол бўлиб, аҳолиси яшashi учун орол торлик қилганидан оролдан чиқиб кетиши табиий эди.

Лекин улар ташқарига чиққанларида айирбошлаш товари ва пули йўқлигидан савдогар эмас, балки халқларнинг қонини сўриб, бойликларини талон-тарож қиласидиган ўғри ва мустамлакачи бўлиб чиқиши.

Улар мустамлакачи капиталистик мабдасини қабул қилгач, ўғирлик кучайди. Мустамлакачилик жиҳати уларнинг ёмон табиати билан уйғунликда илдиз отди. Шундай қилиб, Британия юқори даражадаги мустамлакачи давлатга айланди.

Британия аҳолисининг камлиги сабабли (зоро, унинг 1814 йилдаги аҳолисининг сони 16 миллион бўлган) ўзидан аҳолиси кўп бўлган кучга ёлғиз ўзи қарши тура олмас эди. Шунинг учун у ўзининг демографик ва географик муаммосини бошқа халқлар ва давлатларни мустамлака қилиш сиёсатидан фойдаланиш орқали ҳал қилишни хоҳлади. Бу стратегия давлатлараро иттифоқлар, конференциялар ва битимлар кўринишида бўлди. Шунинг учун бошқаларни жалб қилиш (шерик қилиш) ва иттифоқлар тузиш Британия ташқи сиёсатининг асоси бўлган эди. Бундан ташқари, ушбу демографик ва географик геостратегик муаммо ташқи сиёсатда ҳарбий моддий ҳаракатларни иккинчи даражали қилиб қўйди. Аксинча, унинг сиёсатчилари ва капиталислари орасида ҳарбий ҳаракатлар ва ҳисобсиз кенгайиш империяни қуритади ва қулатади деган фикр ҳукмрон эди. Шундай қилиб, сиёсий ҳаракатлар унинг мустамлакачилик найзасининг учига айланди ҳамда халқаро мувозанатни сақлаш унинг стратегик устувор йўналишларидан бири сифатида мустамлакачиликка хизмат қилди.

Британия Ўрта ер денгизи дарвозаларини назорат қилиш муҳимлигини англади. Шунинг учун у 1704 йилнинг бошида Гибралтар қоясини ўз назоратига олди. 1815 йилги Вена конференцияси тадбирлари орқали Ўрта ер денгизи ҳавзасида муҳим ютуқларга эришди. Шундай қилиб, у ўзининг фаол савдогарлари, жосуслари ва элчилари орқали ўзининг жанубий ҳавзасидаги мусулмон юртларга кириб борди. Улар ҳукумат доираларига кириб, Тунис, Жазоир ва Марокаш мамлакатларининг ташқи масалалари бўйича маслаҳатчиларга айланишди. Франция флоти йўқ қилинганидан кейин, бутун Ўрта ер денгизи ҳавзаси бўйлаб ўз ҳукмронлиги ва мустамлакачилигини кенгайтириш учун у дуч келган стратегик муаммоси Усмоний Халифаликнинг Жазоир вилоятидаги денгиз флоти эди. Ундан холос бўлиш Британиянинг стратегик мақсади эди. Шунинг учун қароқчиларга қарши кураш номи остида унга зарба бериш мақсадида иттифоқлар тузди. Сўнгра уни бутунлай йўқ қилиш учун ҳужум ортидан ҳужум уюштирди. Кейин 1815 йили

Лорд Эксмут ҳужуми бўлди, унда АҚШ Жазоирга қарши урушда иштирок этди. 1816 йил 27 августда голландиялик Ван Каплан иштироқида Жазоир провинциясига қарши уруш бўлди. Аммо Исломий давлатнинг Жазоирдаги флоти қаттиқ қаршилик кўрсатди. Британия бу ишни бартараф эта олмагач, 1818 йилда Ахен конференциясида Жазоир масаласи кўтарилиди ва конференцияси ҳисоботи таҳдиддан иборат бўлди. Жазоир томонидан унинг шартлари рад этилгач, Британия 1824 йили провинцияга яна ҳужум қилди. Бошқаларни жалб қилиш ва уларни ўзига таҳдид қилувчи хавф хатарлар олдига қўйиш сиёсатига мувофиқ йўқотиб қўйган Францияни топиб олди. 1827 йили Франция Жазоир соҳилларини қамал қилишда қатнашди ва шу боис, 1830 йили Жазоир провинциясини босиб олиши осон бўлди.

### **Британиянинг мустамлакачилик сиёсатида Франциядан фойдаланиши**

Унинг Франциядан фойдаланишига келсак, француз халқи ўз инқилобидан бошлаб эркинлик ғоясини олий индивидуал хусусият сифатида қабул қилди. Бу ғоя илдиз отар экан, уларга индивидуализм ҳукмрон бўлиб қолди. Бунинг натижасида улар орасида кучли бошқарув ва кучли ҳукумат камдан-кам учрайдиган бўлди. Бу эса Британияга ўз мақсадлари йўлида ундан фойдаланиш имконини берди. Шундай қилиб ўн тўққизинчи асрда Британия агар ўзининг мустамлака миңтақасига хавф туғилса ўзи билан бирга туриши учун Францияни шерик қилиш ва жалб қилишга ҳаракат қилди. Шунингдек, ўзига туғилаётган хатарларга ўзидан олдин уни солди. Ҳатто «Британия Франциянинг охирги аскари қолгунича жанг қилади», деган гап тарқалди.

Шундай қилиб, Британия Франциянинг Жазоирни мустамлака қилишига ёрдам бериш орқали Ўрта ер денгизидаги Халифаликнинг денгиз флотига қарши туриш ва зарба беришда ундан фойдаланди. Буни тарихий далил ва ҳужжатлар тасдиқлайди. Барча кўрсатгичлар инглиз флоти французларнинг Жазоирни босиб олишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилганини тасдиқлайди. Ҳатто Франция ҳарбий денгиз кучлари бош қўмондони адмирал Добери «Агар Британия бизнинг кучларимизга ҳужум қилса, Франция ҳужумни қайтара олмайди» деган эди. Шунингдек, у Франция ўз мақсадига эришиши учун Франция ва Британия ўртасидаги музокаралар узоқроқ давом этишини орзу қилган ва бу ҳақиқатда рўй берган. Кейин Британиянинг Жазоирдаги бош консули Сент Жоннинг позицияси ҳақида айтадиган бўлсак, Усмоний Халифанинг Жазоирдаги волийси Дорий Ҳусайн ундан Франциянинг ҳужуми хатарлари ҳақида сўради.

Шунда консул: «Кутиб туринг Франция охир оқибат чекинади ва Британия сизларни қўллаб-қувватлайди», деб жавоб берган эди. Лекин охирида Франция чекинмаслиги ва Британия Жазоирни қўллаб-қувватламаслиги маълум бўлган. Тўғрироғи, Британия дипломатиядан қочиш ва рақибга ханжар санчиш учун ўзининг самарали қороли бўлмиш «Ёлғон ва алдаш»дан фойдаланган ва Франция Жазоирни босиб олганда сукут сақлаган. Ҳатто Британиянинг Марокашдаги бош консули Дреймонд Хей (Унинг бош консул этиб танланиши Хейнинг ўзи ўз ҳукуматини Британия Марокашнинг энг кучли ва вафоли дўсти эканлигига ишонтиргани ҳамда унинг бу масалада тажрибаси борлиги, катта алоқалари ва дипломатик маҳорати кучли бўлгани билан боғлиқ эди) сарой аҳли ундан Жазоир масаласи бўйича тўғри маслаҳат беришини сўрашганида (уларнинг мақсади бу ҳақда Марокаш сultonни Абдураҳмонга етказиш бўлган эди) у агар Абдураҳмон Францияяга қарши чиқса фалокатга дучор бўлишидан огоҳлантирган эди. Шунингдек, тинчлик сиёсати Марокашга энг яхши манфаатлар келтиради деган эди.

Шундай қилиб, Британия Францияни Усмоний Халифаликнинг Ўрта ер денгизидаги денгиз флотига зарба бериш учун Жазоир давлатини босиб олишига ундаdi. Бундан мақсад, Британия ўзининг денгиз узра ҳукмронлигини кенгайтириш эди. 1830 йилда Жазоирнинг босиб олиниши ўша йилдаги Лондон протоколи, сўнгра 1832 йилги Лондон конференцияси билан бир вақтга тўғри келди. Унга кўра, Британия Грецияни Халифалик давлатидан чиқариб юборди. Шундай қилиб, Британия Ўрта ер денгизи шарқий дарвозаси устидан назоратни қўлга кириди. Кейин ўзига таҳдид қилаётган хавф хатарларни олдини олиш ва мувозанатни сақлаш учун Францияни жалб қилиш ва ишлатишда давом этди.

Франция халқаро мувозанатни сақлаб қолиш учун ҳамда Франко Пруссия уруши (1870-1871) оқибатида немислар қўлида аччиқ мағлубият ва хорликни бошдан кечирди. У ҳаддан ташқари катта молиявий товон тўлади ва Эльзас ва Лотарингия мintaқаларини бой берди. Кучини йўқотиб, турли дараҷадаги фалокатларни бошдан кечирди. Кейин Италия юксала бошлади ва Британия билан рақобатлашди. Италия Африканинг жанубий дарвозаси бўлмиш Тунисга кўз тикиди. Италиянинг амбицияларини чеклаш учун Британия Тунисни Усмоний Халифаликнинг вилоятларидан эканини таъкидлаб, унга савдогар, элчи ва жосуллари орқали ўз таъсирини йўналтиришда давом этди. Аммо Британия-Италия рақобати ва тўқнашуви давом этди. Кейин 1878 йилдаги ҳалокатли Берлин конференцияси

ўтказилиб, унда Усмоний Халифаликнинг исломий давлат сифатида мавжудлигига барҳам бериш ва вилоятларини бўлиб олишга келишилди. Бу Халифа Абдулҳамид иккинчининг исломий бирлашиш фикри кенг тарқалган пайтга тўғри келди. У исломий Умматни қайта бирлаштириш ва давлат кучини қайта тиклашни мақсад қилган эди. Бу ғоя европаликлар учун муаммо туғдира бошлади. Ғояни кўмид ташлаш ва давлатни парчалаш ва мустамлакачилик суратини тезлаштириш учун Берлин конференцияси бўлди. Кейин Германия канцлери Бисмарк билан унинг инглиз ҳамкасби ўртасида учрашув бўлди.

Британия мустамлакачилиги Усмоний Халифаликнинг Ўрта ер денгизидаги охирги қароргоҳи бўлган Тунисни изоляция қилиш, денгиз сувларидан ажратиш ва ундаги ҳаракатларини фалаж қилиш ҳамда уни Франция мустамлакачилиги остида қолдиришдан иборат бўлди. Британиянинг яширин мақсади эса, Италияниг йўлини кесиш, мағлубиятга учраган Францияни куч воситалари билан таъминлаш эди. Буни у Европа мувозанатини сақлаб қолиш ва Пруссияниг Ўрта ер денгизи ҳавзасига етиб боришига тўсқинлик қилиш мақсадида қилди. Шундан кейин Британия Ўрта ер денгизининг шарқий дарвозаси узра чангалини мустаҳкамлаш учун Кипрни эгаллади. Шундай қилиб, Британия Тунис ва Кипрни Усмоний Халифалик танасидан ажратиб олди. Франция Тунисни босиб олиши ва Британиянинг таслим бўлиши Европа мувозанатини сақлаш ва Италия ҳавфини олдини олиш ва Усмоний Халифалик биносини парчалаш учун бўлган эди. Ҳатто Британия ташқи ишлар вазири Солсбери идорасидан унинг Париждаги элчисига ёзган ёзишмаларида «Британия Францияниг Тунисда ўз таъсири ва мустамлакачилик доирасини кенгайтиришига эътиroz билдирамайди», деган эди. Шундай бўлди ҳам: Британия Тунисни Францияга топширди, Франция уни қабул қилиб олди ва мустамлака қилди. Францияниг Тунисни мустамлака қилиши 1881 йил 12 майда Бардо мустамлакачилик шартномасини имзолаганидан кейин бошланди. Бу билан Франция Британиянинг устунлиги, ҳукмронлиги ва назоратини сақлаб қолишга қаратилган буюк стратегиясига хизмат қилди. Шундай қилиб Британия дунёнинг аксарият жойларини мустамлака қилди ва шер усулини қўллади. Ўз империясини сақлаб қолиш учун Францияни дастурхондати ушоқлар билан рози қилди.

Шундай қилиб, Британиянинг Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги таъсири Шарқдан Миср, Судан, Греция Кипр юртларига ғарбдан эса узоқ Мағриб юртларигача чўзилди. Британия сув йўлларини назорат қилиш, бўғоз ва каналларни тўсиш тўғрисидаги катта стратегияси

орқали ҳукмрон бўлиб олди. Британия бу билан ўзининг денгиз флотини, иқтисодий ва ҳарбий мустамлакачилик қувватини таъминлаш ҳамда савдони назорат қилишга эришди. Британия халқаро савдо-сотиқни қўлга олиб, юртларни босиб олди ва талонторож қила бошлади.

Узоқ Мағриб юртлари ҳам бундан мустасно эмас эди. Чунки Британияниң савдогарлар, айғоқчилар, элчилар ва консуллар орқали юртларга кириб бориб уларни назорат қилиш одати бор эди. Масалан Марокашда британиялик савдогарлар Марокашнинг исломий Халифаликдан ажралиши оқибатида у ердаги тор доира, хусусан султон саройига кириб боришди. Натижада Марокашда «Барбар юртлари» номли биринчи инглиз компанияси ташкил этилди. Унинг тафсилотлари 1585 йилга яъни Аҳмад Мансур Саъдий ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Инглиз тарихчиси Б. Ж. Рожерс шундай эслайди: Британия қироличаси саройга мактуб ёзиб, Марокаш билан 12 йил давомида барча тижорат фаолиятининг ягона монополияси бўладиган компания ташкил этишни таклиф қилди. Бу инглизларнинг бойлиги ва таъсирини кучайтирди ва Марокашни иқтисодий жиҳатдан ўраб олди. Марокаш ҳукмдори улар тузоқ қўйишаётганини англамади, аксинча, ушбу расмий шартнома божхона органларига солиқ тўлашдан бўйин товлаган хорижлик савдогарлар билан бўлган муаммоларни ҳал қиласи деб ўйлади. Шундан кейин инглиз савдогарлари саройнинг ташқи сиёsatдаги маслаҳатчиси бўлиб қолишди. Кейин бу вазифани консул ва элчилардан иборат жосуслар ўз бўйнига олишди. Улардан энг кўзга кўрингани жосус, вазир ва фавқулодда элчи Жон Драймонд Хей бўлиб, у учта султон билан замондош эди. Улар султон Абдураҳмон (1820-1859), Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (1859-1873) ва Ҳасан биринчи (1873-1894)лар эди. Драймонд яна сарой шароитини яхши биладиган ва унда катта таъсирга эга кишилардан эди. У ярим аср давомида Ўрта ер денгизи ҳавзасининг ғарбий дарвозасини назорат қилиш бўйича Британияниң Марокашдаги стратегиясини амалга оширди. У султонлар ва одамларни хорижий душман хусусан Франция ундан кейин Испанияга қарши инглизларнинг маккорона алдаши орқали бошқарди.

У «Британия учун манфаатли бўлган барча нарса Марокаш учун ҳам манфаатлидир» ва Британия Марокашга маслаҳат берадиган ягона дўстдир деган ёлғон ва маккорона тамойилга асосланиб иш юритди. Лозим бўлган пайтда султонларга босим беришдан ҳам тортинимади. У буларнинг барчасида Британия флотининг Ўрта ер денгизи, шу жумладан Гибралтар бўғози ва Мағрибнинг жанубий

дарвозаси устидан бўлган ҳукмронлигини сақлаб қолиш бўйича Британия стратегиясини амалга оширди. Танжер шаҳри эса Британия стратегиясида мұхим аҳамиятга эга эди. Чунки у Гибралтар бўғозининг жанубий қисми, шимолдан эса Гибралтар қоясига қарама-қарши жойлашган бўлиб, Ўрта ер денгизининг Атлантика океанига ўтиш дарвозаси ҳисобланар эди. Шунингдек, у Британия консуллари ва элчилари учун қароргоҳ бўлиб, кейинчалик алоҳида статус олди.

### **Англо-Франция қураши**

Франция 1848 йили ўзининг миллий ҳудудининг бир қисми сифатида Жазоирни аннексия қилганини эълон қилди. Шу орқали ўз кучини қайта тиклаганини ва немисларга қарши Ватерлоо жангидаги мағлубияти муаммоси ҳал қилинганини намоён қилди. Шунинг учун Марокашни жигига тега бошлади. 1844 йилда Исли жанги бўлди, унда Мағриб аскарлари тор мор этилди. Босқинчи Француз қўшинлари қўмондони, генерал Пежо Марокаш марказидаги Таза ва Фесу юришини давом эттиришни хоҳлаган эди. Аммо Британияning аралашуви кескин бўлди. Британия ташқи ишлар вазири Францияning Лондондаги мұваққат ишлар вакилига шундай деди: «Мен жаноб Пежога муаммо яратмоқчи эмасман. Аммо ишончингиз комил бўлсинки, Францияning Марокашдаги маълум бир жойни босиб олиши Британияга қарши урушга тенг бўлади». Шундай қилиб, Франция Британия томонидан ўзига юклangan вазифа чегарасидан чиқмаслиги учун ўз уйига қайтарилиди. Британия ўзининг бу сиёсатини Марокашдаги саройга нисбатан мұғомбирлик ва маккорлик сиёсати, деб атади. Чунки бу сиёсат уни шарафли қироллик билан бирлаштириди. Шунингдек, бу сиёсати Танжерда истиқомат қилувчи фавқулодда вазир ва элчисига 1856 йилдаги иттифоқ орқали Британияning Мағриб ўртларидағи стратегияси мақсадларини рўёбга чиқаришга йўл очди. Бу иттифоқнинг ўттиз саккизта банди бўлиб, Марокашни Британияning мустамлакачилик таъсирига бўйсундириб, саройни инглизларга гаровга қўйди. Бу ҳақиқатда ҳарбий кучсиз ифлос ва маккорона мустамлака иттифоқи эди. Кейин бошқаларни жалб қилиш ва ишлатиш одатига кўра Испанларни Марокашнинг шимолий қисмiga киргизиб, рақобатлашувчи кучларни ғарбий қирғоқдаги Ўрта ер денгизи сувларига кириши олдига тўсиқ қилиб қўйди. 1860 йили Испания-Марокаш уруши бўлди ва унда Британия ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни эълон қилди. 1860 йил апрелида эса икки томон ўртасида испан босқинчиси фойдасига тинчлик шартномасини эълон қилди. Шундай қилиб, Британия Испанияning Марокаш шимолига кириши учун Марокаш деворида тешикни пайдо қилди.

## **Мағриб давлатлари узра Англо-Германия кураши**

Кейин (1870-1914) халқаро майдон ва унинг стратегик географиясида туб ўзгаришлар юз берди. 1871 йилда Германия федерациялари бирлашганидан кейин Германия империяси ташкил топди. Сўнг немис чоризми тарихи бошланди. Бу халқаро вазиятнинг ўзгаришига олиб келди ва Британиянинг мустамлакачилик ҳукмронлиги ва таъсирига жиддий хатар солди. 1884 йили Германия империяси Британиянинг Африкадаги мустамлакалари борасида у билан рақобатлаша бошлади. Кўп ўтмай Германия хусусан 1904 йили халқаро майдонда етакчиликни ўз зиммасига олди. Германия денгиз флотининг юксалиши, қуруқлиқдаги энг кучли қўшинга эга бўлгани туфайли кучлар мувозанатини ўз фойдасига ўзгартириди. Кейин мустамлакачилик тўқнашувларининг оқибатлари халқаро саҳнада сузишни бошлади. Ушбу оқибатлардан бири Марокашдаги мустамлакачилик вазияти бўлиб, Германия мустамлака чизиғини тепалади. Шунинг учун Британия масалани олдиндан билиб, Францияни ўз таъсирини ҳимоя қилиши учун қалқон сифатида ишлатиб, Германия хатари қархисига қўйди. Кейин Британия ва Франция ўртасида 1904 йил, 8 апрелда иттифоқ тузилди. Унга кўра марказий Марокаш Францияга топширилди. Ундан мақсад Германиянинг амбицияси ва хатарини камайтириш ҳамда Британиянинг халқаро вазият устидан бўлган назоратини қайта тиклаш учун Европадаги мувозанатни қайта тиклаш бўлди. Бу эса Германияни иттифоққа ёвуз душманларча қарашига олиб келди. (1905-1906) йиллари Марокашнинг мустамлакачилик ҳолати билан боғлиқ халқаро инқироз юзага келди. Бунда инглизлар Французларнинг позициясини қўллаб-қувватлаши аниқ эди, чунки бу инглизларнинг ўзларининг позицияси эди.

Кейин 1906 йилда Марокашни Европанинг мустамлакаси сифатида тақдирини ҳал қилиш учун яшил орол конференцияси ўтказилди. Унинг натижасида Марокаш Британиянинг «оқ фотихаси» билан Франция ва Испания ўртасида бўлиб олинди. Ушбу конференциянинг ғалати томони шундан иборатки, унда Марокаш делегацияси раҳбари қатнашмади ва Британия ҳийлакор сиёсат қўллади. Марокашни мустамлака қилиш ва уни Франция ва Испанияга топширилиши Британиянинг стратегик сиёсати бўлиб, мақсад Германиянинг амбицияларини ва Британиянинг мустамлакачилик таъсирига бўлган хатарини чеклаш ҳамда Европа мувозанатини тиклашга қаратилди. Аммо Германия Британия ўртасидаги рақобат, зиддият ва мустамлакачилик тўқнашуви кучайиб кетди. Шунинг учун Германия 1911 йил 1 июнда Марокашни босиб олишга ҳаракат қилди. Кейин

ўзининг «Пантер» ҳарбий кемасини Акадир шаҳрига юбориб, у ерни бомбалаш билан таҳдид қилди. Бу Султон Абдулҳафизни ағдариш учун Фез саройини қамал қилиш билан бир вақтда рўй берди. Шунинг учун Франция аралашиб, қамални бузди ва инқироз Германиянинг Марокашдаги амбицияларидан воз кечиши эвазига Конгонинг бир қисмини олиши билан якунланди. Шундан сўнг 1912 йил 30 марта Франциянинг Марокашни мустамлака қилгани эълон қилинди.

Бироқ Германия хатари кучайиб, Британиянинг мустамлакачилик таъсирига жиддий хавф туғдирди ва кучлар мувозанати Германия фойдасига ўзгарди. Шунда Британия ўзининг мустамлакачилик ҳукмронлиги билан баҳслашаётган ва Европа давлатлари мувозанатини бузган Германияга зарба бериш учун уруш қўзғатди ва дунёни Биринчи жаҳон урушига тортди... Шундай қилиб, Британия можарони ўз фойдасига ҳал қилмоқчи бўлди. Бу ерда исломий давлатни бира тўла йўқ қилиш мақсади ҳам бор эди. Британия буларнинг барчасида Францияни ишлатди ва ундан Европа мувозанатини сақлаш ва хавф хатар олдини олишда фойдаланди. Уруш Германия хатарига якун ясаш ва исломий давлатни йўқ қилиш билан тугади. Натижада ҳалқаро вазиятни бошқариш Британия қўлига ўтди. Шунингдек у ҳукмрон ва назорат қилувчи ҳамда ҳалқаро қарорлар қабул қилувчи ва ҳалқаро сиёsatни ишлаб чиқарувчига айланди. Унинг Ўрта ер дengизидаги таъсири элчилар, консуллар ва айғоқчилар тармоғи орқали ҳамда Францияни сув йўллари ва глобал савдони назорат қилишда ўз манфаати ва стратегиясига хизмат қилдириш учун жалб қилиш ва ишлатиш орқали давом этди.

### **Британия Мағриб давлатларини мустамлака қилиш папкасини Франциядан олди**

Ҳозир ҳалқаро вазият ўта беқарор ва ўзгарувчандир. Бу беқарорлик ва ўзгаришлар йигирманчи асрнинг 30 йилларида бошланган бўлиб, у коммунистик Совет иттифоқининг кучайиб бориши ва унинг Европа кучлар мувозанатига хатар туғдириши ва Германия саҳнасида рўй берган ўзгаришларда намоён бўлди. 1933 йил Германия парламенти нацистлар партияси раҳбари Адольф Гитлерга мамлакат канцлери этиб тайинланганидан кейин ҳеч қандай чекловларсиз бошқарув ҳуқуқини берди. Гитлер бир неча ой ичida армияни қайта қуроллантиришга эътибор қаратган ҳолда ҳарбий саноатни жонлантиришга киришди. Шундан сўнг Германия ўзининг мустамлакачилик ташқи сиёsatини бошлаб, Австрия, Чехословакия, ва Полшани босиб олди ҳамда Европадаги мувозанатни бузиб, ҳалқаро позицияни эгаллади. Германия Британия империяси учун жиддий хатарга айланди. Бу Британияни Европа мувозанатини

тиклаш учун Германияга зарба бериш, шунингдек Россиядаги коммунистик режимни йўқ қилишга уриниш учун дунёни иккинчи жаҳон урушига тортишга ундади.

Уруш 1939 йилнинг 1 сентябрида бошланди ва немис қўшинлари Европани босиб олди. Энг муҳим воқеа 1940 йилнинг баҳорида, Германия бир ярим ойдан озроқ вақт ичидан Францияни босиб олганда рўй берди. Босқин 1940 йил, 10 майда бошланиб 1940 йил 14 июнда Франция таслим бўлганидан кейин Париж қаршиликсиз қулади. Бу нарса Франция майдонида ва мустамлакаларида катта тартибсизликларга сабаб бўлди. 1940 йил 22 июнда Франция француз маршали Филипп Петен томонидан таслим бўлиш тўғрисида имзо чекди. Кейин Франциянинг марказида Германия империясига бўйсунувчи Виши ҳукумати ташкил этилди. Шундай қилиб, Германия бутун Францияни босиб олди. Виши ҳукумати орқали Жазоир, Тунис ва Марокашдаги мустамлакалари папкасини қўлга киритди. Марокаш бош президенти Ногиес Париждаги ишғол ҳукуматига содиқлигини эълон қилди. Франция 1944 йилнинг декабригача Германия истилоси остида қолди. Аммо бундан олдин 1942 йил 8 ноябрда Марокашнинг Атлантика соҳилидаги Сафи, Касабланка ва Кенитра шаҳарлари ҳамда Ўрта ер денгизидаги Оран ва Жазоирга Инглиз ва Америка кучлари ташланди. 1943 йил 14 январда Марокашнинг Касабланка шахрида Анфа конференцияси бўлиб ўtdи. Унда Уинстон Черчилл, Франклайн Рузвельт, ва Франция қаршилик ҳаракати аъзолари генерал Де Голь ва генерал Жури ҳамда Марокаш қироли Мұхаммад бешинчи ва унинг валиаҳд шаҳзодаси Ҳасан иккинчилар қатнашишди. Конференция уруш йилларида ўтказилиб, унда урушнинг бориши ва унга оид масалалар кўрилди. Генерал Де Голь конференцияда қатнашишга иккиланиб қолди. Аммо Британия бош вазири Черчилл унга босим ўтказиб, Франция қаршилик ҳаракатининг Германияга қарши операцияларни бошқариб турувчи Британиядагиофисини ёпиб қўйиш билан таҳдид қилди. У ўзининг норозилигига ва француз сиёсий қарори Британия сиёсатининг гаровига айланганини билишига қарамай, АҚШ хайриҳоҳлиги остида таклифни қабул қилди. Кейин Франциянинг Жазоир ва Марокашдан иборат мустамлакалари иши Британия қўлига ўтди ва Америка ҳам бунга хайриҳоҳлик билдириди. Конференция минтақага ўз интилишлари билан янги келган Америка нуқтаи назарига кўра, Британиянинг Ғарбий Ўрта ер денгизидаги ўрнини қайта тиклаш ҳамда Жазоир, Тунис ва Марокаш папкасини қайта қўлга киритиш учун бўлган эди.

Иккинчи жаҳон уруши 1945 йил 2 сентябрда тугади. Бироқ унинг бу галги натижаси Британияга қарши бўлди. Чунки у урушдан

қовурғаси синган ҳолда чиқди ва Британия империясининг куч-қудрат даври тугади ва заифлик даврига кирди ва халқаро мавқе Британия қўлидан Америка қўлига ўтди. Лекин унинг заифлиги уни халқаро майдондан ҳайдаб чиқаришни англатмайди. Чунки у ўз мустамлакаларини ҳамдўстлик номи билан қўлида ушлаб турди. Қолаверса, кўпгина Ислом давлатлари унинг таъсири ва назорати остида давом этди. Францияга келсак, унинг учун Жаҳон уруши оқибатлари ҳалокатли бўлди. Бунга мисоллар кўп масалан, Франция Германия томонидан босиб олинди... Германия ишғоли остидаги Вичи ҳукумати даврида унинг мустамлакачилик сиёсати тартибсизликка маҳкум бўлди... Кейин Франция озодлиги ҳаракати ҳам Лондоннинг қоқ марказидан бошқариладиган, яъни Британия сиёсатига бўйсунадиган бўлди... Чунки Озод Франция кучлари Британия раҳбариятининг буйруғи билан ҳаракат қиласидиган бўлганди. Бу кучлар заиф ва хор бўлгани сабабли конференцияга бир-бири билан рақобатлашадиган иккита раҳбарни, яъни генерал де Голль билан генерал Жируни чақириб, шу орқали уларни Франция давлатининг вакили сифатида эмас, балки француз ҳарбий қаршилигининг етакчилари сифатида таклиф қилинганини таъкидлади. Шу билан муҳокамаларни халқаро сиёсат борасида эмас, балки фақатгина ҳарбий сиёсатга чекланишини таъминлади. Халқаро сиёсат масалалари бўйича муҳокамалар эса, Рузвельт ва Черчилл ўртасидаги иккитомонлама учрашув ва матбуот анжуманида бўлиб ўтди. Кейин, 1943 йилнинг августида де Голль ва Жиру қўшинлари Англо-Америка қўмондонлигига тобе бўлган бирлашган Озод Франция кучлари қўмондонлигига бирлаштирилди. Бир вақтнинг ўзида, босиб олинган франциянинг қўшинлари эса, Германия ва Совет қўмондонлиги остида эди.

(Давоми бор) □

## Ватикан папаси журналистларга черковдаги жинсий можароларни фош этишда ёрдам бергани учун миннатдорчилик билдириди

Рим папаси Франциск Рим католик черкови дастлаб яширишга уринган руҳонийларнинг жинсий зўравонлик можароларини фош этишда ёрдам бергани учун журналистларга миннатдорчилик билдириди. Рим папаси журналистика «миссияси»ни юқори баҳолади ва интернетда тез-тез учраб турадиган нотўғри маълумотларга қарши туриш учун журналистлар янгиликлар бўлимидан чиқиб, ташқи дунёда нима содир бўлаётганини билиши жуда муҳимлигини айтди. Рим папаси «Черков ичидаги хато ҳақида бизга хабар берганингиз ва буни яширмасликка ёрдам берганингиз учун... ва зўравонлик қурбонларига ҳамдардлик билдирганингиз учун раҳмат», дея қўшимча қилди. Бу сўзлар Рейтер агентлиги мухбири Филип Болилла ва Мексиканинг «Noteiros» телевидениеси ходими Валентина Алазрачини Ватиканни ёритган узоқ йиллик фаолияти учун тақдирлаш маросимида айтилди.

**Ал-Ваъй:** Бу юракдан қилинган миннатдорчилик эмас, балки ночорлиқдан қилинган миннатдорчилиқdir. Очилмаган жинсий можаролар эса бекиёс кўплигича қолмоқда. Бу можаролар уларнинг катта руҳонийларига таъсир қилиши таъкидланади, оддийларига келсак, улар ошкор этилмайди, айниқса улар ўзаро бўлган бўлса... Сабаб эса, битта бўлиб, у турмуш қуриш ва фарзанд кўришда инсон фитратига зид ҳаёт кечиришdir. Бунга сабаб эса, диндаги бузилишdir.

## Закариё Бутроснинг «Исломни таҳқирловчи» видеороликлари ортидан Мисрда баҳс мунозаралар яна кучайди

Яна Мисрлик собиқ руҳоний Закариё Бутроснинг (87 ёш) Ислом ва Пайғамбаримиз Мұхаммад ﷺ ни таҳқирловчи видеороликлари тарқалди. Ҳақоратли сўзлар билан ажralиб турувчи бу роликлар ҳақида Қоҳирадаги Қибт черкови жавоб берди. Маълумки, бу руҳоний ёпилишидан олдин Ислом ва мусулмонларни ҳақорат қилишда айбланган насроний диний каналда ўн йилдан кўпроқ вақт давомида дастурлар бериб келган. Православ черкови видеороликларнинг қайта тарқалишига изоҳ берар экан, Бутрос билан муносабатлари 18 йил олдин узилганини қайд этиб,

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>хақоратли видеороликларни қоралашини билдириди. Черков үз баёнотида давом этиб: «Кейин у Құшма Штатларга борди ва үз учрашувларини үйлар ва мәхмоналарда үтказди ва Лос Анжелес епархияси үз халқини ўша пайтда уни қабул қылмаслик ҳақида огохлантириди» деди. Ижтимоий тармоқларда Бутроснинг видеоларига норозиликлар билдирилди. Бу ерда ушбу видеолар Яқин Шарқдаги энг иирик насроний гурӯҳ бўлмиш қибтийлар яшайдиган Мисрда мазҳаблараро низоларга олиб келиши ҳақида хавотирлар бор.</p>		
<p><b>Россия прокурори юртдаги энг қадимги ва энг эътиборли инсон ҳуқуқлари ташкилотини тарқатиб юборишни талаб қилмоқда</b></p>		
<p>Россиядаги милодий 1989 йилда ташкил этилган энг қадимги ва энг эътиборли инсон ҳуқуқлари ташкилотининг пайшанба куни қилган баёнотига кўра, Россия прокуратураси олий судга «Мемориал» нодавлат ташкилотини тарқатиб юбориш тўғрисида сўров юборди. Ташкилот бу ишни «сиёсий» қадам деб қоралади. Ташкилот үз баёнотида у «хорижий агентлар» қонунини «тизимли равишда бузиш»да айбланаётгани ва Россия расмийлари уни 2016 йилда «хорижий агентлар» рўйхатига киритганини тушунтириди. Рўйхат ташкилотлардан, оммавий ахборот воситаларидан ёки манфаатдор шахслардан үзларининг барча нашрларини, жумладан, ижтимоий тармоқларда ҳам эълон қилишларини ва зерикарли маъмурий тартиб қоидаларга риоя қилишларини талаб қилади. Мемориал баёнотида «биз бу қонунни суд томонидан мустақил ташкилотларга қарши ноқонуний восита сифатида чиқарилганини аввал ҳам бир неча бор таъкидлаганмиз ва уни бекор қилишни талаб қилганмиз», дейилади. Уни рўйхатдан олиб ташлаш учун йиллар давомида ҳуқуқий кураш олиб борган «Мемориални тарқатиб юбориш учун қонуний асос йўқ деб ҳисоблаймиз», деди. Унинг таъкидлашича, прокуратура сўрови «Мемориални йўқ қилишга қаратилган сиёсий қарордир». Унинг расмий сайтида олий суд 25 ноябр куни прокуратура сўровини кўриб чиқиши керак, дейилади. Россия адлия вазирлиги 2015 йилда мана шуни талаб қилиб сўров юборгандан сўнг, олий суд мемориални тарқатиб юборишни рад этди. Россия ҳукумати сўнгги ойларда нодавлат нотижорат ташкилотлар, мустақил оммавий</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирорадидир. Унга зулм килмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
ахборот воситалари ва мухолифатга босимни кучайтириб, уларнинг аксариятини «хорижий агентлар» рўйхатига киритди.		
<b>Ал-Ваъй:</b> Албатта Россия фикрга қарши чиқиш ва тайёр айбловлар борасида бошқа репрессив давлатлардан фарқ қилмайди. Шунинг учун бундай қарорлар қонунларни бузишдан кўра кўпроқ репрессив сиёsat ҳисобланади.		
<b>БМТ ташкилоти дунё бўйлаб қочқинларнинг сонини маълум қилди</b>		
<p>БМТнинг қочқинлар бўйича олий комиссарлиги жорий йилнинг биринчи ярмида бутун дунё бўйлаб ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлган қочқинлар сони 84 миллиондан ошганини айтди. Олий комиссарлик қочқинларнинг бу даражада ортиб кетиши Африкадаги можаролар сабабли эканини таъкидлаган. БМТнинг қочқинлар бўйича олий комиссари Флиппо Гранди: «Халқаро ҳамжамият зўравонлик, таъқиблар ва инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини ололмаяпти. Шунинг учун аҳолини уйлардан кўчириш давом этмоқда. Бундан ташқари иқлим ўзгаришининг оқибатлари мажбурий кўчирилган одамлар яшайдиган ҳудудлардаги заиф нуқталарнинг жиддийлашишига олиб келмоқда», деди. Унинг қўшимча қилишича, БМТ қочқинлар бўйича олий комиссарлиги кўчиш билан боғлиқ вазиятни кузатувчи 33та давлатда январ-июн ойлари давомида 4,3 миллиондан ортиқ янги ички миграция ҳолатларини қайд этган. Унинг таъкидлашича, бу ўтган йилга нисбатан кескин ошишdir. Кучайган зўравонлик Конго, Эфиопия, Афғонистон, Мозамбик, Мянъма, Жанубий Судан ва Ғарбий Африка соҳил бўйи давлатларида кўп сонли одамларнинг кўчирилишига олиб келган. Комиссия рақамлар бутун дунё бўйлаб ҳукуматлар ва уларнинг идораларидан келганини айтди. Шунингдек, бу рақамларни нодавлат ташкилотларнинг маълумотлари билан тўлдирилганини қўшимча қилди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Афтидан, Гранди «Халқаро ҳамжамият зўравонлик, таъқиблар ва инсон ҳуқуқлари бузилишини олдини ололмаяпти...», дея тескари таҳлил қилаётган кўринади. Чунки у аслида, айни бузилишнинг сабабчиси халқаро ҳамжамият, хусусан Ғарбdir, дейиши керак эди. Демак унинг сўзларида фактлар бузиб кўрсатилган ва сохталашибилган.</p>		

## Ироқ ва Афғонистондаги чиқиндиilar ёнғини... Истеъфодаги америқалик аскарларни тутун құвмоқда

АҚШ ҳарбийлари Ироқ ва Афғонистондаги ҳар қандай нарсалар, электроника, кимёвий моддалар, махфий файллар, контрабанда товарлари, пластмасса ва ҳатто портлаган транспорт воситаларидан халос бўлиш учун ёқиш чуқурларидан фойдаланган. Улар ёниш жараёнини тезлаштириш учун самолёт ёқилғисини ташлашган. Ундан эса ҳаддан ташқари сассиқ ҳидлар чиқади. Чиқиндиҳоналар улар яшайдиган жойга яқин бўлган... 11 сентябрдан кейинги урушларда қатнашган ва ё нафас олиш касаллигига ёки саратон касаллигига чалинганик гумони билан ташхис амалиётига жалб қилинган бошқа минглаб инсонлар ҳам бор, аммо уларнинг ҳаммасига ташхис қўйиш жуда кўп вақт талаб қиласди. Уруш фахрийлари ишлари бўйича департамент «ёқиш чуқурларининг соғлиққа таъсирларини ва бошқа заарларини яхшироқ ўрганиш» мақсадида 2014 йилда ёқиш чуқурлари реестрини ишлаб чиқди. Ҳозиргача 200000 дан ортиқ одам рўйхатдан ўтган, бироқ тақдим этилган нафақа тўловлари бўйича даъволарнинг аксарияти рад этилган. Маълум қилинишича, президент Жо Байден 2015 йилда вафот этган ўғли Бонинг ўлимини унинг Ироқдаги ёнғин чиқиндиҳоналари билан боғлиқ эканини кўп марта такорлаган. Унинг ўғли Делавер армиясида миллий гвардияда майор бўлиб хизмат қилган ва 2008 йилдан 2009 йилгача Ироқда ҳарбий хизматда бўлган. Байден жорий йилнинг май ойида ҳарбий хизматчилар олдидаги нутқида ўғли Ироққа «Соғлом йигит сифатида бориб, мия шиши билан қайтгани, чунки унинг томоғи ўша куйишлардан заарланганини» айтган.

**Ал-Ваъй:** Американинг бошқаларга қарши амалга оширган урушлари натижасида пайдо бўлган турли фожиалардан кўпчилик шикастланмоқда. Қуролнинг ривожланиши ҳатто ундан фойдаланганлар учун ҳам эътибордан четда қолмайдиган оқибатларга олиб келмоқда. Аммо бу фойдаланишни тўхтатиш эҳтимоли йўқ. Чунки урушлар ортида жиноятчи капиталистлар тоифаси турибди. Farrell ҳазорати ҳатто ўзи ва ҳалқи учун ҳам хавфли ва ҳалокатлидир. Шундай экан, дунёни ундан қутқариш лозим. □

## ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

﴿وَقُلْ أَلْحُقْ مِنْ رَبِّكُمْ فَمَنْ شَاءَ فَلِيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلِيَكُفُرْ﴾

**«Айтинг: (Бу Қуръон) Парвардигорингиз томонидан (келган) ҳақиқатдир. Бас, ҳоҳлаган киши имон келтирсин, ҳоҳлаган кимса кофир бўлсин»**

﴿وَأَتْلُ مَا أُوحِيَ إِلَيَّكَ مِنْ كِتَابٍ رَّبِّكَ لَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَتِهِ وَلَنْ تَجِدَ مِنْ دُونِهِ مُلْتَحِدًا وَاصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الْذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهِمْ بِالْغَدْوَةِ وَالْعَشَيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ وَلَا تَعْدُ عَيْنَكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ رِزْنَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَلَا تُطْعِمَ مَنْ أَغْفَلْنَا قَلْبَهُ وَعَنْ ذِكْرِنَا وَأَتَيْبَ هَوْلَهُ وَكَانَ أَمْرُهُ فُرُطًا وَقُلْ أَلْحُقْ مِنْ رَبِّكُمْ فَمَنْ شَاءَ فَلِيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلِيَكُفُرْ إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلظَّالِمِينَ نَارًا أَحَاطَ بِهِمْ سُرَادِقُهَا وَإِنْ يَسْتَغْيِثُوا بِمَاءٍ كَالْمُهْلِ يَشْوِي الْوُجُوهَ بِئْسَ الشَّرَابُ وَسَاءَتْ مُرْتَفَقًا﴾

«27. (Эй Мұхаммад), сиз фақат ўзингизга вакиүй қилинганды Парвардигорингизнинг Китоби Қуръоннигина тиловат қилинг! Унинг (Аллоҳнинг) сүзларини ўзгартирувчи иштеп. Ҳаргиз Ундан ўзга бирон паноҳ топа олмассиз. 28. Сиз ўзингизни эртаю, кече Парвардигорларининг юзини-розилигини истаб, Унга илтижо қиласындаған зотлар билан бирга тутинг! Қўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга ахли дунёларга боқмасин)! Ва Биз қалбини Бизни зикр қилишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи-нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг! 29. Айтинг: «(Бу Қуръон) Парвардигорингиз томонидан (келган) ҳақиқатдир. Бас, ҳоҳлаган киши имон келтирсин, ҳоҳлаган кимса кофир бўлсин». Аниқки, Биз золим-кофирлар учун алангаларади дўзахиларни ўрабчирмаб оладиган дўзахни тайёрлаб қўйгандирмиз. Агар улар (ташналиқ шиiddатига чидамай) сув сўрасалар, эритилган (доғланган) ёғ каби юзларни куйдиргувчи сув берилур. Накадар ёмон ичимлик у, нақадар ёмон жой у!» [Каҳф 27-29]

Биринчи оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида айтадиган бўлсан, у Салмон, Абу Зар, Суҳайб, Аммор, Хаббоб ва бошқа камбағал саҳобалар ҳақида нозил бўлган. Бу шундай содир бўлган эди:

Уяйна ибн Ҳусайн, Ақроъ ибн Хорис ва шу каби күнгиллари Исломга ошно қилинувчи кишилар Росууллоҳ ﷺ олдига келиб: «Эй Аллоҳнинг Росули агар сиз мажлис марказида ўтириб, анави (әгнига жун жубба кийган) камбағалларни ва уларнинг ёқимсиз ҳидларини биздан четлатсангиз биз сиз билан бирга ўтириб сиздан дин таълимими олардик. Чунки бизни сизнинг олдингизга киришдан ўшалар түсяпти», дейишди. Юқоридаги оят нозил бўлгач, Росууллоҳ ﷺ уларни излай бошладилар ва уларни масжиднинг охирида Аллоҳни зикр қилган ҳолда топдилар. Сўнгра, мени Умматимдан бўлган кишилар билан бирга бўлишга буюрган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Тириклик ва ўлим сизлар билан биргадир, деди.

**Сайид Қутбнинг «Қуръон соясида» номли тафсирида шундай келади:**

﴿وَأُتْلُ مَا أُوحِيَ إِلَيَّكَ مِنْ كِتَابٍ رَّبِّكُ لَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَتِهِ وَلَنْ تَجِدَ مِنْ دُونِهِ مُلْتَحَدًا﴾

((Эй Мұхаммад) сиз фақат ўзингизга вахий қилинган Парвардигорингизнинг китоби Қуръоннигина тиловат қилинг. Унинг (Аллоҳнинг) сўзларини ўзгартирувчи йўқдир. Ҳаргиз ундан ўзга бирон паноҳ топа олмассиз). Аллоҳ Таоло ушбу оятда ўз Росулини Роббиси вахий қилган нарсани тиловат қилишга буюряпти. Бунда фаслул хитоб (аниқ-равshan хитоб) мавжуд бўлиб, унинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб уни ботил қила олмас ва у ёлғиз Аллоҳга интилишдир. Уни ёлғиз Аллоҳнина ҳимоя қиласи. Каҳф соҳиблари унга интилган эди, Аллоҳ уларни ўз раҳматига буркади.

﴿وَأُتْلُ مَا أُوحِيَ إِلَيَّكَ مِنْ كِتَابٍ رَّبِّكُ لَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَتِهِ وَلَنْ تَجِدَ مِنْ دُونِهِ مُلْتَحَدًا﴾

((Эй Мұхаммад) сиз фақат ўзингизга вахий қилинган Парвардигорингизнинг китоби Қуръоннигина тиловат қилинг. Унинг (Аллоҳнинг) сўзларини ўзгартирувчи йўқдир. Ҳаргиз ундан ўзга бирон паноҳ топа олмассиз). Ҳа, қисса шундай ҳолда ўз ниҳоясига етади. Қиссадан олдин, у билан бирга ва унинг ортидан шундай кўрсатмалар бўладики, Қуръондаги қиссалар ўша кўрсатмалар сабабли келтирилади. Шунингдек, қиссалар оқимида диний йўлланма билан бадиий ҳавола ўртасида мутлақ ўйғунлик бўлади.

﴿وَاصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُم بِالْغَدْوَةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ وَلَا تَعْدُ  
عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِيَّةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا﴾

(Сиз ўзингизни эртаю, кеч Парвардигорларининг розилигини истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг! Күзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини күзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга) боқмасин). Бу дарс ақида мезонидаги қиймат-бойликни белгилайди. Чунки ҳақиқий бойлик мол, мансаб, салтанат ва дунё ҳаётидан лаззатланиш әмас... Буларнинг барчаси ўткинчи ва соxта қийматлардир. Ислом бу қийматлар ичида ҳалолларидан қайтармаган, лекин уларни инсон ҳаётининг ғояси қилмаган. Ким улардан фойдаланишни хоҳласа фойдаланаверсин. Лекин уларни берган Аллоҳни эсласин ва солиҳ амал орқали У зотга шукр қилсин. Чунки солиҳ амаллар яхши ва боқийдир. Аллоҳ Таоло оятда Росулуллоҳ ﷺ ўзини Аллоҳга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутишига буюряпти. Шунингдек, Аллоҳни эслашдан ғофил бўлган кимсаларга итоат этмасликка буюряпти... Ривоят қилишларича, бу оят Құрайш зодагонлари ҳақида нозил бўлган. Улар агар мусулмон бўлишимизни хоҳласанг Билол, Сұҳайб, Аммор, Хаббоб ва ибн Масъуд каби камбағал мўминларни ёнингдан ҳайдаб юбор дейиши. Шунингдек, бизга анавилардан алоҳида мажлис қур, чунки улардан тернинг ҳиди келади, бу эса бизга ёқмайди дейиши. Шунда Росулуллоҳ ﷺ уларни имон келтиришларига қизиқиб, улар талаб қилаётган нарса ҳақида фикрлади. Шунда Аллоҳ Таоло оят нозил қилди ва унда ҳақиқий қиймат-бойлик ҳамда хато қилмайдиган ўлчовни белгилаб берди. Ана шундан кейин

﴿فَمَنْ شَاءَ فَلِيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلِيَكُفُرْ﴾

(Хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин). Ояти нозил бўлди.

Чунки Ислом бирортасига тилёғламалик қилмайди, инсонларни жоҳилият тарозиси билан ўлчамайди.

﴿وَاصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُم بِالْغَدْوَةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ وَلَا تَعْدُ  
عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِيَّةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا﴾

(Сиз ўзингизни эртаю, кеч Парвардигорларининг розилигини истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг). Яъни бошқа томонга оғишманг ва шошилманг. Чунки уларнинг ғояси Аллоҳ, улар эртаю, кеч унга илтижо қиладилар ҳамда фақат

ўша зотнинг розилигини истарлар. Уларнинг истаклари ҳаёт истагидаги кишиларнинг хоҳишларидан юксак ва буюқдир. Сиз ўшалар билан бирга бўлинг, уларни дўст тутинг, бирга ўтириング ва уларга таълим беринг. Чунки яхшилик ўшалардадир, даъват ҳам ўшаларга қилинади. Даъват уни ғолиб бўлгани учун қабул қиладиган, у билан тобеларни етаклайдиган, у орқали ўз истакларини амалга оширадиган ҳамда даъватлар бозорида у билан тижорат қиладиганларга қилинмайди. Аксинча, даъват Аллоҳга холис илтижо қиладиган, мартаба ва бойликни хоҳламайдиган, балки, у зотнинг розилигини истайдиган кишиларга қилинади.

﴿وَلَا تَعُدْ عَيْنَاكَ عَنْهُمْ ثُرِيدُ زِينَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا﴾

**(Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга) боқмасин).** Зийнат аҳли қизиқадиган ҳаёт кўринишларига эътибор берманг. Чунки

﴿زِينَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا﴾

**(Ҳаёти дунё зийнатлари)** эртаю, кеч Роббиларининг розилигини истаб илтижо қиладиган кишилар интиладиган олий уфққа кўтариilmайди.

﴿وَلَا نُطِعُ مَنْ أَغْفَلْنَا قَلْبَهُ وَعَنْ ذِكْرِنَا وَأَتَبَعَ هَوَانَهُ وَكَانَ أَمْرُهُ وَفُرُطًا﴾

**(Ва Биз қалбини Бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавои нафсига эргашган ва қиласар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг).** Ўзлари ва камбағаллар орасини ажратишни талаб қилаётгандарга итоат этманг. Агар улар Аллоҳни зикр этсалар кибру ҳаволаридан тушар, бебошлигини камайтиар ва ғурурларидан тушар эдилар. Шунингдек, Аллоҳнинг улуғлигини кўрган ва одамлар у орқали бир-бирлари билан биродар бўладиган ақида робитасини ҳис қилган бўлар эдилар. Лекин улар кўр-кўронга нафсу ҳаволарига эргашдилар ва жоҳилият мезони билан ҳукм чиқардилар. Чунки улар аҳмоқ кимсалар бўлиб, Аллоҳнинг зикридан ғофил бўлганлари учун кўз юмишга лойиқдирлар. Дарҳақиқат, Ислом барчани Аллоҳ олдида тенглаштириш учун келди. Инсонлар бир-биридан мол-давлат, насаб ва мартаба билан афзал эмас. Булар ўткинчи ва сохта қийматлардир. Афзаллик Аллоҳ ҳузуридаги мақомига қараб бўлади. Аллоҳ ҳузуридаги мақом эса у зотга қилган илтиjosига

қараб бўлади. Бундан бошқалар эса нафс ҳаво, аҳмоқлик ва ботил нарсалардир.

﴿وَلَا تُطِعْ مَنْ أَغْفَلْنَا قَلْبَهُ وَعَنْ ذِكْرِنَا﴾

**(Биз қалбини Бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйган кимсаларга итоат қилманг).** Биз ундаи кимсанни ўзига, молига, болаларига, дунё лаззатлари ва шаҳватларига берилганида ҳамда қалбида Аллоҳга жой қолмаганида ғофил қилиб қўйдик. Чунки мана шундай ишлар билан машғул бўлган ва уларни ҳаётдаги ўзининг ғояси қилиб олган қалб Аллоҳни эсламайди. Натижада, Аллоҳ уларнинг ғафлатини янада зиёда қилиб, муҳлат беради. Токи у вақтни қўлдан бой бериб, ўзлари ва бошқаларга зулм қилган кимсаларга ваъда қилган нарсасига йўлиқади.

﴿وَقُلْ آتَحُّ منْ رَبِّكُمْ فَمَنْ شَاءَ فَلَيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلَيَكُفُّرْ﴾

**«Айтинг: (Бу қуръон) Парвардигорингиз томонидан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин».** Чунки ҳақиқат мана шундай азизлик, ёрқинлик ва мустаҳкамлик билан эгилмайди ва букилмайди. Аксинча, ўз йўлида тўғри, эгилмай, заифлашмай ва ёрқин ҳолда юришда давом этади. Ким хоҳласа имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин. Кимга ҳақиқат ёқмаса-кетаверсин. Ким ўз нафсу ҳавосини Аллоҳ ҳузуридан келган нарсага бўйсундирмаган бўлса, ақидам бор, дея мақтанмасин. Ким Аллоҳнинг буюклиги олдида ўз буюклиги ва кибрини синдирамаса, ақида ундаи кимсаларга муҳтож эмас. Чунки ақида ҳеч кимнинг мулки эмаски, у билан мақтанса, балки ақида фақат Аллоҳнинг мулкидир, Аллоҳ эса бутун оламдан беҳожат. Ақидани холис олмаган ва уни ўзгаришсиз қабул қилмаган киши билан ақида кучаймайди ва ғалаба қилмайди. Эртаю кеч Аллоҳнинг розилигини истаб, унга илтижо қиласидиган мўминлардан ўзини катта оладиган кимса на Исломга яхшилик келтиради, на мўминларга. Бундай кимсага қиёматда кофирлар учун нималар тайёрлаб қўйилганию мўминлар учун нималар ваъда қилингани кўрсатилади:

﴿إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلظَّالِمِينَ نَارًا﴾

**(Аниқки, Биз золимлар учун дўзахни тайёрлаб қўйганмиз).** Яъни тайёрлаб, ҳозирлаб қўйдик, демакдир. Дўзах оловини ёқиш учун бирор меҳнат талаб қилинмайди, уни ҳозирлаш учун вақтга ҳожат бўлмайди. Аллоҳ Таолонинг ҳар нарсани яратиши учун

﴿كُنْ فِيْكُونُ﴾

**«Бүл (десаёқ албатта) бўлади»**

[Фоғир 68]

деган истак калимасининг ўзи кифоя. Аммо бу оятда (أَعْتَدْنَا) тайёрлаб қўйганмиз) сўзининг ишлатилиши шуни англатадики, бу сўз остида тезлик, тайёрлик, ҳозирлик маъноси ва тайёр, ҳозиру нозир турган оловга тўғридан-тўғри ташлаш маъноси ётибди. Бу алангали олов бўлиб, золимларни ўраб олади ва ундан қочиш ва нажот топишнинг иложи йўқ. Шунингдек, у ерда на шамол кирадиган тешик ва на туйнук бор. Агар улар ташналик ва ёнғиндан сув сўрасалар, доғланган ёғ ва қайнаган йиринг каби, яқинлашганда юзларни куйдирадиган сув берилади. Энди ўшаларни ютадиган ҳалқум ва қоринлар нима бўлишини тасаввур қиласкеринг.

﴿بِئْسَ الْشَّرَابُ وَسَاءَتْ مُرْتَفَقًا﴾

**(Нақадар ёмон ичимлик у, нақадар ёмон жой).** Олов сабабли азоб чекаётганлар ундан ичадилар! Ўт ва олов қандаям ёмон жой. Оловга тушишни эслатишда қаттиқ масхаралаш бордир. Чунки улар у жойда нафақат куйдирилади, балки пиширилади! □

### ДҮСТИМ МЕНГА ВАСИЯТ ҚИЛДИ...

Имом Аҳмад, Баззор ва Ибн Ҳиббонлар ўзларининг саҳиҳ ҳадисларида Абу Зарр Ғифорийни бундай деганини ривоят қилишган: «Дўстим менга яхши хислатларни васият қилди: Ўзимдан юқорига эмас, балки ўзимдан пастга қарашни, мискинларни яхши кўриб, уларга яқин бўлишни, гарчи қариндошларим алоқани узган бўлса-да, улар билан қариндошлик алоқаларини боғлашни, Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмасликни, аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни сўзлашни, Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ, калимасини (чунки у жаннат хазиналариданdir) кўп айтишни васият қилди».

- Абу Зарр ғифорийни «Дўстим менга яхши хислатларни васият қилди», деган сўзининг маъноси Расуулulloх маҳкам тутиб, амал қилган кишиларга хайрли бўладиган ишларни Абу Заррга юклаган, демакдир. Расуулulloх дейиш ўрнига «дўстим» дейиши Пайғамбар ғифорийни ниҳоятда яхши кўргани ва У зотга яқинлигини кўрсатиш учундир.

- «Ўзимдан юқорига қарамасликни васият қилди», иборасининг маъноси мол дунё, бойлик ва мансабда ўзидан юқорида бўлган кишига қарамаслик ва ундан дунё матоларини умид қилмасликни англатади. «Ўзимдан пастга қарашни васият қилди», дегани эса мол-дунё, саломатлик ва бошқа ишларда ўзидан пастроқ бўлган кишига қарашни англатади. Бундан мақсад инсон ўзидаги мавжуд нарсага қаноат қилсин ҳамда Аллоҳга ҳамд ва шукр қилиб, тоат-ибодат билан машғул бўлсин. Шунингдек, қалби ва руҳини дунё излашдан озод қилсин, нафсини ўткинчи нарсалар билан овора бўлишдан сақласин. Чунки Абу Ҳурайра Расуулulloх ғифорийдан шундай ривоят қиласиди:

«اَنْظُرُو اِلٰي مَنْ هُوَ أَسْفَلُ مِنْكُمْ وَلَا تَنْظُرُو اِلٰي مَنْ هُوَ فَوْقَكُمْ؛ فَهُوَ أَجَدُ اَنْ لَا تَنْذِرُو نِعْمَةً لِلَّهِ عَلَيْكُمْ»

«Ўзингиздан пастдагиларга назар ташланг, юқоридагиларга назар ташламанг. Аллоҳ сизга ато этган неъматни паст санашингиздан кўра мана шундай қилмоғингиз муносибdir». Муттафақун алайх. Лафзи Муслимники. Бухорий ривоятида шундай келади:

«إِذَا نَظَرَ أَحَدُكُمْ إِلَى مَنْ فُضِّلَ عَلَيْهِ فِي الْمَالِ وَالْخُلْقِ فَلْيَسْتَرْعِزْ إِلَى مَنْ هُوَ أَسْفَلُ مِنْهُ»

«Кимингиз бойлик ва яратилишда ўзидан афзал кишига боқмоқчи бўлса, ўзидан пастроғига қарасин». Ибн Ҳажар айтади: Ҳоким Ибн Абдуллоҳ ибн Шахир чиқарган

«أَقْلُوا الدُّخُولَ عَلَى الْأَغْنِيَاءِ فَإِنَّهُ أَجَدْرُ أَنْ لَا تَرْدُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ»

«Бойларнинг ҳузурига озроқ киринглар. Аллоҳ сизга ато этган неъматни паст санашингиздан кўра мана шундай қилмоғингиз муносибdir» ҳадиси аввалги ҳадис маъносидадир. Ибн Баттол айтади: Ушбу ҳадис яхшилик маъноларини ўз ичига олади ва шунинг учун Ибн Авн бундай дейди: «Мен бойларга ҳамроҳ бўлиб, улардан бирортасининг мендан кўра ғам-ташибишлироғини кўрмадим. Балки (бойнинг) улови меникidan афзалигини, кийими меникidan яхшироқлигини кўрдим, холос. Аммо камбағалларга ҳамроҳ бўлиб, роҳат топдим».

• «Мискинларни яхши кўриб, уларга яқин бўлишни васият қилди», деб айтган сўзидағи мискиндан мурод, қалби Аллоҳга итоатда бўлиб, Унга бўйсунган кишидир. Чунки мискинларнинг яхши кўрилишига сабаб бўладиган дунёси бўлмайди. Шунинг учун мискинлар фақат Аллоҳ Азза ва Жалла учун яхши кўриладилар. Аллоҳ учун яхши кўриш имоннинг энг мустаҳкам ришталаридандир. Имон аҳлини ва Аллоҳга итоат қилувчиларни яхши кўрган киши амалида ҳам уларга эргашади. Усома ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ айтадилар:

«قُمْتُ عَلَى بَابِ الْجَنَّةِ، فَإِذَا عَامَةً مِنْ دَخَلَهَا الْمَسَاكِينَ، وَأَصْحَابُ الْجَمَدِ (الْحَظَّ وَالْغَنَّى) مَحْبُوسُونَ (لَمْ يُؤْذَنْ لَهُمْ بَعْدُ فِي دُخُولِ الْجَنَّةِ حَتَّى يَأْذِنَ اللَّهُ)، عَيْرُ أَنَّ أَصْحَابَ النَّارِ قَدْ أُمِرَ بِهِمْ إِلَى النَّارِ، وَقَمْتُ عَلَى بَابِ النَّارِ فَإِذَا عَامَةً مِنْ دَخَلَهَا النِّسَاءُ»

«Мен жаннат эшиги олдида туриб, унга кирганларнинг кўпчилиги мискиnlар эканини кўрдим. Ҳолбуки, бу пайтда бойлар ушлаб турилган эди. (Яъни уларнинг жаннатга киришига Аллоҳ изн бермагунигача, ҳамон уларга изн берилмаган эди). Лекин жаҳаннам эгаларининг жаҳаннамга киришларига фармон берилган эди. Мен жаҳаннам эшиги олдида туриб, унга кирганларнинг кўпчилиги аёллар эканини кўрдим». Муттафақун алайҳ. Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтади: «Мискиnlар қўлини маҳкам тутинглар. Чунки қиёмат кунида уларнинг мавқеи юксак бўлади». Фузайл ибн Иёз айтади: «Ким охират азизлигини истаса, унинг мажлиси мискиnlар билан бўлсин».

- «Гарчи қариндошларим алоқани узган бўлса-да, улар билан қариндошлиқ алоқаларини боғлашимни васият қилди». Қариндошлиқ алоқалари кишининг бошқа қариндошлари билан алоқасидир ва бу «улул арҳам», деб номланади. Имом Аҳмад ва Доримий Ҳаким ибн Ҳизомдан шундай ривоят қилишади:

«خَيْرُ الصَّدَقَةِ عَلَى الْقَرِيبِ الْكَاشِحِ»

«Энг яхши садақа дилида яширин душманлиги бўлган қариндошга берилган садақадир». Бунинг маъноси шуки, кишининг қилган энг яхши садақаси дилида унга нисбатан душманликни яширган қариндошига қилган садақасидир. Чунки бу билан у қариндошлиқ алоқаларини сақлаб қолади ва шайтонни хор қиласи. «Лисонул Араб»да السَّعْيُ الْكَاشِحِ сўзининг маъноси «дилида адоватини сақлаган душман» деб келади: Салмон ибн Омирдан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ айтадилар:

«الصَّدَقَةُ عَلَى الْمِسْكِينِ صَدَقَةٌ، وَعَلَى ذِي الرَّحْمٍ ثُنَانٌ: صَدَقَةٌ وَصَلَةٌ»

«Мискинга қилинган садақа битта садақадир. Қариндошга қилинган садақа иккита, яъни садақа ва қариндошлиқ алоқасини боғлашдир».

- «Менга Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан кўрқмаслигимни васият қилди». Яъни Аллоҳдан қўрқишни биринчи ўринга қўйиш ва ҳар доим ҳақни айтиш керак.

Бухорий ва Муслим Уббода ибн Сомитдан шундай ривоят қиласы:

«بَايَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ عَلَى السَّمْعِ وَالظَّاهِةِ فِي الْمُنْشَطِ وَالْمُكْرَهِ وَأَنْ لَا تُنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ وَأَنْ نَقُومَ أَوْ نَقُولَ بِالْحَقِّ حِينَمَا كُنَّا لَا نَخَافُ فِي اللَّهِ لَوْمَةً لَأَنَّمِ»

«Биз Росууллох ﷺга хурсандчилликда ҳам, хафачиликда ҳам қулоқ солиб, итоат этишга, бошлиқликни эгасидан талашмаслика, қаерда бўлмайлик Аллоҳ йўлида ҳеч бир маломатчининг маломатидан қўрқмасдан ҳақ ишни қилиш ва ҳақ сўзни айтишга байъат бердик». Термизий ривоят қилган ҳадисда шундай келади:

«إِنَّ مِنْ أَعْظَمِ الْجِهَادِ كَلِمَةً عَدْلٍ عِنْدَ سُلْطَانٍ جَاءَرِ»

«Жиҳоднинг энг буюги золим сulton ҳузурида айтилган ҳақ сўздир». Абу Сайд Худрийдан ривоят қилинган ҳадисда Росууллох ﷺ айтадилар:

«أَلَا لَا يَمْعَنُ أَحَدُكُمْ رَهْبَةُ النَّاسِ أَنْ يَقُولَ بِحَقٍّ إِذَا رَأَهُ أَوْ شَهَدَهُ؛ فَإِنَّهُ لَا يُقْرَبُ مِنْ أَجْلِ، وَلَا يُبَاعِدُ مِنْ رِزْقٍ أَنْ يَقُولَ بِحَقٍّ أَوْ يُذَكِّرَ بِعَظِيمٍ»

«Агар сизлардан бирортангиз ҳақни кўрса ёки унга гувоҳ бўлса, одамлардан қўрқиш уни айтишдан тўсиб қўймасин. Чунки ҳақни айтиш ёки муҳим ишни эслатиш ажални яқинлаштирумайди ва ризқни узоқлаштирумайди». Аҳмад ривояти. Бухорий ва Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилган ҳадисда Росууллох ﷺ айтадилар:

«إِنَّهَا سَتَّكُونُ بَعْدِي أَثْرَةٌ وَأَمْوَرٌ شُنَّكُونَهَا»

«Мендан кейин худбинлик ва сизлар қоралайдиган ишлар бўлади». Сўрадилар: Эй Росууллоҳ, орамиздан ўша кунга етиб борган кишини нимага буюрасиз? Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«تُؤَدُّونَ الْحَقَّ الَّذِي عَلَيْكُمْ، وَتَسْأَلُونَ اللَّهَ الَّذِي لَكُمْ»

«Зиммангиздаги ҳақни адo этасизлар, ҳаққингизни Аллоҳдан сўрайсизлар». Имом Нававий айтади: «Бунинг маъноси шуки, орамиздаги кексаю ёш ҳаммамиз ҳар бир замон ва ҳар бир маконда маъруфга буюриб, мункардан

қайтаришимиз, бу борада биронтасига тилёғламалик қилмаслигимиз ва қўрқмаслигимиз лозим».

• «Гарчи аччик бўлса ҳам ҳақни айтишимни васият қилди».

Яъни гарчи азоб-үқубатга дучор бўлса ҳам, ҳақни айтишда биронтасидан қўрқмасликни васият қилди. Ислом даъватининг бошида Абу Бакр Сиддик  Қурайшнинг олдига чиқди ва уларга ҳақ сўзни эшиттиришга қарор қилди. У уларга Ислом ҳақидаги сўзлар билан мурожаат қилди. Абу Бакр  Аллоҳга ва Унинг Росулига чақирган биринчи нотик бўлди. Бироқ, Ислом душманлари унинг танаси ва юзига ҳар томондан қаттиқ уришди. Ҳатто унинг юзи таниб бўлмас ҳолга келди. Уни уйига кўтариб борганлар унинг ўлганига шубҳа қилишмаган эди. Ибн Ҳишомнинг нақл қилишича, Росууллоҳ  нинг асҳоблари бир куни йиғилиб: Аллоҳга қасамки, Қурайш Қуръонни ҳеч қачон очиқ эшитмаган, уларга уни ким ўқиб эшиттиради – дейишиди. Шунда Абдуллоҳ ибн Масъуд: мен, деди. Улар унга: Сенга бирон зиён бўлишидан қўрқамиз, биз шундай одамни истардикки, агар улар унга ҳужум қилмоқчи бўлишса, уни бу одамлардан ҳимоя қила оладиган қариндошлари бўлсин, дейишиди. Абдуллоҳ ибн Масъуд: менга йўл беринглар, Аллоҳ мени ҳимоя қиласди, деди. Эртаси куни чошгоҳда Абдуллоҳ ибн Масъуд мақоми Иброҳимга келди. Қурайш одатдагидек ўз мажлисгоҳида ўтирас эди. Абдуллоҳ ибн Масъуд баланд овоз билан «Бисмиллаҳир Роҳаманир Роҳим», деб Ар-Роҳман сурасининг аввалги икки

﴿الرَّحْمَنُ عَلَمَ الْقُرْآنَ﴾

**«Мехрибон** (Аллоҳ Мұхаммад пайғамбар ва унинг умматларига) Қуръонни таълим берди» [Ар-Роҳман 1-2] оятини ўқиди. У Қуръон ўқишни давом эттирас экан, ортига ўгирилди. Улар унга тикилиб қараб: Ибн Умму Абд нима деяпти, деб айтишди. Баъзилари, Мұхаммад келтирган нарсадан баъзи ибораларни айтапти, дейишиди. Улар туриб, унинг юзига ура бошлиши. У ўқишни давом эттириб, Аллоҳ ўқилишини хоҳлаган жойгача етиб борди, кейин юзи шишган

ҳолда сафдошларининг олдига қайтиб борди. Сафдошлари, биз сенга шундай бўлишидан қўрқсан эдик, дейиши. Абдуллоҳ ибн Масъуд – Аллоҳнинг душманлари мен учун ҳозиргидан кўра ночор бўлишмаган, агар хоҳласангиз эртага эрталаб яна шундай қиласман, деди. Сафдошлари – йўқ, сенга шуниси етарли, сен улар ёқтирмайдиган нарсани уларга эшииттирдинг, дейиши.

Абу Зарр Фифорий ҳам худди шундай қилган. У Исломни қабул қилгач, Росулуллоҳ ﷺ унга: «Ўз қавмингга қайт, уларга Ислом ҳақида хабар бер ва менинг бўйруғимни кут», дедилар. Абу Зарр: Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мен бу ҳақда уларнинг (қурайшликларнинг) орасида қичқириб айтаман, деди. Сўнг чиқиб, масжидга келди ва баланд овозда «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Мұхаммад Аллоҳнинг элчиси деб гувоҳлик бераман» дея шаҳодат калимасини айтди. Қавм ўрнидан туриб, уни ётиб қолгунига қадар урди. Шунда Аббос келиб, уни (ўз танаси билан) ёпиб ҳимоя қилди ва уни улардан қутқарди. Эртаси куни Абу Зарр яна шундай қилди. Улар яна уни калтаклашди ва унга ўз ғазабларини тўкишди. Аббос яна уни (ўз танаси билан) ёпиб ҳимоя қилди ва уни улардан қутқарди.

«Менга «ЛА ҲАВЛА ВА ЛА ҚУВВАТА ИЛЛА БИЛЛАХ» калимасини кўп айтишни васият қилди». Ким бу калимани айтса Аллоҳга итоат қилиб бўйсуниш лозимлигини тан олган бўлади ва ишни Аллоҳга топширади. Баъзилар бу калимага «Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ёмонликни қайтаришга ва яхшиликни жалб қилишга қодир эмас» деб маъно берадилар. Бошқалар эса «Ёмонликни даф этиш ва яхшиликни жалб қилишга қодирлик фақат Аллоҳнинг изни билан бўлади», деб маъно берадилар. Бухорий ва Муслим Набий ﷺдан ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ Абу Мусо ﷺ га: «Сенга жаннат ҳазиналаридан бирини кўрсатайми», деганларида, Абу Мусо: Албатта, дейди. Росулуллоҳ ﷺ: Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ, дейдилар. □

## **«ЯНГИ ИБРОҲИМИЙ ДИНИ»ГА Даъват Исломга қарши урушнинг НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИДИР**

«Янги иброҳимий дини» янги бузуқ дин бўлиб, уни ўйлаб топганлар буни (ислом, насронийлик ва яхудийлик) динлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни тузиш мақсадида ташкил этишганини даъво қилишяпти. Унинг номи Иброҳим алайҳиссалом ушбу диндаги пайғамбарларнинг барчасининг отаси бўлгани билан боғлиқдир. Лойиҳанинг эълон қилинган мақсади «динлараро муносабатларга эътибор қаратиш ва халқлар ўртасидаги низо ва можароларга нима сабаб бўлиши мумкин бўлган жиҳатини эътиборсиз қолдириш». Бу ғоя аслида «Ҳар қандай келишмовчиликлардан қатъий назар халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик ўрнатиш» доирасида илгари сурилган эди.

Бу чақириқ Исломга қарши уруш доирасида амалга оширилган бўлиб, Қўшма штатлар ўзининг янги халқаро тартибини дунёга, шу жумладан, Ислом оламига татбиқ этиш доирасида бўлмоқда ва хусусан араблар яшайдиган минтақада (Исройл) билан муносабатларни нормаллаштириш тадбирлари билан ҳамоҳанг келмоқда. «Иброҳимий» атамаси ўтган йилнинг сентябр ойида Бирлашган Араб Амирликлари ва Баҳрайннинг (Исройл) билан алоқани нормаллаштириш шартномасини имзолаши билан тарқалди. Ушбу келишувга Америка Қўшма Штатлари, унинг ўша пайтдаги президенти Доналд Трамп ва унинг маслаҳатчиси Жаред Кушнер томонидан ҳомийлик қилинган; У «Иброҳим келишуви» деб номланган. АҚШ давлат департаменти саҳифасида эълон қилинган келишув декларацияси матнида бундай дейилади: «Биз учта Иброҳимий дин ва бутун инсоният ўртасида тинчлик сақофатини ривожлантириш учун сақофатлараро ва динлараро мулоқотни қўллаб- қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни рағбатлантирамиз».

Бу чақириқнинг ўз тарафдорлари мавжуд бўлиб, улардан энг кўзга кўрингани Мұҳаммад ибн Зойиддир (ижтимоий тармоқларда Мұҳаммад ибн Зойиднинг иллюзияси кенг тарқалиб, унинг сурати шайтоннинг суратига ўхшатилди ва масхараомуз изоҳлар қолдирилди). «Иброҳимий даъват» билан Абу Даби ҳукмдори Мұҳаммад ибн Зойид ташкил этишини буюрган «Иброҳимий оиласи уйи» ўртасида боғлиқлик борлиги аниқ. У масjid, черков ва синагогаларни ўз ичига олган бўлиб, 2022 йилда очилади. Шундай қилиб, мамлакатлар, халқлар, мазҳаблар ва динлар ўртасидаги бағрикенглик ва мулоқот ҳақидаги гаплар кейинчалик «Ягона Иброҳимий дин» деб номланувчи гапга айлана бошлади.

Бу даъват аслида собиқ фанат сўфийлардан келиб чиқкан бўлиб, уни аввалги мусулмон уламолар, жумладан, ибн Таймийя рад этган. У фатволар мажмуаси китобида бундай дейди: «Улар Ибн Сабин ва бошқалар бўлиб, уларнинг назарида

энг зёр одам бирлашиш ҳақида гапирадиган кишидир. Агар у бунга эришса (яъни одамларни бирлаштира олса) яхудий ёки насроний бўлишининг зарар йўқ... Аксинча, Ибн Сабъин, Ибн Ҳуд, Телмисоний ва бошқалар киши Исломга амал қилгани каби яхудийлик ва насронийликка ҳам амал қиласа бўлади, дейишади. Улар буни исломий мазҳаблар каби йўл сифатида ушлайдилар». Булардан яққол кўриниб турибдики, Америка мана шундай бузуқ тушунчаларга асосланган суфизмнинг қабул қилинишини истаяпти, бинобарин, Халифалик давлатини барпо этиш лойиҳасига қарши курашиш учун мана шу суфизмни қўллаб-кувватляяти.

Ёзувчи Мұхаммад Мұхаммадхусайнинг айтишича, ушбу асрда динлар бирлигининг энг машҳур тарғиботчиларидан бири Афғоний номи билан машҳур бўлган Жамолиддин Форсийдир. У уч динни бирлаштиришга интилишда жиддий роль ўйнаган бўлиб, бу даъватни ундан кейин Ислом ва насронийликни ўйғунаштиришда иштирок этган шогирди Мұхаммад Абдуҳ қабул қилди. Маълумки, бу икки ёвузлик тарафдорлари масонлик билан боғланган ва уларнинг даъватидан Британия сиёсатининг ҳиди келади.

**Ал-Ваъй:** Динлар бирлигига даъват бу динлар ўртасида бирга яшаш, мулоқот қилиш, яқинлашиш, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик лафзлари ғилофланган ғаразли сиёсий даъватдир... Бу даъват тарафдорлари (нафақат дин вакиллари) балки динларнинг бирлашиши хусусан Ислом дини билан бирлашишини хоҳлайдилар. Бу Исломни бузиш ва ўзгартириш учун унга қарши қаратилган глобал урушдан ўзга нарса эмас. Бошқа динларга келсак, улар асли бузуқ ва фитратга зид бўлган даъватдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿رَوْ شَاءَ رَبُّكَ لَجَعَلَ الْكَلَسَ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَا يَرَالَوْنَ مُخْتَلِفِينَ إِلَّا مَنْ رَحْمَ رَبُّكَ وَلَذِلِكَ خَلَقَهُمْ وَتَمَّتَ كُلَّهُمْ رَبِّكَ لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنْ أَجْنَبَةِ وَالثَّالِثِينَ أَجْمَعِينَ﴾

«Агар Парвардигорингиз хоҳлаганида, барча одамларни бир миллат (яъни бир динга эргашувчи) қилган бўлур эди. (Лекин У Зот бундай қилишни истамади. Шунинг учун) улар (одамлар) мудом ихтилоф қилурлар, магар Парвардигорингиз раҳм қилган кишиларгина (ҳақ ўйлда имтифоқ бўлиб яшарлар). Уларни шунинг учун (яъни бирорлари ҳақ ўйлда ҳидоят топишлари, бошқалари ноҳақ ўйларда талашиб-тортишиб юришлари учун) яратгандир. Парвардигорингизнинг «Мен жаҳаннамни (коғир) жин ва коғир одамларнинг барчаси билан тўлдирурмен», деган сўзи тўйла ҳақ бўлди»

[Ҳуд 118-119]

Бу даъват очиқ куфрдир, чунки у зоҳирий тўғри матнларни инкор этишини ўз ичига олади ва диндан аниқ маълум бўлган нарсаларга зиддир ва унинг залолатини хос одамлар билан бир қаторда авом халқ ҳам идрок этади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ عِنْدَ اللَّهِ أَإِلَّا إِسْلَمُوا﴾

«Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир» [Оли Имрон 19]

Аллоҳ Таоло биз учун қабул қилган бу диннинг комил ва фазли тўлиқ эканини Аллоҳнинг ўзи бизга билдирган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَلْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَّتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيَتُ لَكُمْ أَإِلَّا إِسْلَامُ دِينُكُمْ﴾

«Бүгүн сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» [Моида 3]

Ислом ўзидан олдинги бузилган ва ўзгартирилган динларни бекор қилган, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَن يَتَبَّعْ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِيَنًا فَلَن يُفَلَّ مِنْهُ﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди» [Оли Имрон 85]

Албатта яхудийлар, насронийлар ва барча умматлар Мұхаммад ға нозил бўлган динга тўлиқ имон келтиришлари керак ва кимки бундан юз ўгирса баҳтсизликдадир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنْ ءامَنُوا بِيَمِيلٍ مَا ءامَنُتُمْ بِهِ فَقَدِ اهْتَدَوْا وَإِنْ تَوَلُّوْ فَإِنَّمَا هُمْ فِي شَقَاقٍ فَسَيَكْفِيْكُمُ اللَّهُ وَهُوَ أَلَّمُسْمِعُ﴾

﴿أَعْلَمُ﴾

«Энди агар улар (яъни, аҳли китоблар) сизлар имон келтирган нарсаларга имон келтирсалар, ҳақ ўйлни топибдилар. Агар юз ўгирсалар, у ҳолда, шубҳасиз, сизларга нисбатан гина ва адоватлари бордир. Уларнинг ёмонлигидан сизга (эй Мұхаммад), Аллоҳнинг ўзи етарлидир. У эшигувчи, билгучидир» [Бақара 137] Шореъ яхудий ва насронийларни дўст тутишилкни ҳаром қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا لَا تَشْخُذُوا الْيَهُودَ وَالثَّصَارَىٰ أُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Эй мўминлар, яхудий ва насронийларни дўст тутмангиз» [Моида 51]

Балки шариат уларни душман деб билган, шунинг учун мусулмонлар ҳам уларни душман деб билишлари керак. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا لَا تَشْخُذُوا عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمْ أُولَئِكَ تُلْقَوْنَ إِلَيْهِم بِالْمُوَدَّةِ وَقَدْ كَفَرُوا بِإِيمَانِكُمْ مِنْهُمْ أَكْثَرُ﴾

﴿الْحَقُّ﴾

«Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, ҳолбуки улар сизларга келган ҳақ (дин ва Қуръон)га кофир бўлгандирлар» [Мумтаҳана 1]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَن يُشَاقِّ الْأَرْسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ الْهَدَىٰ وَيَتَّبَعْ غَيْرَ سَبِيلِ الْمُؤْمِنِينَ نُولِئِ ما تَوَلَّ وَنُصْلِيهِ جَهَنَّمْ وَسَاعَتُهُ مَصِيرُهِ﴾

«Ким ҳақ ўйлни аниқ билганидан кейин пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг ўйларидан бошқа ўлга эргашиб кетса, биз уни кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга дохил қиласиз. Нақадар ёмон жойдир у!»

[Нисо 115]

Ислом дини ва барча мусулмонлар иттифоқи билан аниқ маълумки, ким Исломни бошқа динлар билан тенглаштиrsa Ислом динидан чиқади. □